

**МАДАНИЯТШУНОСЛИК
ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**



1- МАВЗУ: МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ (2 СОАТ)

РЕЖА:

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари ҳамда ижтимоий вазифалари.
2. Маданиятнинг соҳалар ва кўринишлар бўйича таснифи.
3. “Маданиятшунослик” фанининг асосий таркибий тузилиши. Маданият фалсафаси.
4. Маданиятнинг турлари-моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.
5. Ахборот жамияти маданияти ва унинг турли кўринишлари

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари ҳамда ижтимоий вазифалари.

Утилаётган ижтимоий-гуманитар фанлар таркибида Маданиятшунослик(маданият тарихи)-энг ёш фан. Бу фан барча ўқув юртларида мустақиллик йилларидан эътиборан ўқитила бошланди. Бу жамият ҳаётини маънавий соғломлаштириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Маданиятшунослик фанини ўқитилиши қуйидаги зарурият ва омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, мустақил жамиятнинг барча жабҳаларида чуқур ислохотларни амалга оширишни табиий равишда кун тартибига қўйди. Ёшлар бу жараённинг моҳиятини тўғри англамоғи, ижтимоий фаол бўлмоғи учун маданият тарихини ўрганмоғи, билмоғи лозим.

Иккинчидан, мустақиллик шарофати билан ёшларимиз хорижларда таҳсил олмоқдалар, ўзга халқлар маданияти, удуми. Анъанлари билан танишмоқда. Бундай шароитда ўз маданий-маърифий меросини яхши билмаслик кечирилмас ҳол. Улар жаҳонни хайратга солган аجدодлар меросини билмоғи ва унга муносиб ворис бўлмоғи керак.

Учинчидан, миллий ғоя, миллий мафқурани шакллантириш, ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, ёшларни миллат ва истиқлол манфаатларига зид ғоялар, қарашлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш вазифаси миллий-озодлик ғояларини, буюк мутафаккирларимизнинг мероси ва асарларини билишни талаб этади.

Тўртинчидан, маданиятшунослик фанини ўқитиш-талаба ёшларда жаҳон ва Ватан маданияти тарихи билан боғлиқ бой материалларни мустақил таҳлил этиш тафаккур мустақиллиги, тарихий онг, асл зиёиликни шаклланиши, миллатимиз менталитетининг юксалишига йўналтирилган, шунга хизмат қилмоғи керак

Ҳар бир фан ўз мақсади, муаммолари, манфаатлари соҳаси, тажрибаси, текшириш усуллари, асосий назарий ва амалий нуқталарини аниқ белгилаб олар экан, шу асосида оламни, унинг ҳодисаларини, улар ўртасидаги ўзаро алоқа ва

муносабатларни қараб чиқади. Сўнгра, уларни ўзаро бахс мавзуси ва текширишлари доирасига киритади.

Маданиятшунослик жамият маънавий ҳаёти тараққиётининг умумий қонунлари, уларни ҳаракатга келтирувчи кучлари, инсоннинг маданий-тарихий жараёнда, маданият соҳасида тутган ўрни ҳақида бахс юритадиган фандир. Маданиятшунослик предмети қуйидаги масалаларни тадқиқ этишини ўз ичига олади:

- маданиятнинг моҳияти, мазмуни, тузилиши, асосий функциялари;

- маданиятнинг тарихий тараққиёт қонунлари, маданий ворислик жараёнлари, маданий меросдан фойдаланиш қоидалари;

- маданиятнинг миллий-этник ўзига хослиги, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, уйғунлаштиришда маданий алоқалар ҳамда умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти;

- шахснинг маънавий шаклланиши ва камол топишда маданиятнинг ўрни ва инсоний муносабатларни олийжаноблаштиришда унинг аҳамияти.

Маданиятшунослик-маданият ривожланишининг энг умумий қонуниятларини ўрганади. Унинг манбаи инсоният яратган барча маданий қадриятлардир.

Маданиятшуносликнинг асосий вазифасига инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг маънавий турмушига оид барча жараёнларни тадқиқ қилиши киради. Унинг тадқиқот манбаи бўлиб:

- инсон яратган санъат соҳаси;

- кишилар муомила воситаси бўлган тил;

- жамият бойлиги, мезони бўлмиш билим;

- ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий ташкилотлар;

- жамиятда содир бўлувчи демографик ва этник жараёнлар хизмат қилади.

Маданиятшуносликнинг тизими деб эътироф этадиган бўлсак, у ўз ичига қуйидаги мантикий бўлақларни олади.

Биринчидан, маданиятшуносликнинг ҳар бир масалани бошқа муаммолар билан боғланиб, илмий маъно касб этади.

Иккинчидан, маданиятшунослик маданиятни ўрганганда, уни жамият ҳаётининг бошқа соҳалари сирасига олиб кириб текширади.

Учинчидан, маданиятшунослик ҳодисаларнинг назарий хулосалайди, умумлашган концепциялар яратади, шу негизда конкрет хулосаларга илмий ёндашади. Натижада, маданиятшунослик шаклининг объективлик мазмуни чуқурлашиб боради.

Тўртинчидан, маданиятшунослик муайян суянади, текшириш ҳодисаларини шу нуқтаи назардан кўриб чиқади. Маданиятга қадрият сифатида ёндашиш ва шу йўл билан илмий фикр юритиш маданиятшуносликдаги.

Бешинчидан, маданиятшунослик янги факт, далилларни, ҳодисаларни таҳлил эта бериб, мазмунан бойитди.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, унга хос бўлган хусусият-инсоннинг маданий ҳаёти ҳодисасини тартибли тизимга солиб ёндошиш ҳисобланади.

Маданиятшунослик фани муҳим тарбиявий вазифани ҳам бажаради. Инсонда зиёилик хиссини тарбиялаш курснинг диққат марказида туради.

Маданиятшунослик фанининг муҳим вазифаларидан, бири бу кишида ижодий қобилиятни ривожлантиришдир.

2. Маданиятнинг соҳалар ва кўринишлар бўйича таснифи.

Маданиятшунослик фани маданиятга илмий таъриф беришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди, маданиятнинг умумтарихий мазмуни ва маъносини белгилаб, унинг ижтимоий-тарихий билимларини бошқа муҳим категориялари тизимида тутган ўрни ва мавқеини илмий асослайди. «Маданият» ибораси ҳозирги замон илмий адабиётларида ўз мазмуни ва кўламига кўра ранг-баранг маъноларни ифода этади. Маданият лотинча «культура» маънони ифодалаб, даставвал ерга ишлов бериш. Ерни парваришlash, деҳқончилик меҳнати деган фикрни ифодалаган.

Кейинчалик, бу сўз маърифатли бўлиш, тарбия кўрганлик, билимли бўлиш мазмунида қўлланилган. Ўзбек тилида ишлатиладиган «маданият» атамаси арабча «мадана» -«шаҳар» деган маънони билдиради.

Агар америкалик маданиятшунос олимлар А. Кребер ва Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маъданият ходисасига берилган таъриф 164 та бўлса сўнгги адабиётларда бу рақам 400 дан ортиқни ташкил этади. Маданиятни ранг-баранг талқин этишда қуйидаги манзараларга дуч келамиз:

-инсон тамолидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси: инсон фаолияти мажмуи, фаолият воситалари йиғиндиси ижодий фаолият, жамиятнинг маънавий ҳолати, жамиятнинг маънавий ҳаёти, жамиятнинг сифати, инсон сифати ва бошқалар. ғарбий Европада маданият тушунган XVIII –асрнинг охиридан ҳозирги мазмунини касб этган бўлсада, фақат XX-асрга келиб ижтимоий ва гуманитар фанлар категориал тизимида ўрин олди. Қадимги Римда «маданият» тушунчаси «ҳаётни маънавий жиҳатдан янада яхшилашга ва тозалашга қаратилган ғамхўрлик» деган маънода ҳам фойдаланилган. Маълумотларга кўра машҳур Рим файласуфи Нешлик Цицерел ҳам «Маданият» атамаси ақлий-ахлоқий маданият тушунчаси билан ёнма-ён ишлатилган. Кўриниб турибдики, «маъният» тушунчаси хилма-хил талқимга қарамай қадимдан ҳозирги кунгача ўз моҳиятини ўзгартирмаган.

Маданият-кишилар томонидан ижтимоий-тарихий тажриба асосида яратилган ва яратилаётган моддий ва маънавий қадриятлар йиғинидан иборат. Маданиятчилик илми таркиб топиши жараёнида шаклланган бу концепция ўзининг бир қатор кўринишларига эга.

1 кўриниши-инсон меҳнатининг барча маҳсулотларини, табиатдан фарқли ўлароқ инсон яратган барча нарсаларни «маданият» тушунчасига киришади.

2 талқин-маданият, фақат маънавий қадриятлар мажмуидан ташкил топган деб ҳисоблайди.

3 талқин-ёлғиз ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган, унинг натижаси орқали юзага келган маҳсулотларни киритади.

Маданиятнинг беш вазифаси-фаолиятнинг субъекти, яъни, инсонни ҳар томонлама тараққий эттиришдан иборат. Табиат ва жамият инсон фаолиятининг объекти бўлиб хизмат қилади. Шунга мувофиқ маданиятда икки соҳа ажралиб чиқади: Инсоннинг табиатини ўзгариш жараёнидаги янгиланиш билан боғланган

моддий маданият: Инсоннинг маънавий олами ва унинг ижтимоий борлиги билан боғланган маънавий маданият. Маданиятнинг ҳар иккали асосий соҳаси мураккаб тузилишга эга. Моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти табиий муҳитга маданий муносабатда бўлиш маданияти кабилар киради.

Узоқ вақтлар фанда маданият деганда фақат маънавий маданият назарда тутилди. Негаки, борлиқни ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик белгилайди деб ҳисобланган. Индустириал жамиятнинг вужудга келиши, унинг техникавий тараққиёти ва технологияларини алмашиши маданиятшуносларни инсониятнинг барча моддий маданиятини ўрганишга мажбур қилди. Моддий маданиятнинг биринчи катта соҳаси бу меҳнат қуроли ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа воситалари, техника қуроли.

Моддий маданиятнинг **иккинчи соҳаси** ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ.

Моддий маданиятнинг **учинчи соҳаси** инсоннинг ўзи ҳисобланади.

Маънавий маданият анча илгаридан ўрганила бошланган. Маънавий маданият анча илгаритдан ўрганила бошланган. Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг аниқ шакллари ҳисобланади.

3. “Маданиятшунослик” фанининг асосий таркибий тузилиши. Маданият фалсафаси.

Маданиятнинг моҳияти ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни масаласини тўғри тушуниш учун унинг таркибий қисмларини қараб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий маданият – шахсларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётини фаолияти ва сиёсий ҳаётда қатнашиш малакасини ўзлаштиришни, қатнашиш даражасини ифодалайди. Сиёсий маданият сиёсий тафаккур ва сиёсий фаолият шаклида намоён бўлади. Сиёсий маданият-бу кенг маънода фуқароларнинг сиёсий билимлари, хатти-ҳаракатларининг даражасини ўз ичига олади. Тор маънода сиёсий муносабатлар мазмуни ва сифати даражасини белгилаб беради. Қадимги сиёсий қарашлар асосчиси Арасту табири билан айтганда, инсон-бу сиёсий мавжудотдир.

Иқтисодий маданият-Иқтисодий маданият дейилганда кишиларнинг иқтисодий билимлари, эътиқодлари ва амалий фаолиятлар бирлиги тушунилади.

Иқтисодий маданият таркибан ўз ичига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият ва иқтисодий муносабатларни олади.

Меҳнат маданияти-Ҳар бир цивилизация, ҳар бир тарихий давр ўзига хос меҳнат маданиятини яратган. Меҳнат маданияти, бу-кишиларнинг табиатга бўлган онгли муносабатлари ва уларнинг бир-бирлари билан бўладиган инсоний муносабатлари маданиятидир.

Ахлоқий маданият-Ахлоқий маданият жамият аъзоларининг ахлоқий фазилатлари, инсонпарварлик урф-одатларидир. Шу билан бирга ахлоқий маданият жамиятнинг кўпчилигига хос бўлган инсоний ахлоқий тушунчалар, қарашлар, ҳиссиётлар, ахлоқ-одоб қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Хукукий маданият- «У қонунларга бўйсунуш ва уларга амал қилиш маданиятидир. У одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожат этиш эҳтиёжи демакдир. Хукукий маданият дегани-турли можароларни ҳал қилишда қонунга ҳилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»¹.

Эстетик маданият-Эстетик фаолият билан боғланган муносабатлар ва кадриятлар тизимини ифода этади. Инсонни теварак атрофини ўраб олган воқеликка муносабатида ўз-ўзини эркин намон этиш масаласи эстетик маданият соҳасини ташкил этади.

Педогогик маданият- Шахснинг таълим ва тарбияга оид қараш, тажриба ва муносабатлари йиғиндиси педогогик маданият дейилади. Педогогик тажриба-шахснинг таълим-тарбияга оид кўникма ва малакалари тизимидир.

Нутқ маданияти-Кишилар маданиятли бўлишлари учун нутқ маданиятини эгаллашлари керак. Нутқ маданиятига эришишнинг биргина шарти тинглашдир. Нутқ маданиятига эришишнинг иккинчи шарти оғзига келган ҳар қандай сўзни ўйламай гапирмасликдир.

4. Маданиятнинг турлари-моддий ва маънавий маданият, уларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Маънавий ва маданият бир-бирига яқин тушунчалардир, аммо улар битта нарсга эмас, бири иккинчисидан фарқ қилади. Шунинг билан бирга улар бир-бирини тўлдириб туради.

Маданият - бу кишилар фаолиятининг жамият иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти соҳасида яратган, ўзларининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарган моддий ва маънавий бойликлар тизимини билдиради. Жамият моддий ишлаб чиқаришининг икки амалий тури-моддий ва маънавий ишлаб чиқаришга қараб маданият ҳам йирик икки турга моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият деганда меҳнат қуролларини, меҳнат кўникмаларини, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ва моддий ҳаёт учун хизмат қиладиган инсон томонидан яратилган барча моддий бойликларни англаймиз. Моддий маданиятга модий бойликларининг бутун мажмуи уларни ишлаб чиқариш воситалари: ишлаб чиқариш жараёнида яратилган техника, технология, техника иншоотлар, ижтимоий меҳнатни уюштириш шакли, қурилиш ва деҳқончиликни йўлга қўйиш ва бошқалар қиради. Шуларга қараб, моддий маданиятни бир қатор турларга бўламиз. Чунончи, ишлаб чиқариш ва техника маданияти, деҳқончилик маданияти, меҳнатни ташкил этиш маданияти, инженерлик маданияти, пазандачилик маданияти ва бошқалар.

Маданиятнинг иккинчи тури - бу маънавий маданиятдир. Маънавий маданиятга инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари қиради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

¹И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 189 –бет.

Маданият-умуминсоний ходиса. У барчага баробардир. Масалан, мақомлар, адабиёт, меъморчилик дурдоналари, фан-техника ютуқлари, транспорт ва алоқа воситалари барчасига тегишлидир. Худди шунингдек, маънавий маданият ҳам миллий ва умуминсоний бўлади.

Миллий маънавият, маданият тарихий ходиса сифатида бир кунда, бир йилда, балки бир асрда ҳам мукаммал шаклланмайди, Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маданият тарихининг ибтидоси асрлар қаърига сингиб кетган бўлиб, уларнинг бир неча минг йиллик маънавий камолат пиллапояларини босиб ўтганлигини аниқлаш бугун учун анчайин мураккаб муаммо.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Маданият, маънавият, индивидиум, социум, қонуният, зиёлилик, интелект, функция, менталитет

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Маданиятшунослик фанининг предмети, у нимани ўргатади?
2. Маданиятшунослик илмининг асосий йўналишларини сананг?
3. «Маданият» атамаси фанда қачон пайдо бўлган?
4. «Маданият» деганда қандай маъно ва ходисани тушунасиз?
5. Маданиятнинг қандай типлари мавжуд?

2-МАВЗУ: МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС. МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ (2 соат)

РЕЖА:

1. Мерос – дунё халқлари учун умумий инсоний мулк. Мероснинг тарихан ўзгариб бориши.

2. “Буюк ипак йўли” маданияти.

3. Маданий мерос – инсониятнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги натижаси. Маданий мероснинг механизми.

4. Миллий ўзликни англаш ва миллий маданият муносабатлари.

5. Мустақил Ўзбекистон шароитида миллий маданият ривожланиши учун омиллар.

1. Мерос – дунё халқлари учун умумий инсоний мулк. Мероснинг тарихан ўзгариб бориши.

Мерос - бу ўтмишда қолган қадриятлар ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани

излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф қилиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўллари танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўринни эгаллаш жараёнида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда кишилар тафаккурида тубга ўзгариш, - миллий ғоя— миллий- мафкурани шаклланиш жараёни кечмоқда. Бу жараён учинчи минг йиллик арафасида амалга ошмоқда. Шу муносабат билан Президент И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ўта ибратлидир: «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нимани олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечишимиз даркор?. Янги минг йилликда қандай муаммоалрнинг ечими бизнинг диққат эътиборимиз марказида турмоғи лозим?»¹ «Бу фикр маданий ва маънавий меросимиз муаммоларини ҳал қилишда асосий дастурий амалдир.

Маданий мерос- бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф этиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўллари танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади.

Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан амал қилади, бу — намоёниш қилиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди, бу — кино тасвири, оҳонрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятларда ҳам ҳақикатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик ғоя ҳукмронлиги даврида халқлар, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий, миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман, маданий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаасида. 1999. 3-б.

меросдан мутлако маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

2. “Буюк ипак йўли” маданияти.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда “Буюк ипак йўли” милoddан аввалги III асрнинг oхири –II асрларда шакллана бошлайди. Кўпчилик олимлар милoddан аввалги II асрда Марказий Осиёга келган Хитойлик сайёҳ ва савдогар, император саройи офицери Чжан Цзянни Хитойдан бу йўлни бошлаб берган дастлабки сайёҳ деб ҳисоблайдилар. Милoddан аввалги II асрнинг oхирларида Хитой кўшинлари Довон (Фарғона) ерларига бостириб кирдилар. Ўша даврдан бошлаб Марказий Осиё ва Хитой ўртасида савдо ва маданий aloқалар ривожланиб борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб борган сари савдо-сотиқ ишлари ҳам ривожланиб борди. Хитой савдогарлари Марказий Осиёга асосан хом ипак ва ипак матолари, Марказий Осиёлик савдогарлар Хитойга шиша буюмлар, қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнат буюмлари ва бошқалар элтганлар.

“Буюк Ипак йўли ” бўйлаб кўплаб карвонсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг oхиригача бормас эдилар. Марказий Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа жойларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қилар эдилар. Ўша давр Марказий Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эди-ки, ҳозирги кунда Ипак йўли устидаги кўхна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик казишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизни далилларидир.

3. Маданий мерос – инсониятнинг ўтмиш билан чамбарчас боғлиқлиги натижаси. Маданий мероснинг механизми.

Маданий мерос - бу ўтмишда қолган кадриятлар ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларидир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф қилиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб, жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўллари танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўринни эгаллаш жараёнида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда кишилар тафаккурида тубга ўзгариш, - миллий ғоя– миллий- мафкурани шаклланиш жараёни кечмоқда. Бу жараён учинчи минг йиллик арафасида амалга ошмоқда. Шу муносабат билан Президент И. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ўта ибратлидир: «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нимани олиб ўтишимиз мумкин? Ва нималардан воз кечишимиз даркор?».

Янги минг йилликда қандай муаммоаларнинг ечими бизнинг диққат эътиборимиз марказида турмоғи лозим?² «Бу фикр маданий ва маънавий меросимиз муаммоларини ҳал қилишда асосий дастурий амалдир.

Маданий мерос- бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир. Ўзлаштириш ёки аниқроғи, маданий мерос жараёни ўта муҳим бўлиб, маданиятнинг ҳаракатдаги асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён инсониятнинг ўтмиши, бугуни ва келажagini бир бутун ҳолда бирлаштириб, одатий тарзда тайёр ютуқларга айланади. Бор нарсани излаш, маълум нарсани очиш, қилинган кашфиётни кашф этиш керак бўлмаганидек, ўтмиш аجدодлар қилган ишни такрорлаш шарт эмас. Эришилган ютуқлардан келиб чиқиб жамият ўз мақсадларини амалга оширишнинг қисқа йўллари танлайди. Бундан ташқари маънавий мерос кишиларнинг савиясини беҳад кенгайтиради, улар ҳаётини ақлий ва ҳиссий жиҳатдан бойитади, билимнинг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади.

Агар маданият ва маънавият соҳалари таркибида тил, удумлар, анъаналар ва бошқалар бўлса, маълум халқнинг маданият тарихи доирасида мерос қолдириш жараёни яхшироқ кечади. Бошқа соҳаларда эса техника, фан, санъат каби соҳалардаги бир халққа тегишли мерос бошқа халқларга ҳам тегишли мулкка айланади.

Кейинги авлодларга мерос қолдириш учун маданиятда белгиланган усул ва механизм мавжуд. Улардан баъзилари қадимдан амал қилади, бу – намоёниш қилиш, оғзаки узатиш, фольклор, санъат; бошқа усуллар кейинроқ пайдо бўлди, бу – кино тасвири, оҳонрабо ёзуви, компьютер хотираси. Барча жамиятларда ҳам ҳаққатдан маънавий мероснинг фойдаланиш имкониятларини ўзгартириш шароити бир хилда эмас. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ғоявий омиллар билан белгиланади. Бу омиллар мероснинг ҳажми, танлаш хусусияти, интенсивлигига боғлиқ. Бизга маълумки совет жамиятида коммунистик ғоя ҳукмронлиги даврида халқлар, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзининг ҳақиқий тарихий, миллий ва маънавий меросидан маҳрум этилган эди. Умуман, маданий меросдан мутлақо маҳрум бўлган ёки фойдаланмаган жамият ёки халқлар тарихда бўлиши мумкин эмас.

Маданий мероснинг механизми. Маданий мероснинг механизми қуйидаги хусусиятларга эга

1. Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жаъмики бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади. Ўтмиш тажрибаси бугун ва келажак учун ҳар доим асқотиқиши мумкин, шунингдек, бугун унитилган нарсалар бутунлай йўқолиб кетмайди. Масалан, В. Шекспир юз йилча унитилиб, кейинги авлодлар учун жаҳон адабиёти ва драматургиясининг классиги сифатида танилди.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсаасида. 1999. 3-б.

2. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши. Маданий мероснинг ўтиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин. Яъни, миллий ғоя мавжуд нуқтаи назар ва билимлар талабига мос келувчи янги талқиндаги мазмун касб этади. Мана шундай кўринишда у келажакка мерос бўлиб ўтади. Бизнинг кунимизгача Сукрот ва Демократ асарларининг асл нусхаси сақланиб қолмаган, бироқ ҳар бир авлод уларнинг ғоясини ўзи учун янгитдан кашф қилади ва уларнинг фалсафасини талқин қилувчи минглаб китоблар яратилади.

3. Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлай ўзлаштирилмайди, балки янги давр ва талабига, руҳига жавоб берувчи, моҳиятан зарур нарсаларгина олинади. Ҳозирда эскирган ва керакмас деб ҳисобланган нарсалар, келажакда балки янги моҳият ва муҳим аҳамият касб этар. Аллақайси даврда қолиб кетган кийиниш усули кутилмаганда одатга айланиши мумкин. Янги ҳаёт қадим донишмандчилигидан ғоя олади.

Ҳар бир этнос, халқ ўзининг мустақил, бетакрор, беҳад ноёб маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг минтақавий, тарихий ўзига хослиги ҳар бир халқ маданиятининг ривожланиши учун шароит яратиб беради, у ёки бу этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Шу тарзда миллатлар олами- умумий коинот шаклланади, унда инсон ва уни тарихан ўраб турувчи табиат уйғунлашиб этносларнинг ижтимоий руҳиятига таъсир кўрсатади, миллий хусусият шаклланади ва унинг амалий фаолият йўналишини аниқлайди.

Мана шу бошланғич маданият оламида инсон туради, бу ерда унинг муҳим ўрни мақсади шаклланади, унинг диди, ҳаётий орзуси пайдо бўлади. Инсон, маданиятларга меросхўр сифатида миллий мулкни ўзлаштиради. Намунавий хулқ қадриятларини асрашда ва келажакка қолдиришда, жамиятда одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, аниқ барқарорлик бўлиши зарур. Маданиятнинг мавжудлиги ва ривожланиш анъанасида, маданиятларни асраш усулида ҳам бу барқарорлик бор.

Анъана маданиятда янги одатлар билан уйғунлашиб кетади. Инсонга нафақат билим, шунингдек, ҳаёт фаолиятида анъанавий ибратлар ва яхши ўзлаштирилган маҳорат ва кўникма ҳам зарур. Бироқ, ижодкорликнинг бошланиши фикрлаш жиҳатдан дастлабки эслаб тасвирлашдан кўра сермахсулликни вужудга келтиради. Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиши жараёни билан бирга кечадиган ҳодисадир, яъни, инсонни нафақат жамиятда мавжуд бўлган маданий меъёрлар, анъана ва ибратлар, балки маданий жараёнларнинг ривожланиб бориши ҳам қўллайди.

4. Миллий ўзликни англаш ва миллий маданият муносабатлари.

Ўзбекистон ўз истиқлолига эришганидан сўнг жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига қўйилиши ҳам мозийнинг кўп асрлик сабоқларига, жамият олдида кўндаланг турган янги вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Миллий ўзликни англаш жамиятимиз ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Миллий ўзликни англаш ҳам шахснинг, халқнинг маънавий камолоти билан боғлиқ. Миллий ўзлигини, ўз манфаатларини, ўз мамлакати тараққиёти истиқболини чуқур, ҳолисона англаган инсон ва халқгина

кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган.

Миллий ўзликни англаш – миллат яшаётган Ватаннинг порлоқ истиқболини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиш, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларни юзага чиқариш, реал воқеликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч ғайратини ишга солиш демакдир.

Миллий тарбия – у ёки бу миллатни, элатни ташкил қилувчи кишиларнинг миллий маданиятини, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятини ривожлантириш бўлиб, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъекти.

Миллий маънавият– бу бирон миллатга тегишли бўлган ва шу миллатнинг теварак–атроф ходисаларига бўлган муносабатларида акс этадиган маънавий қадриятлар бўлиб, улар: миллий онг ва миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйқулар ва ғурур, ўз юртига садоқат, миллий урф-одатлар, маросимлар, удумлар, халқ оғзаки ёки ёзма бадиий, илмий асарлар, моддий маданий мероси, тарихий обидалар ва шу кабиларда акс этади.

5. Мустақил Ўзбекистон шароитида миллий маданият ривожланиши учун омиллар.

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Дастлабки, энг муҳим қадам “Ўзбек тили ҳақидаги” қонуннинг қабул қилиниши бўлди. Бу билан ўзбек тилидаги халқнинг бебохо маданий ва миллий бойлиги мақоми тикланди. Бухоро ва Хива шаҳарларидаги меъморчилик ёдгорликларини таъминлаш борасида фаол ишлар олиб борилиб, ёдгорликлар шу даврда жаҳон аҳамиятидаги мақомга эга бўлди.

Халққа ўз тарихи ва хотираси қайтарилмоқда. Миллий ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ватандошларимизнинг хизматлари ҳақида юбилей танътаналари ўтказилди.

Миллий анъаналарни тиклаш бўйича кўплаб ишлар қилинди, Наврўз, ҳайит каби қадимги халқ ва диний байрамлар расман ҳаётга қайтди. Хайр мурувват удумларини давом эттириш ва ёш авлодни баркамол ўстириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлом авлод учун жамғармасини ташкил қилиб, дастлабки орденни ҳам шундай атади, Ўзбекистонда халқаро кино, театр ва “Шарқ тароналари” каби мусиқали фестиваллар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди.

Маданий қадриятлар ворислик жараёни нафақат миллий маданиятлар ривожига ворислик бўлмай, балки бошқа халқлар маданиятидаги ютуқларни умумлаштиришдан ҳам иборатдир. Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг маданияти қадим замонларда ҳам ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан яқин маданий алоқалар асосида ривожланган. Маданий ҳамкорликнинг кенг кўлами, этник ва диний мазмундаги чекланмагант Ватанимиз маданиятининг асосий хусусиятидир. Ҳозирги даврда ҳам миллий маданиятни тиклашга асосий эътиборни қаратган ҳолда Ўзбекистон халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясининг замонавий ютуқларини эгаллашга ҳаракат қилиб, жаҳон

маданияти ривожига хисса қўшмоқда. Бу борада жадал амалий ишлар қилинмоқда: халқаро конкурс ва фестиваллар ўтказилди, чет мамлакатлар маданият кунлари ва санъат асарлари кўргазмаси намойиш қилинди, ҳинд маданият маркази, француз маданият уйи сингари доимий фаолият кўрсатуви маданият марказлари очилди, ўз ўрнида Ўзбекистон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини назарий асослаш ва унинг жаҳон маданиятидаги ўрнини муносиб баҳолаш иштиёқи ҳам кучли. Бунинг далили сифатида “Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси” (1994), “Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрни ва роли. Бухоро ва жаҳон маданияти” (1995), “Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси” (1998) каби мавзуларда ўтказилган халқаро конференция ва семинарларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштроки туфайли унинг халқаро миқёсидаги мақеи тобора ошмоқда.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Моддий ва маънавий маданият, сиёсий ва ҳуқуқий маданият, иқтисодий маданият, ахлоқий ва эстетик маданият, ижодий салоҳият, қадрият, цивилизация, коммуникатив функция, ижтимоий моҳият, дилетант, маданий мерос, ворислилик, маданий тараққиётда миллийлик ва умуминсонийлик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Маданият қандай соҳаларга бўлинади?
2. Моддий маданиятнинг асосий белгилари?
3. Маънавий маданиятнинг белгиларини санаг?
4. Маънавий маданиятнинг аҳамияти нимада?
5. Маданиятнинг жамият ҳаётидаги функцияси?
6. Шахс фаолиятида маданиятни тутган ўрни?
7. Маданий қадрият деганда нимани тушунасан?
8. Маданий мерос нима?
9. Маданий ворислик механизми қандай амал қилади?
10. Юртимизда маънавий меросни тиклашга қаратилган қандай тадбирлар амалга оширилди?

3-МАВЗУ: ЖАҲОН МАДАНИЯТИ БОСҚИЧЛАРИ. ИБТИДОИЙ МАДАНИЯТ

РЕЖА:

1. Маданият универсаллиги тушунчаси.
2. Маданиятнинг тарихий босқичлари.
3. Ўрта Осиёнинг жаҳон маданиятига қўшган хиссаси.
4. Маданият ва цивилизация тушунчалари, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар.
5. Антик маданият ва қадимий маданият, улар ўртасидаги фарқлар.

6. Диний маданиятнинг илк шакллари ва кўринишлари. Ёзув маданияти.

1. Маданият универсаллиги тушунчаси. Фанда, одамлар ўртасидаги мулоқатда маданият сўзи билан бир қаторда культура сўзи ҳам ишлатилади. Культура сўзи лотинча “culture” сўзидан олинган бўлиб, “ишлов бериш”, “экиб ўстириш” маъносини билдиради. Рус файласуфлари Н.Бердяев ва В.Розинлар “культура” сўзининг “культ” яъни диний ибодат, сиғиниш сўзидан келиб чиққанлигини қайд этганлар.

Маданият, аввало, ижтимоий вазифаларни, яъни шахсни, одамни инсон қилиб шакллантириш ва тарбиялаш вазифасини бажаради. Маданият ҳар бир шахснинг инсоният яратган билимларни, маънавий қадриятларни, тартиб-қоидаларни ўзлаштириб олиш, тарбиялаш, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият юритиш қобилиятини шакллантириш вазифасини бажаради. Инсоннинг табиат ҳукмронлигидан ажралиб чиқиши маданиятга хос айрим элементларнинг шаклланиши билан бирга содир бўлади. Айнан маданият орқали ҳар бир шахс жамиятда тўпланган тажрибаларни, анъаналар ва урф-одатларни турмуш тарзини ўзлаштиради, улар кейинги авлодларга етказилади.

Маданиятшунослик маданият тўғрисидаги фан бўлиб, маданият тарихи ва маданият назариясидан иборат. Маданиятшунослик фани инсониятга хос маданий жараённи, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини таҳлил қиладиган, маданият тараққиётининг умумий қонунларини ўрганадиган гуманитар фандир.

2. Маданиятнинг тарихий босқичлари.

Маданиятшунослик фани, ибтидоий турмуш тарзидан то ҳозирги кунгача бўлган даврдаги маданий жараённи бутунлигича, яхлит идрок этишга, маданият тараққиёти ҳақида барча фанлар томонидан тўпланган билим ва тушунчаларни интеграциялашга кўмаклашувчи фандир

Архаик ёки ибтидоий маданият-мавжуд инсоният маданиятнинг ибтидоси ва энг узоқ давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий кўламининг 99 фоизини ташкил қилган ҳолда замонавий маданиятга бекиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор ҳозирга қадар йўқолган эмас. Инсоният ҳаётининг бошланғич даври кейинги барча ўзгаришларга замин туғдиргани сабабли бу даврни ўрганиш инсоният эволюцияси асосларини, унинг маданияти негизини тушуниш ва шарҳлашга ёрдам беради.

Ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг қиёфасини қайта тиклаш ўта қийин вазифа.

Олимлар тўплаган маълумотлар 2 хил бўлиб:

I Антропологик ва археологик топилмалар-ибтидоий одамнинг жисмоний ва маданий ривожланиши, овчилик жамоасининг турмуш тарзини ёруғ оламга чиқарди. Бу маълумотлар ўзига хос белгилари билан эмприк (тажриба) таҳлилни юзага чиқарди ва ибтидоий босқични умум қабул қилган таснифига асос солди:

1. палеолит-қадимги тош асри,
2. Неолит-янги тош асри.

Палеолит босқичининг ўзи ҳам илк ва сўнги даврларга бўлинади. Шунингдек, палеолит ва неолит босқичининг ўртаси мезолит-ўрта тош асри даврига бўлинади.

II Этнографик маълумотлар-замонавий халқлар ва ҳозирги вақтда ҳам овчилик ва термачилик билан кун кўрувчиларнинг ҳаёти ҳақида. Бу маълумотлар сақаланиб қолган архаик маданият ўринишини этник, ижтимоий ва рухий ўхшашликлар бўйича қайта тиклашга ёрдам беради.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн. йилдан то эраизгача 2минг йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ўз навбатида палеолит босқичидаги энг узоқ давр илк палеолит бўлиб, бундан 40-35 минг йил олдин тугайди. Илк палеолитда антропогенез жараёнининг содир бўлиши, қазиб топилган гоминид қолдиқларининг алоҳида турлари яшаган даврларда маданиятнинг алоҳида илк намуналари вужудга келди: кўпол тош қуроллари тайёрлаш оловдан фойдаланиш, оддий турар жойларнинг қурилиши, муомала воситаларининг ривожланиши, атроф муҳит ҳақида дастлабки мураккаб тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди

Децентризм фарази инсоният пайдо бўлишини икки ўчоқ Африка ва Осиё билан боғлайди, зеро ҳозирги вақтда энг қадимги одам қолдиғи ҳам Африка минтақасида топилади. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қазиб топилган гоминидлар ҳам илк палеолит даврига оиддир. Археолог У. Исмоилов Селунғир ғоридан топган “фергантроп” қолдиғининг ёши 700 минг йилга тенг.

Илк палеолитнинг охириги даври кўпинча алоҳида даврга ажралиб “ўрта” ёки “мустеъ” деб номланади. Бу қонуний ҳодиса бўлиб, мустеъ даврида маданий ижодкорлик жараёнининг ўсиши сезилвади, яъни бу даврда неандерталлар пайдо бўлди. Неандерталлар кенг ҳудудларга тарқалиб мураккаб ва турли хил қуроллар тайёрлаган, энг муҳими улардан маълум маросим ва маданиятни ривожлантириш бошланди. Неандерталлар яшаган ғорларидан айикни бош суяғи топилган, махсус ўрнтаилган тош супа оловда қорайган, унда маълум маросим ўтказилган. Неандерталлар қабри кўпинча Шарқ-ғарб йўналиши бўйича жойлашиб, мурда “ёнбош ухлаётган ҳолатда, тиззалари энгагига қайрилган ёнига тош қуроллар қўйилган”. Бу маросим удуми ўлимдан кейинги ҳаёт мавжудлиги ҳақидаги тасаввурнинг маданиятидаги энг қадимги ва барқарор пайдо бўлганлигидан далолатдир. Неандертал қабри Ўзбекистоннинг Тешиктош ғоридан ҳам топилади, шунингдек, ўша даврга оид кўплаб манзилгоҳлар очиб ўрганилган.

Цивилизация сўзи латинча гражданлик, давлатчилик сўзидан келиб чиққан. Цивилизация сўзи маърифатпарварларнинг XVI-асрдан бошлаб урушларсиз ҳамда мутаасиб руҳонийлар таъсиридан озод жамият учун курашишлари жараёнида фанга кириб келди. Цивилизация сўзи жамият тараққиётининг даражасини белгиловчи тушунчадир. Цивилизация сўзи жамият тараққиётидаги учта катта даврнинг (ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация) охиригиси бўлиб, у ёзувнинг, давлатнинг, ҳуқуқий тартиб-қоидаларнинг келиб чиқишидан, яъни бундан 6 минг йиллар муқаддам (Мисрда) бошланган. Цивилизация бошланиши билан турли хил динлар, гуманистик ва ахлоқий қадриятлар кенг тарқала бошлайди. Цивилизация барча минтақаларда бирданига бошланмаган, турли минтақаларда бирин-кетин вужудга келган, албатта.

Маданият ва цивилизация ўртасида мантикий бирлик, умумийлик мавжуд, негаки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсон фаолиятининг маҳсулидир. Ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётнинг бошида инсонларнинг маънавий тафаккури, ниятлари, ғоялари, лойиҳалари, мўлжаллари туради, сўнгра улар моддий шаклда намоён бўлади. Бунга нафақат техник иншоотларининг, шунингдек бадиий асарларининг яратилиши ҳам мисол бўла олади. Масалан, Амир Темур ҳайкалида, аввало, яратувчининг маънавий тафаккури, лойиҳаси, мўлжали, сўнгра уларнинг моддий шаклга кирган ажойиб моддий монументни кўрамиз.

3. Ўрта Осиёнинг жаҳон маданиятига қўшган хиссаси.

IX-XII асрлардажаҳон цивилизацияси тарихий тараққиёти давомида биринчи бўлиб Шарк мўъжизаси рўй берди. Худди шу даврда кадимги Шарк минтақасига мансуб Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой, Марказий Осиё худудлари инсоният цивилизациясининг илк сарчашмалари сифатида шаклланди.

Бу жараёнда кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, Шарку Гарбни туташтирган, ўзаро маданият, дину эътикод, урф-одат, удуму анъаналаралмашинувини таъминлаган Буюк ипак йўлининг ўрни катта бўлди. Кўхна Хитой юртидан бошланган бу йўл аввало Шарк халқларини бир-бири билан боғлаган, уларнинг иктисодий, савдо-сотик, маданий-маънавий алоқаларини ривожланиши, турмуш тарзини бойишида сезиларли туртки бўлди. Шарк халқлари, элатларининг тили, урф-одатлари, мусикаси, тўйу маъракалари, диний расм-русумларидаги ўхшашлик жихатларининг мавжудлиги ҳам буни яққол исбот этади.

Маълумки, Шаркда, айнан Ўрта Осиё заминида юз берган Уйғониш жараёни хусусан дунёвий фанлар ривожига алоҳида юксалиш босқичи бўлди. Бу борада илм-фан ва маданият тараққиётида турли тарихий даврларда фаолият кўрсатган "Илм уйлари" - Бағдоддаги (819-833) "Байт ул-хикмат" (Бағдод академияси), Хоразм пойтахти Гурганчдаги "Маъмун академияси", шунингдек "Улугбек академияси" ва бошқа кўплаб юксак илм даргохларининг ўрни ва ахамияти бекиёсдир. Уйғониш даври ўз юксак акл-заковати, салоҳияти, изланишлари билан фаннинг кўплаб соҳаларида муҳим кашфиётлар қилган қанчалаб буюк даҳоларни етиштириб берди. Улар жаҳон фанининг тиббиёт, фалакиёт, математика, жугрофия, тарих, геология, геодезия, минерология, фармакология ва бошқа йўналишларининг тамал тошини яратдилар. Бу муқаддас заминдан етишиб чиққан Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарконий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Бакр Мухаммад Наршахий, Абу Абдулло Хоразмий, Махмуд аз-Замахшарий, Бурхониддин Маргиноний, Низомулмулк, Каффол аш-Шоший, Мирзо Улугбек, Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший, Али Кушчи ва бошқа буюк сиймолар номини ҳақли равишда эхтиром билан тилга оламиз. Миллий Мустақиллигимиз шарофати туфайли уларнинг бой илмий мероси сарчашмаларидан таҳинда мўл-кўл баҳраманд бўла бошладик. "Истиклол шарофати билан, - деган эди Ислом Каримов, - маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган кадриятларимиз, номи қораланган бобоқалонларимизнинг

дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз. Ўйлайманки, биз нимага эришган бўлсак, ана шу савобли ишларимиз учун Аллохнинг бизга инъом этган марҳаматидандир".² Алломаларимизнинг комусий билимдонликлари шундаки, уларнинг ҳар бири бир эмас, балки кўплаб илм-фан йўналишларида улкан кашфиётлар килдилар. Бу жихатдан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий (783-850), Аҳмад ал-Фарконий (797-865), Абу Наср Форобий (873-950)ларнинг фандаги жасоратлари ибратлидир. Агар ал-Хоразмий математикага оид "хисоб алжабр ва ал-Муқобала", "Хинд хисоби ҳақида китоб", "Астрономик жадваллар", "қуёш соатлари ҳақида рисола" асарлари билан математика (алгоритм) ва астрономия фанларининг тамал тошини қўйган бўлса, унинг "Китоб сурат ал-арз" асари араб географияси фанининг том маънода яратилишига негиз бўлиб хизмат килди. Олимнинг "Китоб ат-тарих"и эса Мовароуннахр, Хуросон ва Кичик Осиё халқлари тарихининг VIII-IX асрлари даврини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Табиий ва ижтимоий фанлар ривожига бирдек катта ҳисса қўшган, геология, минерология, геодезия, география, фармакология фанларининг тамал тошини қўйишга муваффақ бўлган Абу Райхон Беруний (973-1048) ҳам илм-урфон осмонининг порлоқ юлдузлари сирасига киради. Унинг аламига мансуб "Маъсуд қонуни", "Сайдона", "Минерология", "Астрономия қалити", "қуёш китоби" сингари асарлари неча асрлар давомида турли йўналишларда фаолият юритувчи дунё олимлари учун битмас-туганмас илмий хазина ролини ўтаб келади. Олимнинг чуқур илмий йирик фундаментал асари - "Хиндистон" тўғрисида сўз юритган акад. В.Р.Розен "Шарқ ва Ғарбнинг қадимги ва Ўрта асрдаги бутун илмий адабиёти орасида бунга тенг келадиган асар йўқ",⁴ деб баҳо беради.

Беруний замондоши, Қўхна Бухоро заминидан етишиб чиққан Абу Али ибн Сино (980-1037) номи тиббиёт илми билан ҳамоҳанг, тиббиётни ҳақиқий фан сифатида шаклланиб ўз мақомига эга бўлишига асос солган буюк олимдир. Зотан, унинг 5 жилдли "Китоб ал-қонун фит-тиб" ("Тиб қонунлари") асари айнан тиббиётга оид беназир дастуруламал кашфиётдир. Бу асарлар мажмуини кўздан кечирар эканмиз, алломанинг юксак табиблик салоҳиятига, касалликларни аниқлаш, уларни даволаш борасидаги юксак маҳоратига тан берамиз. Жумладан, "Ал-қонун" нинг иккинчи китобида 800га яқин дори-дармонларнинг хусусиятлари, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари бунинг исботи бўла олади. Олимнинг фалсафа ва табиий фанларга доир 4 қисмдан "Китоб аш-шифо", "Донишнома" асарлари ҳам мавжуддир. Ибн Синонинг тиббиётдан ташқари кўплаб табиий ва ижтимоий фанлар билан фаол шугулланганлиги, муҳим ютуқларга эришганлиги ҳам ибрат бўларлидир.

Ўрта Осиё замини жуда қадим замонлардан ижтимоий-гуманитар фанлар ривож топган макон ҳисобланади. Айниқса тарих, фалсафа, мантиқ, фикх (ҳуқуқшунослик) фанлари бунда муҳим ўрин тутди. Бу ҳусусда гап борганда фалсафа фанида ном қозонган, Шарқда "Муаллими Соний" ("Иккинчи муаллим", Арасту дан кейин) номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий (873-950), фикх-ҳуқуқшунослик соҳасида беназир алломалар: Низомулмулк (1017-1092), Махмуд аз-Замахшарий (1075-1144), тарихнавис Муҳаммад

Наршахий (899-959) хизматларини таъкидламок лозим бўлади. Бунда Форобийнинг фалсафада ўз илмий мактабини яратиб, юнон фалсафаси мохиятини очиб, тушунтириб, шу билан бирга ўзининг Шаркона фалсафий таълимотини кўплаб асарларида, айтийлик, "Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи", "Фозил одамлар шаҳри" ва бошқаларда асослаб берган бўлса, Низомулмулк "Сиёсатнома"сида хукмдорларнинг давлатни бошқариш, уни идора қилишга оид кўплаб кимматбаҳо йўл-йўриklar, дастуруламал кўрсатмалар катта маҳорат билан қайд этилган. Хатто Амир Темурдек буюк давлат арбоби ҳам бу китобга неча бор мурожаат этганлиги маълумдир.

Умуман IX-XII асрларда юз берган Уйғониш даврида Шарқда, хусусан Ўрта Осиёдан ўз юртлари шону шарафини юксакларга кўтариб, бетакрор илмий кашфиётлар, чинакам мўъжизалар яратган машхур истеъдод соҳиблари етишиб чиқдики, улар жаҳон маданияти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар ҳамда кейинги авлодларга битмас-туганмас ноёб бой мерос қолдирдилар.

4. Маданият ва цивилизация тушунчалари, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқлар.

Маданиятшунослик фани, ибтидоий турмуш тарзидан то ҳозирги кунгача бўлган даврдаги маданий жараёни бутунлигича, яхлит идрок этишга, маданият тараққиёти ҳақида барча фанлар томонидан тўпланган билим ва тушунчаларни интеграциялашга қўмаклашувчи фандир.

Цивилизация сўзи латинча гражданлик, давлатчилик сўзидан келиб чиққан. Цивилизация сўзи маърифатпарварларнинг XVI-асрдан бошлаб урушларсиз ҳамда мутаасиб руҳонийлар таъсиридан озод жамият учун курашишлари жараёнида фанга кириб келди. Цивилизация сўзи жамият тараққиётининг даражасини белгиловчи тушунчадир. Цивилизация сўзи жамият тараққиётидаги учта катта даврнинг (ёввойилик, ваҳшийлик ва цивилизация) охиригиси бўлиб, у ёзувнинг, давлатнинг, ҳуқуқий тартиб-қоидаларнинг келиб чиқишидан, яъни бундан 6 минг йиллар муқаддам (Мисрда) бошланган. Цивилизация бошланиши билан турли хил динлар, гуманистик ва ахлоқий қадриятлар кенг тарқала бошлайди. Цивилизация барча минтақаларда бирданига бошланмаган, турли минтақаларда бирин-кетин вужудга келган, албатта.

Маданият ва цивилизация ўртасида мантиқий бирлик, умумийлик мавжуд, негаки уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсон фаолиятининг маҳсулидир. Ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётнинг бошида инсонларнинг маънавий тафаккури, ниятлари, ғоялари, лойиҳалари, мўлжаллари туради, сўнгра улар моддий шаклда намоён бўлади. Бунга нафақат техник иншоотларининг, шунингдек бадиий асарларининг яратилиши ҳам мисол бўла олади. Масалан, Амир Темур ҳайкалида, аввало, яратувчининг маънавий тафаккури, лойиҳаси, мўлжали, сўнгра уларнинг моддий шаклга кирган ажойиб моддий монументни кўрамиз.

5. Антик маданият ва қадимий маданият, улар ўртасидаги фарқлар.

Марказий Осиё минтақасида Неолит даври анча олдин бошланган. Бунга мил.ав.VI минг йилликда Копетдоғ этагида вужудга келган Жойтун маданияти гувоҳлик беради. Ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорларнинг бу маданияти асосан, самонли лойдан қурилган уйлардан иборат манзилгоҳ бўлиб Эрон ва Месопотамия

халқлари маданияти билан яқин алоқада шаклланган Жойтунликларнинг маънавий маданиятини ривож ҳақида катта умумий ибодатхона деворларига ишланган рангтасвир далил бўлади. Мил.ав. IV-III минг йилликда Хоразм худудида неолит даврига Калтаминор маданияти шаклланди.

Неолит инқилоби моҳиятига кўра архаик маданиятнинг охири ҳисобланади. ишлаб чиқариш фаолиятининг янги тури деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиш билан инсон табиатда мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини намоён қилди, бу инсоннинг ижтимоий ва маънавий ғалабаси эди. Агар архаик маданиятда жамоат фикри етакчилик қилиб, уруғ аъзоси, уруғ манфаатлари доирасида фаолият кўрсатган бўлса, энди индивидуал онг ва қизиқиш кучая бошлади. неолит даврининг охири ва жез асрида архаик маданият барҳам топди. Бу даврда жамоа мулки ўрнига хусуий мулк вужуда келиб, хунармандчилик ажарлиб чиқади ва маҳсулот айр бошлаш шаклланади. Ижтимоий тузум шакли мураккаблашади. Мустақил хўжалик юритишда мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурати, кўпинча жамоанинг бошқа аъзолари ёки қабила оилалар билан қариндошлик алоқаларининг боғланмаганлиги махсус бошқарув аппаратини тузишни талаб қилди. Энди оқсоқоллар ва қабила йўлбошчилари йиғининг аҳамияти сезиларли ошди, бу қабила йўлбошчиларига сиғинишни шакллантира бошлади. Йўлбошчи қабиланинг бахт-саодат соҳиби, аجدодлар руҳи унга тухфа қилган махсус фазилят “омад” эгаси сифатида демократия белгиларига ҳурмат сақлайди.

Билимнинг ошиши натижасида мураккаб буюмлар яратила бошланди. Қайик ва елканли кемалар, тақвим, ҳисоб ва ўлчов тизими вужудга келди. Хусуий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ҳуқуқнинг шаклланишига олиб келди. Айримлари ҳозирга сақланиб келаётган анъаналар ва қадимги фольклор намуналар вужудга келади (мифлар, дostonлар, ҳикоялар, маросим қўшиқлари), ёзувнинг илк тизими шаклланади; пиктографик (расм-ёзув), белги ёки ҳиндуларнинг тугунли ёзувлари. Монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал меъморчилик ҳам вужудга келди. Илк монументал иншоатлар катта тош бўлак ва тош плиталардан қурилган мегалитлар ҳисобланади. Мегалит Иншоатларнинг турлари бир-биридан фарқ қилади. масалан, менгирлар баланд тошдан иборат бўлиб, баландлиги 20 метрдан ошади, улар алоҳида ёки ҳиёбонларга қатор қилиб қурилган. Долменлар (тош мақбаралар) тош плиталардан сағана ёки мақбара (кулба) шаклда қурилган. Кромлехлар эса атрофига тошлар ётқизилган иншоатлардир. Энг машҳур кромлех буюк Британиядаги Стоунхендж ҳисобланади. Мегалитлар халқларни бирлаштириб, жамоанинг барча кучларини жипслаштиришга, янги ижтимоий тузум вужудга елаётган ҳолларда инсонларни умумлаштириш мақсадларига хизмат қилди. Негаки, давлат тузилиши жараёнида турли ижтимоий қатламларнинг бўлиниши содир бўлади; бошқарувчилар, маънавий маданият ва билим эгалари коҳинлар ва оддий бажаоувчилар.

Илк палеолитда маданий муҳитнинг мавжудлиги алоҳида жойлар билангина чегараланса сўнгги палеолитда эса маданият тизим сифатида шаклланади. Сўнгги палеолитнинг бошлари гоминид эволюцияси якунланиб замонавий “ақлли одам” тури пайдо пайдо бўлади. Сўнгги палеолитда турли-туман тош ва бошқа қуроллар нотекис тарзда кўпайиши натижасида таркибий қуроллар-тасма, учлик, шунингдек, тўқимачилик пайдо бўлади. Нихоят, дастлабки тартибли ижтимоий

ташкilot - уруғ ташкил топади. Бу инқилобнинг маҳсули мисолларининг асосий антропологик, руҳий физиологик, руҳий ижтимоий ва маънавий бирлиги бўлиб, инсонлар уюшмасининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, тил, маиший ривожланишининг тафовутларга қарамасдан тарихда сақланиб қолди.

Маънавий маданият дастлаб жуда содда бўлиб, ўша давр кишиларининг меҳнат фаолияти билан уйғунлашиб кетган эди. Ибтидоий одамларнинг билим даражаси анча чекланган бўлсада, бироқ яшаш учун кураш жараёнида атроф-муҳитни кузатиб тажриба тўплаганлар. Натижада янги тушунча ва тасавурлар пайдо бўлиб, тафаккур ва нутқ ривожлана борди. Бу эса жамият маънавий ривожланишини тезлаштирди. Ўзлаштирувчи ҳўжаликда ишлаб чиқарувчи ҳўжаликка ўтилиши ва тажрибанинг тўпланиши натижасида юзага келди.

Дастлаб ибтидоий одамлар озиқ-овқат қидириб ўзи яшаётган муҳитни яхшироқ ўргана бошладилар. Бу эса уларнинг географик билимини оширган. Табитдаги мавжуд истеъмол қилишга яроқли ўсимлик ва меваларни қидириб топиши, кузатиши натижасида ботаника билимлари тўплаган. Ёввойи ҳайвонлар овлаш жараёнида ҳайвонларнинг феъли, тури, яшаш жойларини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоология билими ш ақллана бошлади. Бу жараёнларни ўрганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, ҳаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди.

Касалликни даволаш учун ўша замоннинг ўзига хос содда табобати бўлиб, даволашда ўсимликлар, мевалар, ҳайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар. Шунингдек, силаш, уқалаш усули билан баъзи касалликларни даволаганлар ва фолбинлик, сеҳргарлик ва жодугарлик усулларида ҳам фойдаланганлар.

Ибтидоий одамлар табиатни, иқлимни шароитдан келиб чиқиб кузатиши асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш қобилияти пайдо бўлади. Тарбия ҳам меҳнат ва турмуш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, одат ва удумлар асосий аҳамият касб этган.

Маънавий маданиятнинг кўринишларидан бири ибтидоий санъат ҳам одамнинг меҳнат фаолияти билан уйғун ҳолда вужудга келган.

Ибтидоий саноат хилма хил бўлиб, бир неча турларга бўлинади:

1) Суяк, тош парчаси, шох, қулолчилик буюмларига чизилган белгилар, одам, ҳайвон ва ҳар хил нарсаларнинг тасвирлари.

2) Ғор деворларга ҳар хил ранглар билан ишланган ҳайвон, одам ва буюмлар тасвири. Уларда ов, меҳнат, жанг ва бошқа манзаралар тасвирланган. Бундай тасвирлар Турон, Саҳрои Кабр, Марказий Осиё, ғарбий Европада кўплаб учрайди.

3) Қоя тошларга ўйиб, чизиб, ишқалаш усули билан ишланган тасвирларда ҳайвон, буюм, қуроллар ва ибтидоий кишиларнинг кун далик меҳнати билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Қоя тош тасвирлари Осиё, Африка ва Европада кўп учрайди.

4) Архаик санъат турларидан яна бир бири ҳайкалтарошлик ҳам уруғчилик жамоасининг ривожланган даврида пайдо бўлиб, асосан аёллар, қисман эркеклар, шунингдек, ҳайвонлар ҳайкаллари ишланган. Бундай ҳайкалчалар, суяк, тош ва бошқа нарсалардан тайёрланган. Ҳайкал тасвирларда ибтидоий меҳнат ва эътиқод рамзлари намоён бўлади.

5) Ишлаб чиқарувчи ҳўжалик (неолит) фаолияти билан боғлиқ сопол буюмларга чизилган расмларда оддий чизиклар, ҳайвон ва ўсимлик тасвирлари учрайди.

6) Ибтидоий санъат турларидан бири-ниқоблар қадимги одамларнинг овчилик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ниқоб тутиб ҳайвон қиёфасига кирган, ҳайвонларни кўрқитиб ўзларини ҳимоя қилган. Ниқоблардан маросим ва удумларда фойдаланган.

7) Мусиқа, кўшиқ, ўйин, ибтидоий санъат турлари ҳисобланиб, ибтидоий одамлар уриб, чертиб, пуфлаб чаладиган асбобларни кашф қилишган.

8) Халқ оғзаки ижоди-асотир, ривоят ва афсоналар ҳам ибтидоий давр маҳсулоти бўлиб, ибтидоий одамнинг турмуши, ўй-фикри ва кайфиятини ифодалаган-диний тасаввурларнинг шаклланишини асос бўлган.

Диний тасаввур ва эътиқод ва жамоат тузумининг кейинги даврларида шаклланиб, айрим унсурлари ўрта палеолит даврларида вужудга келган. Ибтидоий одамлар атрофидаги ходисаларнинг сабабларини тушуна олмаган. Табиатдани турли ходисаларнинг сир асрорлари уларга маълум бўлмаган. Бу ходисалар негизида сирли, ғайри табиий кучлар яширинган деб тушуниб, шу ғайритабиий кучларга эътиқод қилинган.

Тотемизм-жамоанинг ҳайвон ёки ўсимлик тури билан ғайритабиий қариндошлик алоқасига ишониши бўлиб, овчилик ва термачилик ривожланган даврида пайдо бўлган. Бу эътиқодда тотем-ҳайвон ёки ўсимлик ниҳоятда ҳурмат қилинган. Тотемизмнинг илк босқичида ҳайвон муқаддас саналиб, уни ўлдириш ёки гўштини истеъмол қилиш таъқиқланган. Фақат уруғнинг урф-одат маросимларидагини бу ҳайвон гўшти истеъмол қилинмайди.

Анимизм-”руҳ”, “жон” маъносини билдириб, бу дунёда руҳлар, жонлар шаклидаги ғайритабиий кучларнинг борлигига ишониш. Табиатдаги нарсалар, одам ва бошқаларнинг руҳлари шулар жумласидандир. Уруғчилик жамоасининг ривожланиши билан уруғ бошлиқлар, ҳарбий йўлбошчилар руҳига-аждодларга сиғиниш пайдо бўлган. Матриархат даврида руҳлар аёллар номи билан аталган. Ҳўжалик шакллари пайдо бўлгач табиатдаги нарсалар (куёш, сув, ер) нинг руҳига топиниш кучаяди. Сехргарлик-одамнинг ғайритабиий кучларга таъсир кўрсатиш қобилиятга асосланган амаллардир. Бу ибтидоий санъатда ҳам ўз ифодасини топган. Қоятош тасвирларидаги яраланган ҳайвон ифодасида овчилар бўлғуси овнинг бароридан келишини кўзлаб, ҳайвонларни сехрланганлигини кузатиш мумкин.

Ибтидоий одамнинг фикрлаши аниқлик, таъсирчанлик, бутунликда фарқланади. Ибтидоий одам аста-секин турли ташқи ходисаларни сеза бошлайди. У иссиқ ва совуқни, тўқ ва очликни, яхши ва ёмонликни ҳис қилади, ёруғлик ва қоронғуликни ажратади. Ходисаларнинг рўй кузатишни бошлайди. О. Фрейдбергнинг фикрича, унда кузатиш таъсуроти устун бўлган. Ибтидоий одамнинг таъсирчан, аниқ тасаввури ҳали ходисаларни умумлаштириш қобилиятида йироқ эди. У теварак атрофдаги воқеа ходисаларни моҳиятини таҳлил қилмасдан фақат юзаки қайд қилади. Нарса ва жараёнларга, уларнинг хусусиятига бир хил ёндашган. Ибтидоий тафаккур учун сабабий боғланишлар

ўта шартли бўлиб, қандайдир ходисанинг сабаби тез-тез қайтарилиб турилиши натижасида вақт ўтиши билан идрок қилинган.

Сўнгги палеолит даврида анимистик эътиқодлар ва сеҳр жоду маънавий-маданиятнинг негизи сифатида қатъий расмийлашди. Қадимги эътиқодларни шаклланиши манбаида табиатли ташқи кўриниши ва одамлар жамоаси ҳақида тасаввурларни уйғунлашиб кетиши ибтидоий одам учун хос бўлган инсон ва табиатнинг субъекти ва объекти бирлиги таъсирида, эҳтимол жамоа нима билан шуғулланса ўшанга боғлиқ бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар, тошлар, яъни унинг фаолияти доирасида нима мавжуд бўлса барчаси учрайди. Дунёда яшаётган аҳолининг кўплаб рух ва жонлар билан муносабатда бўлиш воситаси сифатида сеҳргарликни к елтириб чиқарди. Сеҳргарликнинг энг қадимги турларидан бири овчилик, сеҳргарлиги бўлиб, ўлжа яқинлашиши билан уни тутиш машқини ўрганади. Бироқ, барча ҳаракатлар фақат машқ билдан тугамайди. Уни амалга ошириш жараёни асосий масала ҳисобланади.

Сеҳргарлик ҳаракатлари мазмунида тотемизм-ҳайвонлари аждодига тпилишни келтириб чиқарди. Ибтидоий жамоа турмуши, ови уруши, ҳайвонларни тутиб ейиши, туғилиш ва ўлимини-умуман инсон ҳаётини тотемистик, яъни, тотемлар кураши ва тўқнашиши орқали тасаввур қилади. Бу тасаввурлар оқибатида космогоник манзарага асос солади, қаерда ҳар бир тотем-коинот борки ейди, йўқолади ва тирилади, қари коинот ўрнига ёшлар келади. Уларнинг ўрин алмашиши ва ёшариши ёки тирилишининг борлиги ўлимдадир.

Ўзбекистон ҳудудида сўнгги палеолит даврига оид қояга солинган тасвир намуналари учрамасада ушбу даврга тегишли 30дан ортиқ манзилгоҳлар ўрганилган, жумладан Самарқанд манзилгоҳи, Оҳангарондаги тош қуроллар, тайёрланган “устахона”, Кўк булоқ ва Оқтош манзилгоҳлари.

Ўзбекистон ҳудудидаги ибтидоий тасвирий санъат намуналарини энг қадимгиси мезоли-неолит даврларга оид бўлиб, улар жаҳон тасвирий санъат тарихининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, бу тасвирий санъат тарихи бир қатор алоҳида кўриниш, ўзига хослик ва фарқлик жиҳатларга эга бўлиб қуйидаги босқичлардан ибрат:

1. ғорлар, қадимги тошлар ва турли қоялар сақланиб қолган ибтидоий тасвирлар яратилган давр.

2. Лой, ганч, тош ва ёғочдан ишланган қадимги ҳайкаллар намуналари ва турли хунармандчилик буюларидаги тасвирлар яратилган даврлар.

Мамлакатимиз тоғлик туманларда кенг тарқалган қоятош тасвирлари ишланиш усулига кўра икки хил: бир хиллари бўёқ (оҳра) билан; иккинчи хиллари эса ўйиб-ишқалаш-чизиш усули билан ишланган расмлар (петроглифлар).

Ўзбекистондаги қоятош тасвирларининг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Беронсой, Кўкансой, Такатош, Теракисой каби юздан зиёдин топилган. Бу қоятош тасвирларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами тураларининг кузатиш мумкин. Булар ибтидоий шер ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғи ва жайронлардир.

6. Диний маданиятнинг илк шакллари ва кўринишлари. Ёзув маданияти.

Қадимги Шарқ кишиси сабабли натижа муносабатларни тушунган ва фарқлаган, бироқ уларни мужмал ва қоунга мос бўлмаган ҳодиса сифатида, кўпчилиги эса шахсий қудрат сифатида онгли ва ихтиёрий идрок қилади. Сабабларни излашда “қандай” деб эмас, балики “ким” деб сўрашади (“ҳодисада ким айбдор”), “ихтиёрий, аниқ мақсадда ҳаракат қилганни” излашган. “Сабабларни” бундай идрок қилиш оқибатида мифологик тафаккур айрим ва бугунча, бир-бирига ўхшаш ҳар қанда й ташқи мосликни қабул қилади. Функционал алоқадорлик сифатида макон ва замондаги ҳар қандай боғликлиги ҳақида гапиришга имкон тўғилади. Фикрий боғлиқлик билан ўхшаш гапиришга имкон тўғилади. Қандайдир янги нарсани кўриб инсон ўзига дейди: “Бу янги нарса нимага ўхшайди?”-ва унга ўхшаш нарсани ўзидан ва аждодлари тажрибасидан излайди. Хусусан, “асл намуна” тамойили кенг тарқалган бўлиб, унга кўра ҳаётдаги барча муҳим нарсалар (эхром, подшо ҳокимияти, инсон) илоҳий қудратнинг “асл намунасига” мувофиқ яратилган.

Оламни мифологик тасаввур қилиш унинг ниҳоятда тартибли, қатъий иерархик қурилишида ифодаланиб, унинг асоси турли хил оппозициялар тизими ҳисобланади. Айнан шулар мифологик размий таснифлашдаги дастлабки “пойдевор” ҳисобланади.

Мифологик тафаккурнинг тафаккурнинг мувофиқ ва ўхшаш жиҳатлари унинг анъанавийлиги билан бевосита боғлиқ. Анъана бир-бирига яқин, бироқ моҳиятан бошқа бўлган ҳодисалар урф-одат, маросим, ибодат, удум, одоб сингари фаолиятда намоён бўлади. Буларнинг бари у ёки бу синуациядаги аниқ ахлоқ дастурига эга бўлиб, ҳаракатнинг тўғрилигини кафолатлайди, нотўғри ҳаракатларни огоҳлантиради, негаки анъаналар негизида социумнинг катта тажрибаси мужассамдир.

Қадимги Шарқ маданиятида анъаналарга асосланиш устун туради. Аждодлар анъанаси, тажрибаси мутлоқ ҳақиқат каби баҳоланган. Мутлоқ ҳақиқат ҳукмронлиги билан, Д.С.Лихачев таъкидлашича “одоблик” боғлиқ бўлган. Қадимги Шарқ кишисининг ахлоқи ҳаракат ва фаолиятда муқаддас анъаналарни қайта тиклашга қаратилган “илоҳий ўрнатилган” меъёр ва қоидаларга бориб тақалади.

Мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусияти шундаки, қадимги шарқ кишиси ўзини ҳар доим социумнинг бир қисми деб ҳис қилган, сотциум эса коинот кучига боғлиқликда, табиатга аралашган ҳолда кўринади. Гарчи, қадимги Шарқ маданиятининг турли қирраларида шахсни индивидуал лаштириш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар ҳар доим индивиднинг турмуш шароитларини белгилловчи асосий соҳаларга нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган.

Қадимги Шарқда маконнинг пайдо бўлиши чегараланиши алоҳида ўрин тутади. Қадимги Шарқ мифологиясида космогенез жараёни Хаоснинг ажралиши сифатида намоён бўлади (Мисол учун, хиндларда Индра ҳақи да миф, Месопотамияда Мардук ҳақида). артибли уюшган макон, бетартиб маконга карама-қарши қўйилади. Табиийки, тартибли, ташкилий жиҳатдан уюшган макон-

”яхши”, “ўз” маконнинг, ундан ташқарида “бегона”, “унинг” бетартиб, ташкилий уюшмаган “хунук” макони-кўчманчилик, ибтидоийлик дунёси жойлашган.

Диний ақидалар ҳукмронлиги кишилар ҳаётини белгилайди. Инсон қаерда осмон бўлса-худолар дунёси ва ерни-одамлар денёси деб билди. Улар доимо ўзаро муносабатда, бир бутунликда олам дарахтининг танаси ва шохлари каби виқор билан яшашган. Худолар инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига фаол яшашган, унинг туғилиши, ўлимини ва ўлимдан кейинги тақдирини белгилаган. Ўша даврларда диний таълимотлар дан ташқари ҳеч қандай бошқа дунёқараш бўлмаган. Инсон худолардан ҳатто арзимас нарсалар ҳақида маслаҳат сўраган ва унга хатлар ёзиб ибодатхонага олиб берган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Архаик маданият, мозий, полеолит, фергантроп, тотем, анимизм, фетишизм, мифология, маросим, монументал, мегалит, ментир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Архаик маданият деганда нимани тушунасиз?
2. Архаик маданиятнинг асосий босқичлари?
3. Архаик маданиятнинг жаҳон маданиятидаги ўрни?
4. Ўзбекистон ҳудудида топилган архаик маданиятнинг асосий намуналари.

4-МАВЗУ: ҚАДИМГИ ДАВР МАДАНИЯТИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ МАДАНИЯТИ (2 СОАТ) РЕЖА

1. Миср цивилизацияси-Шарқдаги илк цивилизациянинг ватани сифатида.

2. Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим маданияти.

3. Қадимги Хитой, Хиндистон ва Византия маданияти.

4. Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё Фарғонанинг тош даврига оид маданий ёдгорликлари.

5. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қадимги давр меъморчилиги ва санъати.

6. Кушонлар даврида Термиз (Термед), Чингизтепа, Қоратепандаги будда ибодатхоналари.

1. Миср цивилизацияси-Шарқдаги илк цивилизациянинг ватани сифатида. Инсоният тарихида илк цивилизациялар пайдо бўлганига 6 минг йилдан ошди. Шундай цивилизацияларнинг энг Қадимгилари Миср ва икки дарё оралиғи Месопатамияда вужудга келган. Аввало булар ибтидоий жамоа тузумида яратилган моддий ва маданий маданият ютуқларини ўзида акс эттирган тарзда тараккиётнинг давоми бўлган. Иккинчи томондан, бу ерларда иклими кулай, ери унумдор бўлганлигидан суғорма деҳқончилик тез ривожланиб борган.

6. Кадимги Миср маданияти эр.авв. IV минг йилликдан эр.авв. 332 йилгача даврни ўз ичига олади. У ўзига хос хусусиятлари, яъни ёзуви, адабиёти, санъати, архитектура қурилиши билан ажралиб туради.

7. Тигр ва Ефрат дарёлари оралиғидаги ерларнинг асосий аҳолиси шумерлар, аккадлар, вавилонлар, халдейлар, оссуриялилар, хурритлар ва арамейлардан иборат бўлган. Булар орасида Шумер, Бобил, Оссурия маданиятлари анчайин юксакликка кўтарилган.

8. Кадимги Ҳиндистон ва Хитой маданиятларининг ҳам ўзига хос вужудга келиши, ривожланиши ҳам антик дунё тарихида ўзига хос жиҳатлари билан кўзга ташланиб туради.

9. Кадимги Миср илк цивилизация ўчоқларидан бири сифатида ўзига хос бетакрорлиги билан ажралиб туради. У Африканинг шимоли-шаркида жойлашган. Нил –дунёдаги энг катта дарёларидан бири бўлиб, у Марказий Африкадан бошланиб, Мисрни кесиб ўтиб, Ўрта ер денгизига қўйилади. Мисрда илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ҳам энг аввало шу дарё билан боғлиқ бўлган. Кадимдан Мисрда табиати иссиқ, ҳайвонот, ўсимлик дунёси ва ер ости бойликлари кўп бўлганлиги боис бу ерда моддий ва маънавий маданият жуда эрта вужудга келиб ривожланган. Мисрда давлатнинг пайдо бўлиши мил. авв. IV минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу даврларда Нил дарёсининг шимолида ва жанубида 40 дан ортиқ шаҳар давлатлари – номлар пайдо бўлган. Номларни номархлар бошқариб, улар деҳқончилик, чорвачилик, суғориш, ҳарбий ва диний ишларни бошқарганлар. Булар илк кулдорлик давлатлари эдилар. Бу давлатчаларнинг шимолий ва жанубий бирлашмалари вужудга келади. Мил. авв. III мингинчи йил бошларида Жануб подшоси Минанинг Шимолий уюшма устидан ғалаба қилиши натижасида ягона Миср давлатига асос солинади. Унинг пойтахти Мемфис шаҳри бўлган.

10. Ўзининг Ватани тарихини ёзган қоҳин Манефон Кадимги Миср тарихини тўртга бўлиб: Кадимги (мил. авв. III мингинчи йил), Ўрта (мил. авв. III мингинчи йил охири – II мингинчи йил бошлари), Янги (мил. авв. II мингинчи йил), Қуйи (мил. авв. I мингинчи йил) подшолик даврларига бўлади. Бу даврлар жами 30 та фиравнлар сулоларини ўз ичига олади.

11. Кадимги Миср дунё цивилизациясининг том маънодаги классик намунаси бўлди. Шунинг учун ҳам Кадимги юнон тарихчиси Геродот бу мамлакатни "Нилнинг инъоми" деб бежиз айтмаган. Баҳор ойларида Нил тошқини натижасида дарё бўйларидаги ерларда ҳосил бўлган қора минералга бой қолдиқлар деҳқончилик учун "текин озуқа" бўлиб хизмат қилган. Дарё бўйларида турли хил гранит, мрамор каби тошларнинг бўлиши эса қурилишга яхши материал ҳисобланган.

12. Миср тарихининг барча даврларида ҳайвонлар, табиат ҳодисалари ва ота-боболар руҳига эътиқод қилиш кенг тарқалган. Шу билан бирга Мисрда ягона давлатнинг вужудга келиши билан фиравн – подшоларга эътиқод қилиш ва уларни илоҳийлаштириш пайдо бўлган. Биринчи ўринда қарчиғай бошли Қуёш ҳудоси – Ра ёки Амон-Ра бўлиб, у ҳар қуни олтин қайиқчасида осмонни кезиб чиқади ва ғарбга тушади (мисрликлар тасаввурида). Мисрликлар Қуёш ҳудосига атаб ибодатхоналар қурганлар.

13. Худолар ичида Осирис алоҳида ўрин тутди. У аввал деҳқончилик ҳомийси бўлиб, эшак бошли, кизил кўзли ёвуз худо Сет томонидан ўлдирилган. Осирис нариги дунёдаги подшоҳликда шоҳ ва судья бўлиб олади. Худолар мисрликлар учун биргина дунёни яратувчи бўлибгина колмай, хунармандчилик, санъат, ёзув, ҳисоб, сеҳргарлик ва илм-фаннинг яратувчилари ҳам ҳисобланганлар. Улар иероглиф ёзувини "Худонинг сўзи" деб тушунар эдилар. Бунда сўз ва ҳисоб ҳукмрони, ёзувни яратувчиси, адабиёт ва ёзувчиларнинг, сеҳргарлар ва табибларнинг ҳомийси Тоту ҳисобланган.

14. Мисрда худоларга сиғиниш билан бирга подшоҳ - фиравнларга сиғиниш ҳам алоҳида ўрин тутган. Мисрликлар Фиравнни ердаги худо деб ҳисоблашар, шунинг учун уларга атаб Пирамидалар куришган, уларнинг номларини абадийлаштирганлар.

15. Қадимги подшоҳлик даврида папирус коғозининг тайёрланиши ёзма маданиятни ривожлантиришга олиб келган бўлса, Мисрда мис даврида биринчи бўлиб асаларичиликнинг кашф қилиниши ва ёйилиши ҳам дунёвий аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга шу даврда деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик ривожланган.

16. Қадимги Миср подшоҳлиги даврида етакчи маданият йўналиши - бу архитектура бўлиб, у бошқа маданият турлари билан уйғунликда ривожланди. Биринчи пирамида архитектор Имхотеп лойиҳаси асосида Физа ва Жосерга атаб Саккарада (мил. авв. III минг йилликда) қурилган бўлиб, у бўйи 60 метр, пиллапоя шаклида қурилган. Имхотеп биринчи архитектор бўлибгина колмай, айна чоғда олим, ёзувчи, табиб ҳам эди. Вафотидан кейин унга атаб ибодатхона қурилган.

17. Иккинчиси Дашурда қурилган Снофру пирамидаси тўрт бурчакли шаклда бўлиб, унинг бўйи 100 метр эди. Гизадаги фиравн Хуфу макбараси-пирамидаси ўзининг улуғворлиги билан ажралиб туради. Хуфу (юнонча Хеопс) макбарасининг бўйи 150 метр (ҳозир 146 метр), эгаллаган жойи 52,900 м² бўлиб, унинг қурилишига оғирлиги 2-15 тонналик 2 млн. 300 мингта тарашланган тош ишлатилган. Пирамида 30 йил ичида қурилган. Хуфу пирамидаси оламнинг етти мўъжизасининг бири ҳисобланади. Гизада қурилган улкан сфинкс (узунлиги 57 метр) Хафра шер сурати тарзида бўлиб, ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туради. Ҳаммаси бўлиб 80 га яқин пирамидалар қурилган. Пирамидалар Қадимги Мисрнинг ўзига хос рамзига айланган.

18. Пирамидалар қурилиши Қадимги Миср учун жуда қимматга тушган ва Миср иктисодини издан чиқарабошлаган. Шу сабабли фиравнлар мил.авв. XVII асрдан эътиборан пирамидалар қуришдан воз кечганлар.

19. Архитектура билан биргаликда ҳайкалтарошлик намуналари ҳам яратилган. Булар жумласига фиравн Нармер (бўйи – 64 см), "Кишлоқ оксоколи", "Мирзо Кан", "Шахзода Рахотеп ва унинг рафикаси Нофрет" каби тошдан ясалган ҳайкалчаларни нисбат бериш мумкин.

20. Ўрта подшоҳлик, ёки бошқача қилиб айтганда классик даврда қуруллар яшашда бронзадан кенг фойдалана бошланган. Ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қадимги айникса ўрта подшоҳлик даврида математика соҳасида катта ютуқларга эришилган. Жумладан, санок тизими кашф этилган. Миср

ёзувида 1, 10, 100, 1000, 10000, 100000, ҳатто миллионни ҳам билдирувчи алоҳида белгилар бўлган. Миср астрономлари юлдузлар, сайёралар ҳаракатини ўрганиб, биринчи юлдузлар осмони харитасини тузганлар. Шундай хариталар Сенмут макбараси, Эдфу ва Дендир ибодатхоналарининг шипларида сакланиб қолган. Миср астрономлари дунёда биринчи бўлиб алоҳида таквим тузганлар. Унга кўра, бир йил 365 кунни ташкил қилиб, у 12 ойга бўлинади. Ҳар ой 30 кундан иборат бўлган Қолган 5 кунни эса байрам қилишган. Қум ва сув соатлари ҳам дастлаб Мисрда кашф этилган.

21. Мисрда тиббиёт ҳам эрта ривожланган. Мил.авв. 3600 йилда Мемфисда афсонавий табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона қурилиб, у ерда беморларга тиббий ёрдам кўрсатилган. Гелиополис ва Саис шаҳарларида табиблар тайёрлайдиган махсус мактаблар бўлган. Тиббиётга бағишланган асарлар яратилган. Табиблар мумиёлаш жараёнида инсон аъзоларининг ички тузилишини яхши билганлар. Улар, беморларни даволашда терапия, жарроқлик, руҳий таъсир этиш усуллари қўлланган. Мисрда Георг, Зберс, Здвин, Смит, Бругша, Зразистрат, Херофил каби машҳур ҳакимлар шуҳрат топган.

22. Қадимги мисрликлар география фани соҳасида ҳам дастлабки маълумотларга эга бўлганлар. Қадимги Миср географлари ўз ўлкалари ва Арабистон ярим оролининг харитасини чизганлар. Уларнинг Арабистон чўлларидаги олтин қонлари жойлашган районнинг харитаси ҳозиргача сакланиб қолган.

23. Ўрта подшолик даврида адабиёт жуда ривожланган. Бу даврда жуда кўп кўшиқ, эртак ва мақоллар яратилган. Ўша даврда "Икки оға-ини ҳақида", "Тўғри ва эгри ҳақида", "Изида ва Осирис ҳақида" эртаклар, "Сор ва Сет жанжали" номли афсоналар жуда машҳур бўлган.

24. Дунёда биринчи бўлиб Мисрда театр кашф қилинган. Ибодатхоналарда диний драмалар қўйилган. Хусусан, театрларда Осириснинг ўлими ва қайта тирилиши кўринишлари ижро этилган.

25. Янги подшолик даври Қадимги Миср тарихида моддий ва маънавий ривожланишнинг энг чўққиси ҳисобланади. Бу даврда мисрликлар темирдан фойдаланишга ўтганлар, тўқимачилик дастгоҳини кашф қилинган, йилкичиликни (отлар) ўзлаштирганлар. Чиғирикни ва шаруфни кашф этилиши полизчилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган. Қуллас, бу даврда мамлакат иқтисоди тез ўсади. Бу эса жамиятнинг бой табақасининг янада бойишига ва санъатнинг ривожланишига олиб келди.

26. Янги подшолик даврида Мисрда фиравн Тутмос I давридан бошлаб "Подшолар водийсида" фиравнлар ўзларига маҳобатли ва лабиринтли макбараларни, ҳайкалларни қурдирадilar. Буларга Аменхотеп III ва Абусимбедаги Рамзус II ғорли макбаралари ҳайкаллари мисол бўла олади. Айникса, Фивада қурилган Карнак ва Луксор макбаралари архитектор Инени бошчилигида қурилган бўлиб, бу йирик архитектура мажмуи қурилишида баланд устунлар ишлатилган.

27. Бу даврда кўп жанрли адабиёт ҳам ривожланади. Диний "Марҳумлар китоби", реализм руҳидаги "Икки оға-ини ҳақида эртак", севги ҳақида "Юракни роҳатлантирувчи кўшиқ" каби асарлар юзага келди.

28. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда фиравнларнинг турмуш тарзини акс эттирувчи асарлар яратилди. Ҳайкалтарош Тутмос томонидан яратилган фиравн Эхнатон ва унинг рафикаси Нефертити асарлари ўзининг бетакрорлиги, гўзаллиги билан кишиларни ҳайратга солади. 1922 йили топилган Тутатхамон макбарасидаги (ягона тўла сакланиб қолган) Миср маданиятига тааллуқли кўплаб қимматли ёдгорликлар ичида фиравннинг машҳур олтиндан қилинган никоби ҳам бор.

29. Қуйи Миср подшолиги даврида Миср инкироз жараёнини бошидан кечирди. Ягона Миср аввал иккига, сўнгра майда номларга (давлатчаларга) бўлиниб кетади. Миср аввал Нумибия, Оссурия, Эрон таъсирига тушиб қолади ва ниҳоят, мил.авв. 332 йили Александр Македонский томонидан эгалланади. Шу билан Мисрнинг Қадимги даври тугайди.

30. Қадимги Миср маданиятига келсак, у ҳозирги қадар ҳам яшаб келмоқда. Бу маданият жаҳон маданияти ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Юнон файласуфи Афлотун Миср маданиятини "Жами цивилизацияларнинг онаси"¹ деб бежиз айтмаган.

2. Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим маданияти.

31. Антик давр маданияти – жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлиб, у даврда философия, маданият фан сифатида шаклланди. Ўша давр юнонларининг турмуш тарзи, фикрлаши, маънавияти ҳозиргача ҳам инсонларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

32. Антик Европа маданиятининг шаклланишига Месопотамия ва Миср маданиятининг, айниқса, арифметика, астрономия, мифология ва теология соҳаларида эришилган дастлабки муҳим ютуқларнинг аҳамияти катта бўлди.

33. Қадимги Юнон маданияти эр.авв. XXVIII асрдан эр.авв. II асргача давом этди. Юнонлар ўзларининг ватанини **Эллада** деб атаганлар. Қадимги Юнон маданиятининг энг юқори даражага кўтарилган даври эр.авв. V-IV асрларга тўғри келади. Қадимги Юнон маданияти жаҳон маданияти тарихида ғавқулодда ҳодиса сифатида ўзини намоён этди.

34. Эллада ҳозирги замон давлатларининг бошқарув шакли – республика ва демократиянинг ватанига айланди. Унинг намунавий шакли Перикл (443- 429 йй) ҳисобланади. Юнонистонда жисмоний ва ақлий меҳнат иккига ажралади. Жисмоний меҳнат бу қулларга, ақлий меҳнат қилиш эса озод кишиларга тааллуқли эди. Юнонлар давлат ва шахсий мулк, жамоа ва шахсий манфаатларни ўзаро жуда моҳирона боғлай олганлар. Аристократия одоби – мусобақа тамойиллари асосида биринчилардан бўлишга интилиш қадрияти кенг қулоч ёйди. Бундай ўйинлар саҳнаси: Олимпия ўйинлари,¹ мунозара, жанг майдони, театр саҳналари эди.

35. Юнонлар учун эркинлик энг юқори қадрият ҳисобланиб, унинг учун ҳатто ўлимга ҳам тик борганлар. Леонид жасорати ёки Прометей ҳақида афсона бунга мисолдир.

36. Юнонларнинг турмуш тарзи ҳақиқат, гўзаллик, меҳрибонлик каби категориялар уйғунлиги билан белгиланган. Улар учун меъёр тушунчаси муҳим аҳамиятга эга эди. Шунинг учун юнонларда мулк эркин киши учун ажралмас атрибут бўлса, иккинчи томондан очкўзлик, молпарастликни қоралаганлар.

37. Инсонни тарбиялаш учун икки йўналиш бўйича таълим тизими вужудга келтирилган: а) "гимнастика"; ва б) ақлий йўналишдаги барча маданият турлари, чунончи, табиий фанлар, фалсафа, нотикликни ўрганиш. Озод юнонларнинг болалари 7 ёшдан бошлаб бошланғич мактабга борганлар. Бадавлат кишиларнинг болалари эса 18 ёшгача гимназияларда ўқишни давом эттирганлар. Болалар мактабларда чиройли ёзишга, аниқ ва равион сўзлашга ўргатилган. Улар Гомер, Гесиод ва бошқа шоирларнинг шеърларини ва достонларини ёд олганлар. Юнонлар ашула айтиш, рақсга тушиш, лира созини чалишни билмайдиганларни ўқимишли деб ҳисобламаганлар. Болалар улғая борган сари югуриш, курашга тушиш, сакраш, диск, найза отиш ва қилич чопиш билан шуғулланганлар. Шу тариқа, улар ватан ҳимоячилари сифатида тайёрланган.

38. Айникса, бу соҳада Спарта мактаби ажралиб турган.

39. Ҳар қандай эркин юнон полис (шаҳар) давлатини энг олий эҳсон деб қабул қилган ва унинг ватанпарвари бўлган.

40. Биринчи юнон файласуфи Фалес бўлиб, у сувни оламдаги барча моддий борлиқнинг асоси деб ҳисоблаган. Юнон фалсафасининг энг юксак намояндалари сифатида Сукрот, Платон ва Аристотель ҳисобланганлар. Юнонистонда оламни фалсафий мушоҳада қилиш—мантиқ ва тасдиқлашга таянган илмий ва рационал фикрлаш методи орқали билиш мумкинлигига асос солинган.

41. Пифагор, Евклид ва Архимедлар математика ва математик фанлар — геометрия, оптика, гидростатика фанларининг асосчилари ҳисобланади. Астрономия соҳасида Аристарх биринчи бўлиб геоцентризм ғоясини илгари сурди. Гиппократ — медицина фанига асос солди. Геродот тарих фанининг отаси ҳисобланади. Аристотель асарлари маданият назарияси бўйича биринчи фундаментал илмий ишлар қаторидан ўрин олган эди.

42. Деярли ҳозирги замон маданиятининг жанрлари қадимги Юнонистонда пайдо бўлди. Баъзилари ўша даврнинг ўзида жуда юқори даражага кўтарилди. Фидий бошчилигида бадиий тасвирий санъат асарлари, Зевснинг катта ҳайкали бунга мисол бўла олади.

43. Юнонлар биргина яратувчилик билан шуғулланиб қолмай, шу билан бирга гўзаллик қонунлари билан яшашни ҳам хоҳлар эдилар.

44. Шунингдек, юнонларда ибтидоий дин шакллари — тотемизм, анимизм ва фетишизм тасаввурлари кучли бўлган. Ибтидоий жамоа тузумидан синфий жамиятга ўтиш давомида юнонларнинг диний тасаввурлари ҳам ўзгариб борган. Уларда ҳар бир йирик ҳодиса, касби-корнинг ўз худолари — хомийлари бўлган.

45. Зевс — юнонларнинг энг муқаддас бош худоси ҳисобланган. У осмон, момақалдирак, чакмоқ ва ёмғир худоси бўлган. Уни одамлар жингалак сочли, бакуват, серсоқол, қудратли, қўлида чакмоқ ушлаган, басавлат киши сифатида тасаввур қилганлар. Зевснинг укаси Пасейдонни "ерни тебратувчи" даҳшатли денгиз худоларидан бири деб билганлар. Гелиос куёш худоси бўлиб, оппоқ отлар қўшилган олтин аравасида осмонга чиққанда кундуз бошланади деб фикр юритганлар. Апполон эса ёруғлик ва санъат худоси саналган. Деметрий ҳам

илоҳий тимсол сифатида ўсимликларнинг униб чиқиши, ўсиши, сарғайиши гўёки унга боғлиқ бўлган. Ер ости ҳукмдори – ҳомийси Аид бўлган. Дионис виночилик, Афродита аввал ҳосилдорлик, кейинчалик севги ва гўзаллик ҳамда денгиз сайёҳлари ҳомийси бўлган. Зевснинг қизи Афина, юнон афсоналарига кўра уруш, ғалаба, санъат, билим ва донолик маъбудаси бўлган. У Афина шахрининг ҳомийси бўлиб, ҳайкалтарош Фидий томонидан шаҳардаги Парфенон ибодатхонаси олдида унинг ажойиб ҳайкали ишланган. Юнон худоларидан бири, Зевс ва Геранинг ўғли Гефест темирчилик ҳомийси ҳисобланган, Вулқон лаваларининг отилиши ҳам унинг ер остидаги темирчилик устахонасининг маҳсули деб ҳисоблашган. Гермес савдо-сотик худоси сифатида эътироф этилган.

46. Юнонларнинг фикрича, уларнинг Зевс бошлиқ худолари баланд Олимп тоғларида яшаганлар ва бадавлат кишилардай ҳаёт кечирганлар. Улар ҳам одамлар каби шуҳратпараст, ҳокимиятпараст, шафқатсиз ва қасоскор бўлганлар. Юнон худоларининг одамлардан фарқлари шундаки, **биринчидан** улар умрбоқий, **иккинчидан**, улар Гефестдан ташқари² гўзал ва қадди қомати келишган бўлишган. Юнон худолари ҳам севишган, хурсанд ёки ғамгин, ғазабли ҳолатларда намоён бўлганлар. Ердаги аёллар билан худолар қовушуvidан қахрамонлар дунёга келганлар.

47. Юнонлар ўз худоларига ишонишган, сиғинишган, уларга атаб ибодатхоналар қуришган ва қурбонликлар қилишган. Лекин юнонларда худоларга кўр-кўрона сажда қилиш, мутаассиблик даражасида бўлмаган.

48. Масалан, Прометей худолар иродасига қарши одамларга осмондан оловни ўғирлаб олиб тушиб берган (Прометей афсонасидан).

49. Юнонлар мифологиясида биргина худоларни эмас, ердаги инсонларни ҳам улуғлаганлар. Бунга Софоклнинг "Дунёда буюклар кўп. Лекин, инсондан бошқа табиатда кучлиси йўқ", ёки Архимеднинг "Менга таянч нуқтасини топиб беринглар, мен дунёни остин-устун қилиб ташлайман" деган ибораларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

50. Қадимги Юнон маданияти бешта даврга бўлинади:

51. Эгей маданияти (эр.авв. 2800-1100 йиллар);

52. Гомер даври (эр.авв. XI-IX асрлар);

53. Архаик маданият даври (эр.авв. VIII-VI асрлар);

54. Классик (юқори даражадаги)даври (эр.авв. V-IV асрлар);

55. Эллинизм даври (эр.авв. 323-146 йиллар).

56. Эгей маданиятини кўпинча Крит-Микен маданияти деб ҳам аташади. Бунинг сабаби Крит ороли ва Микен Юнон маданиятининг асосий марказлари саналган. Шунингдек бу даврни афсонавий подшо Миноснинг номи билан Миной маданияти деб ҳам аташади.

57. Эрамиздан аввалги уч мингинчи йилларнинг охири, икки мингинчи йилларнинг бошларида Крит оролида Кносс, Феста, Мали ва Като-Закро шаҳар давлатлари вужудга келди. Шаҳарларнинг тутган ўрнини ҳисобга олиниб, баъзида уларни "Сарой маданияти" деб ҳам аташади. Бу даврда асосий машғулоти кишлоқ хўжалиги бўлиб, бунда дон, узум, зайтун етиштирилган. Хўжаликда чорвачилик, хунармандчилик ва савдо ҳам муҳим ўрин тутган.

58. Крит маданиятига тааллуқли Кнос саройи "Лабиринт" номи билан тарихга кирган бўлиб, унинг биринчи қаватигина сақланиб қолган. У кўп қаватли иншоот бўлиб, 300 хонадан иборат, бир гектардан кўпроқ ерни эгаллаган. Саройда сув ўтказувчи мослама (водопровод), канализация ва ванналар, хунармандчилик устахоналари бўлган. Саройнинг махфий хонасидан аёл худонинг қўлида илонни ушлаб турган ҳайкалчаси топилган. Саройнинг деворларида ҳозиргача "Гуллар терувчи", "Қушни тутишга шайланаётган мушук", "Хўкиз билан ўйин" каби расм манзаралари сақланиб қолган.

59. Крит ўзининг чизиқли ҳарфларидан иборат ўз ёзувига эга бўлган. Лекин бу ёзувни ханузгача ҳеч бир олим ўқиб чиқишга эга бўлмаган.

60. XI-IX асрларнинг Гомер асри деб аталиши сабаби шуки, бу даврни ёритиб берувчи асосий манба Гомернинг "Одиссея", "Иллиада" достонлари бўлган. Бу даврда давлатчилик, шаҳар – сарой турмуш маданияти ва ёзув йўқ бўлиб боради, меҳнат қуроолларини темирдан ясашга ўтилиши натижасида меҳнат унумдорлиги анча ўсади, деҳқончилик ва чорвачилик ривож топади. Савдо-сотикда эса айирбошлаш воситаси қорамоллар ҳисобланган.

61. Архаик даврга хос хусусияти шундаки, Юнонистонда уч аср давомида қишлоқдан шаҳарга, уруғ-қабилачилик, патриархат муносабатларидан классик қулчилик босқичига ўтиш учун замин етилади.

62. Шаҳар – давлат ижтимоий ҳаётининг асосий шакли бўлиб қолади. Давлат тузумининг шакллари – монархия, олигархия, аристократик ва демократик республика бўлган. Юнонлар финикияликларнинг ёзуви асосида 24 ҳарфдан иборат ўз алифболарини яратганлар. Бу алифбода ҳам ундош, ҳам унли товушларни ифодаловчи 24 ҳарф бўлган. Юнонистонда таълим тизимининг ютуғи туфайли полисининг эркин кишилари орасида саводсизлар йўқ эди. Жамият қадриятлари ва ахлоқий нормалар шакллана боради. Бунда ватанпарварлик ва фуқаролик муҳим ўрин тутган. Ўз шаҳрини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи ҳисобланган. Худди шу даврда инсон танаси билан руҳ ўртасида уйғунликни ифодаловчи идеал инсон тўғрисидаги гоё шаклланади.

63. Фалсафа ва бошқа фанлар вужудга келади. Фалсафа фанига Фалес, Пифагор эса математикага асос солади.

64. Аввал ёғочдан, кейинчалик тошдан фойдаланиб ясаладиган монументал ҳайкалтарошликка асос солинади. Шулардан кўпроқ тарқалгани: 1) яланғоч ҳолдаги эркакларнинг ҳайкаллари – "курос"; 2) тикка турган аёллар ҳайкаллари – "кора".

65. Поэзия соҳасида Гомернинг "Иллиада" ва "Одиссея" достонлари яратилади. Кейинроқ шоир Гесиод томонидан "Теогония" ва "Аёллар каталоги" поэмаларида антик мифология ўзининг классик даражасига кўтарилади. Антик шоирлар орасида Архилох (лирик поэзия асосчиси), ҳамда шоира С.О.Лесбос ижодлари алоҳида ўрин тутади. Гўзаллик, севги, ҳузур-ҳаловатни куйлаган Анакреонта ижоди А.С.Пушкин ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган.

66. "Греция мўъжизаси" номи билан тарихга кирган классик даврда (эр.авв. V-IV асрлар) қадимги юнон цивилизацияси ва маданияти яшнаб энг юқори чўққига чиқди. Бу даврда юнонлар эронликлар устидан ғалабага эришгач,

иктисодиёт, савдо кенг ривожланади. Афина Ўрта Ер денгизида энг катта савдо марказига айланади. Афина, Миср, Карфаген, Крит, Сурия, Финикияликлар билан савдо алоқаларини олиб боради.

67. Юнон фалсафаси юқори даражага кўтарилади. Шу даврда антик давр ақллилик даҳолари Сукрот, Платон, Аристотель каби буюк файласуфлар яшаб ижод қилганлар. Сукрот биринчи бўлиб инсон ҳаёти, яхшилик, ёмонлик, адолат каби муаммоларни мушоҳада қилишга асосий ўрин берди. Сукротнинг шогирди Платон (эр.авв. 429-347 йй) Афина аристократиясининг вакили эди. У эр.авв. 385 йили Академия номи билан файласуфлар мактабини ташкил қилган. Платон ўзининг идеал давлат тўғрисидаги ғояларини мунозара шаклида ёзган. Унингча идеал шаҳар давлатни оиласи, хусусий мулки бўлмаган файласуфлар бошқариши зарур эди. Идеал шаҳарнинг аҳолиси жангчилар ва оддий халқ (хунармандлар ва деҳқонлар)га бўлинар эди. Келиб чиқиши чет эллик бўлган қуллар ҳам бор эди. Платон тизимини Аристотель (эр.авв. 384-322 йй.) танқид остига олган эди. Унинг "Сиёсат" номли машҳур асарида ўша даврда маълум бўлган билимларни алоҳида соҳаларга – ботаника, физика, сиёсат, тарих каби номларга биринчи бор бўлинган эди. У "Метафизика" асарида фалсафа фанининг метафизик йўналишига асос солган. У Македония подшоси Александр Македонскийнинг устози бўлиб, "Биринчи муаллим" номи билан машҳур бўлган.

68. Худди шу даврларда "Тарих фанининг отаси" Геродот (эр.авв. 490-430 йй), атом назариясининг асосчиси Демокрит (эр.авв. 460- 370 йй), машҳур табиб, 72 та китоб муаллифи Гиппократ (эр.авв. 460-375 йй) каби машҳур олимлар яшаб ижод қилганлар.

69. Архитектура ва шаҳар қурилиши бўйича Милетлик Гипподам томонидан шаҳарларнинг режалаштириш концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра шаҳар жамоа маркази, яшаш учун уй-жой ҳамда ишлаб чиқариш ва порт зоналаридан иборат бўлиши керак эди. Монументал қурилишнинг асосий тури ибодатхоналар бўлган.

70. Архитекторлар - Гектин ва Каликратлар томонидан қурилган Афина Акрополи жаҳон архитектурасининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланиб, унда 46 та устун ва ҳайкаллар мавжуд бўлган.

71. Таниқли архитектура иншоотлари ичида дунёнинг етти мўъжизасидан бири Эфесдаги Артемида ибодатхонаси бўлиб, унга ёвузлик тимсоли бўлмиш Герострат томонидан ўт қўйилган эди. Қайта тикланган ибодатхона қурилишида ҳайкалтарошлар Праксител ва Скопаслар томонидан ишланган 127 та устун ажойиб ҳайкаллар ва расмлар акс эттирилган эди.

72. Классик даврда юнон ҳайкалтарошлик санъати "Эллада" етакчи ўринни эгаллаган эди. Ҳайкалтарошлар ичида энг таниқлиси Фидий бўлиб, унинг Олимпияда яратган Зевс ҳайкали (бўйи 14 метр) оламнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган.

73. Унинг Афина ҳайкали (бўйи 12 метр) Афина Акрополининг марказига қўйилган. Промахос (Афина жангчиси) ҳайкали (бўйи 9 метр) жангчи кийимини кийган, найза ушлаб турган аёл худо қиёфасида тасвирланган бўлиб, у

Афинанинг ҳарбий қудратини ифодалаган. Фидий Афина Акрополи курилишида ҳам иштирок этган.

74. Пифагор Регийский "Оёғидан тиконни чиқараётган бола", Мирон "Дискабол" ва "Афина ва Марсий", Поликлет "Дорифора" ва "Яраланган Амазонка" каби ҳайкалларни яратганлар. Поликлет инсон танасининг мутаносиблиги ҳақида "Қанон" асарини ёзган.

75. Пракситель, Скопас, Лиссил куйи классика давр намояндаларидир. Пракситель юнон ҳайкалтарошлигида биринчи бўлиб яланғоч аёл образи - "Афродита Книдская" ҳайкалини яратган. Пракситель ижоди учун дид, нозик гўзаллик хос бўлиб, улар "Мусаллас қуяётган сатир", "Эрот" ҳайкалларида айниқса ёрқин намоён бўлган.

76. Скопас Пракситель билан биргаликда Эфесдаги ибодатхона ва Галикарнасдаги Артемида мақбарасини бунёд этишда иштирок этганлар. Сарой рассоми Лиссип Александр Македонскийнинг ҳайкалини яратган. У инсоннинг ички дунёси, кечинмаларини ўз асарлари орқали намоён қилган. Бунга "Ором олаётган Гермес", "Шиппагини боғлаётган Гермес", "Эрот" асарлари мисол бўла олади.

77. Поэзия соҳасида Афина демократиясини қабул қила олмай, аристократия табақасини ўз асарларида улуғлаб куйлаган шоир Пиндар Олимпия ўйинлари ғолибларига атаб қасидалар, қўшиқлар ёзган.

78. Қадимги Юнон маданиятидаги театр³ соҳасида трагедия, комедия жанрларининг пайдо бўлиши ва равнақи муҳим воқеа ҳисобланади. Юнон театри қишлоқ хўжалиги хомийси бўлган Дионис шарафига ўтказиладиган байрамлар вақтида ижро этиладиган халқ қўшиқлари ва ўйинлари асосида вужудга келган. Дионис байрамлари тоқлар, дарахтлар барг чиқарган баҳорда ва кузда ўтказилган.⁴ "Трагедиялар отаси" Эсхил (525-458 йй) 90 дан ортиқ трагедия⁵ ёзган. Эсхил ўз трагедияларида афсонавий воқеалардан фойдаланган бўлсада, уларда ўз даврининг муҳим масалалари кенг ўрин тутган. Масалан, ҳалок бўлиб бораётган матриархат билан патриархат ўртасидаги зиддиятлар масаласига бағишланган "Орестея" трилогияси: "Агамемнон", "Хоэфорлар" ва "Авменида" асарларидан иборат. Унинг энг машҳур трагедиялари бўлса "Занжирбанд Прометей" ва "Форслар"дир. "Занжирбанд Прометей" асари инсоннинг куч-қудрати, иродаси буюклиги тимсолидир.

79. Жумладан, Зевс томонидан юборилган Гермесга Прометей қандай азоб-укубатлар билан жазо берилишини эшитгач, шундай дейди:

Ва на қатл, ва на макр қилмас асло кор,
Айтмасман Зевсга ҳеч қандай сир-асрор,
Чакмоқ чақиб, майли ўтда куйдирсин.
Осмону фалакни оппоқ қуюндек,
ҳаммасини батамом-буткул қуритсин:
Аммо иродамни буколмас асло,
Жаҳаннам ўтини қилса ҳам пайдо.
Ким унинг ҳокимлигини этишин бекор,

80. Эсхилнинг "Форслар" трагедиясида Юнонистон – Эрон урушларида⁶ юнонларнинг қаҳрамонона кураши ва ғалабаси акс этган.

81. Яна бир буюк трагедия шоирларидан бири Софокл (496-406йй) бўлиб, у 120 дан ортиқ трагедиялар ёзган. Улардан бизгача еттитаси етиб келган, холос. Афина театрида дастлаб қўйилган "Антигона", "Шоҳ Эдип" асарлари унга шон-шуҳрат келтирган.

82. Трагедия жанри билан биргаликда комедия⁷ жанри ҳам вужудга келиб, ривожланади. Комедия жанрининг отаси Аристофан (450-388 йй) бўлиб, унинг асарлари содда, тушунарли, халқ тилида ёзилган ва ҳаётнинг муҳим масалалари, жумладан, тинчлик муаммоси акс эттирилган. Жумладан, унинг "Тинчлик", "Аёллар халқ йиғинида", "Суворийлар" асарлари ўз даврида машхур бўлган.

83. Қадимги Юнон маданиятининг сунгги даври-бу Эллинизм (323-146йй.) дир. Бу даврда маданиятнинг баъзи соҳаларида, жумладан, филсафада эришилган ютуқлар даражасидан пасайиш ҳолатлари юз беради. Бу даврда юнон маданиятининг бошқа мамлакатларга, жумладан, Ўрта Осиёга таъсири кучаяди. ҳатто бу жараён Юнонистоннинг Римга қарам бўлганидан кейин ҳам давом этади. Рим Юнонистонни сиёсий жиҳатдан тобе этади.

84. Фан соҳасида бу даврда етакчи ўринни математика эгаллайди. Унинг асосчилари Евклид ва Архимед каби олимларнинг ижоди туфайли математикадан механика, оптика, қурилиш соҳаларида фойдаланиладиган бўлинди. Астрономия, медицина ва география соҳаларида муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

85. Бу даврда архитектура соҳасида кўплаб ҳашаматли саройлар, кутубхоналар, гимназиялар, уй-жойлар қурилди. Жумладан, Александрияда 799 минг ўрамли китоблар турадиган кутубхона қурилган. Архитектор Состратнинг лойиҳаси асосида дунёнинг етти мўъжизасидан бири, 120 метр баландликдаги Александр маёғи барпо этилган.

86. Ҳайкалтарошлик соҳасида эллинизм даврида баъзида йирик шакллардаги ҳайкаллар ҳам яратилган. Хусусан, Херос томонидан яратилган куёш худоси Гелиос ҳайкали, ёхуд дунёнинг етти мўъжизасидан бири 36 метр баландликда бўлган Родос оролидаги Колосс Родосский ҳайкали бунга мисолдир (мазкур ҳайкал ер силкинишлари натижасида қулаб тушган). Ўша даврда яратилган Афродита (Венера), Милосская ва Ника Самосская ҳайкаллари ҳозиргача дунё маданиятининг ноёб дурдоналари ҳисобланади.

87. Қадимги Юнонистон маданияти жаҳон маданиятига катта таъсирини ўтказди ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

88. Юнон маданиятисиз ҳозирги Европа маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек Шарқ дунёси ҳам эллинизм маданиятисиз бошқачароқ кўринишга эга бўлган бўларди.

89. Антик Рим маданияти эр.авв. VIII асрдан эраизмнинг 476 йилигача давом этган. Қадимги Рим маданиятининг ўрни ва роли тўғрисида маданиятшунос олимлар ичида икки ҳил қараш мавжуд:

1. Таниқли маданиятшунослар О.Шпенглер ва А.Тойнбиларнинг фикрича, қадимги Римликлар мустақил маданият ва цивилизацияни ярата олмаганлар, улар давлат, ҳуқуқ ва техника соҳаларида ютуқларни қўлга киритганлар холос, бошқа соҳаларда римликлар эллинизм даражасига ета олмаганлар.

2. Бошқа олимлар, жумладан, Д.А.Силичев бунга қарама-қарши уларок бошқача фикрни илгари суриб, Рим маданияти ва цивилизацияси ҳам ўзига хослиги, бетакрорлиги билан ажралиб туришини ва жаҳон маданиятида ўз ўрни бор эканлигини қайд қилади.

90. Римликлар кўп соҳаларда эллинларга ўхшар эди. Бу шубҳасиз, бироқ, шу билан бирга улар ўзларининг қадриятлари ва идеал тизимини яратганлар. Булар сирасига айниқса ватанпарварлик, фуқаролик бурчига содиқлик, худоларга эътиқод, Римда олий қадрият сифатига кўтарилган эди. Римликлар қонунни алоҳида кадрлар, унга бўйсунитишни шараф деб билар эдилар. Улар учун ижтимоий манфаат шахсий манфаатдан устун турарди. Кишининг куйидаги мурувватлилик сифатлари улуғланган:

1. Содиқлик эр.авв. V асрда ибодатхона қурилган булиб, унда (фуқаролар ўртасидаги муносабат, аскарларнинг ўз бошлиқларига содиқлиги-ёрқин акс эттирилганди);

2. Жасорат – ўз ишини бажаришда ботирлик, ҳар хил алдов ва ваъдаларга берилмаслик, сотилмаслик;

3. Шон-шавкат – жасорат учун тақдирланиш ва улуғланиш;

4. Эркинлик – 238 йили унга атаб ибодатхона қурилган.

91. Буларга мисоллар:

1. Юний Брут ҳайдаб юборилган подшо Тарквиния томонидан уюштирилган суиқасдда қатнашгани учун ўз ўғилларини ўлимга ҳукм қилиб ўлдиртирган.

2. Муций Сцевола – Этрусск подшоси Парсенанинг ҳарбий лагерига жосуслик мақсадида борганида қўлга тушиб, ўз иродасининг қатъийлигини кўрсатиш учун ўз қўлини оловда куйдирган эди.

92. Римликлар эркин фуқаро билан қул ўртасидаги зиддиятларни кучайтирдилар. Эркин киши учун сиёсат, уруш, ҳуқуқ қонунларини ишлаб чиқиш, тарихшунослик ва деҳқончилик билан шуғулланиш фахрли ҳисобланган. Ҳунармандчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, актёрлик ва драматурглик фахрли касб саналган. Барча қўл меҳнати қулларга тегишли бўлган. Жумладан, ёлғончилик, лаганбардорлик каби иллатлар ҳам қулларга тааллуқли

ҳисобланган. Рим классик кулчилик тузумининг энг юқори чўққисига кўтарилган эди.

93. Қадимги Римда биринчи бўлиб Нибур томонидан қайд қилинган уруғдошлик асосидаги аҳолининг таркибий тузилиши муҳим рол ўйнаган. Римнинг аҳолиси 300 та уруғдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар ўнтаси курияга бирлашар, 10 та курия – трибуни ташкил қиларди. 3 та трибу – бу 3 та қабила лотин, сабин, этруссклардан иборат эди. Шу трибуларнинг аъзолари тенг ҳуқуқли фуқаролар – патрицийлар эди. Италиянинг бошқа жойларидан Римга кўчиб келган одамлар ва уларнинг аجدодларини плебейлар деб атаган. Плебейлар орасида ҳам бой – бадавлат кишилар бўлган, лекин уларнинг орасида камбағаллар кўпчилиқни ташкил қилган. Рим аҳолиси ичида қуллар ҳуқуқсиз "гапирувчи ҳайвон" эдилар.

94. Римликлар нисбатан жанговор бўлганлар ва ҳарбий жасорат улар учун олий қадрият ҳисобланган. Жангчиларнинг босқинчилик юришлари туфайли Рим империянинг пойтахтига айланди. Рим ҳуқуқи, ажойиб йўллар, турар жойлар, жамоат уйлари Римнинг улкан ютуқлари ҳисобланган. Давлат қурилиши соҳасида республика ва империя бошқаруви шакллари яратилиб, булар такомиллаштириб борилган.

95. Маънавий маданият соҳасида римликлар юнон маданиятининг ворислари ҳисобланадилар. Кўплаб юнон худолари номлари ўзгартирилган. Чунончи, Зевс - Юпитерга, Кронос – Сатурнга, Пасейдон – Нептунга, Афродита – Венерага, Артемида – Дианага, Афина – Минервага айланган.

96. Римликларнинг дам олиши ҳам асосан бир хил бўлган: ҳаммомларга бориш ва у ердаги машқлар майдончаларида бўлиш, фалсафий соҳада суҳбатлар ўтказиш, кутубхоналарда шуғулланиш ёки бассейнларда ҳордиқ чиқариш улар учун одатий ҳол бўлган.

97. Милоднинг I асрида гладиаторлик жанглари учун қурилган Колизей амфитеатри ўзининг улканлиги билан ажралиб турган. Амфитеатрга бир вақтнинг ўзида 50 минг томошабин жойлаша олган. Амфитеатр ареналарига 11 минг йиртқич чиқарилган, 10 минг гладиатор бир-бири билан жанг қилган ва йиртқич ҳайвонлар билан олишган. Омма яраланган гладиаторнинг тирик қолиши ёки ўлдирилиши манзарасини томоша қилган.

98. Римликлар орасида цирк ўйинлари, айниқса 4 та ёки 6 та от кўшилган икки ғилдиракли аравалар пойгаси машҳур бўлган.

99. Римликларда қуйидаги оммавий йирик байрамлар бўлган:

100. Сатурналия – ҳар йили декабр ойида Сатурн худосига аталиб ўтказиладиган байрам бўлиб, у карнавал билан бошланган, байрам вақтида табакавий фарқларга риоя қилинган. Камбағалларга садақалар берилган, бир-бирларига ўзаро тухфалар улашганлар.

101. Луперкалия - худо Фавкага аталиб (чорва ҳомийси), қадимги ҳосилдорлик сеҳргарлиги билан боғлиқ байрам бўлган.

102. Бу байрамни ҳар йили феврал ойида ўтказишган. Шу куни ҳаммани қамчи билан уриб чиққанлар (қамчини фебрица дейилган, шундан феврал ойининг номи келиб чиққан).

103. Мифология соҳасида Рим билан боғлиқ мифлар, чунончи, "Рим дунё маркази", "Рим – доимий шаҳар" сингари дунё устидан Римнинг ҳукмронлик қилиши ғояси алоҳида ўрин тутган.

104. Философия ва бошқа фан соҳаларида ҳам римликлар юнонлар изидан борганлар.

105. Рим тасвирий санъат намояндалари деярлик юнонларнинг асарлари нусхаларини ва ички дунёсини тасвирлаганлар. Рим ёзувчилари романчилик жанрига асос солганлар.

106. Афсонага кўра Римга эр.авв. 753 йили ҳасан-ҳусан Ромул ва Ремлар асос солганлар. Шу вақтдан Римнинг монархия бошқаруви тарихи бошланади. У даврда жамиятнинг муҳим масалаларини халқ мажлиси ҳал қилган. Патрицийларнинг (туб аҳоли) нуфузли оқсоқолларидан "Кексалар кенгаши" тузилиб, уни лотинчада Сенат деб аташган. Дастлаб Сенат ва подшо халқ мажлисига таяниб давлатни идора қилишган.

107. Эр.авв. 510 йили Сенат билан подшонинг қарама-қаршилиги натижасида подшо Таквиний афғарилиб, Римда аристократик Республика бошқарув тизими ўрнатилади. Пуни урушларидан кейин (264-146 йй.) Карфаген мағлубиятга учрагач Рим империясининг ҳудуди анча кенгаяди ва Римнинг обрўси кучаяди. Баъзи олимлар Римга кўчиб келиб ижод қиладилар. Масалан, тарихчи Полибий кўп томлик Рим тарихига доир ўзининг "Тарих" асарини Римда ёзади.

108. Август (эр.авв. 30-14йй) даври тарихчиси Тит Ливий 142 жилддан иборат "Римнинг таъсис қилинганидан кейинги тарихи"ни ёзган. Эр.авв. 1 асрда яшаган Галикарнасс Дионисий "Қадимги Рим ёдгорликлари" деган китоб ёзган. У маданиятшунослик тарихи учун муҳим манба ҳисобланади. Корнелий Тацитнинг "Тарих" китобида 68-69 йиллардаги фуқаролар уруши ва Флавий даври тарихи баён қилинган. Унинг "Йилномалар" номли асарида Август ўлими билан Нерон ўлими орасидаги воқеалар ёзилган.

109. Юлий Цезар ҳам "Галл урушлари ҳақида ёзмалар" ва "Фуқаролар уруши ҳақидаги ёзмалар" номли китобларини ёздириб қолдирган. Бу асарлар Рим тарихини, жумладан, унинг маданиятини ўрганишда муҳим манбалардир.

110. Юнон адабиёти таъсирида бир қатор шоирлар ва драматурглар пайдо бўлади. Улар ичида Плавт ва Теренцийларнинг комедиялари ҳозирга қадар етиб келган. Ливий Андроник Гомернинг "Одиссея"сини лотин тилига таржима қилган. Бу давр шоирларидан Луцилий турмуш мавзулари бўйича шеърлар ёзиб, ўта бойлик орқасидан қувувчи ҳасислар устидан кулган.

111. Эр.авв. 27 йили Рим республика номи билан аталсада амалда авторитар бошқарувидаги империяга айланди. Биринчи император, принципат (шу сабабли империяни принципат деб аталган) бўлган Октавианга Сенат Август унвонини – "Муқаддас киши" деган фахрий ном берган. Октавиан давридан бошлаб бутун Апенин ярим ороли Италия деб атала бошлаган. Беш аср давом этган Рим империясида Август даври (эр.авв. 20-14 йй) Рим маданиятининг олтин даври ҳисобланади.

112. Бу даврда Рим фалсафасида Эпикуризм, Стоицизм ва Неоплотонизм оқимлари кенг ёйилади.

113. Эпикуризмнинг кўзга кўринган вакиллари Лукреций ва Цицеронлар эдилар. Лукреций Кар "Тутам нарсалар ҳақида" поэмасида юнон файласуфлари изидан бориб, табиатдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларнинг атом заррачаларидан ташкил топганлигини таъкидлаган. Эпикуризм ердаги ҳаётдан хурсанд бўлиш, ҳузур-ҳаловатда яшашга ундаган, кишининг вафотидан кейин ҳечқандай ҳаёт йўқлигини таъкидлаган. У кишиликнинг энг қадимги даври ҳақида шундай ёзади:

"Одамлар ўт билан муомалани билмасди
ҳали,
вахший ҳайвонларни қувишарди ўрмонга,
ва оғир тўқмоқ билан уриб уларни
тошбўрон қилишарди бермасди омон."

114. Лукреций диний эътиқодларни инсон тафаккурини жиловловчи юганга ўхшатади. У табиат, жамият ва кишилар ҳаётида содир бўладиган воқеаларнинг сабабларини илмий асосда тушунтириб беришга ҳаракат қилган.

115. Цицерон Рим маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. У буюк философ, нотиклик назариётчиси ва сиёсатчи эди. У ўз асарларида юнон фалсафа мактабларининг барча оқимларини оммалаштиришга интилади. Рим стоицизмнинг вакиллари Сенека, Эпиктет ва император Марк Аврелийлар бўлиб, уларнинг учаласи ҳам фалсафани инсоннинг дунёвий лаззатлардан воз кечиб, ахлоқий етукликка етишиши тўғрисидаги таълимот деб тушунар эдилар. Стоицизмлик христианлик таълимотининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган.

116. Империя даврида фанлар ривожланиши кузатилади. Катта Плиний, Птоломей ва Гален таниқли олимлар эди. Катта Плиний томонидан 37 томлик "Табиий фанлар тарихи" асари яратилди. Бу асар ўша даврда табиий фанлар энциклопедияси ролини ўйнаган.

117. Птоломей дунёнинг геоцентрик тузилиши тўғрисидаги таълимотга асос солди. Унинг "Алмагест" асари астрономик билимлар бўйича қомус эди. У оптика, математика ва география соҳаларига доир асарлар ҳам ёзган.

118. Қадимги дунёнинг машҳур табибларидан Асклепиад, Корнелий Цельс, Клавдий Гален бўлиб, уларнинг ичида Клавдий Гален (131-201 йй.) машҳур эди. Дастлаб у гладиаторлик мактабида ишлаб, сўнг Рим императори саройида табиблик қилган. Клавдий Гален 400 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг "Табиблик санъати", "Даво усуллари", "Дориларнинг тартиби ҳақида" асарлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

119. Унинг асарларидан, жумладан, бобокалонимиз Ибн Сино ҳам фойдаланган.

120. Яратилган ёдгорликлар ичида Колизий ёки Флавий амфитеатри алоҳида ажралиб туради. У гладиаторлик жанги ва бошқа оммавий томошалар учун қурилган бўлиб, 50 мингдан ортиқ кишини сиғдиради эди.

121. Империя даврида Вергилий Чўпонлар ашулаларининг тўплами "Буколикалар" асарини ва "Георгики" номли поэмасини ёзиб, унда деҳқонларга

маслаҳатлар беради ва табиат гўзаллигини куйлайди. Унинг тугалланмаган таниқли поэмаси "Энейда" бўлиб, унда Римнинг афсонавий бош фуқароси Энеянинг саргузаштлари куйланади.

122. Овидий ўзининг "Ишқ санъати", "Дард-аламлар" ва "Понтдан мактублар" номли асарларида Август давридаги аслзодалар турмушини танқид остига олиб, Август ғазабига учраган. Бошқа асарларида эса ўз қайғу-аламини ва меҳнаткашларнинг оғир турмушини акс эттирган. Шу боис Қора денгиз бўйидаги Тома шаҳрига сургун қилинган.

123. Эрамизнинг I асридан бошлаб Римликлар айниқса уларнинг юқори табакалари, зодагонлари ҳаётида маънавий қашшоқлик жараёни кучайиб борди. Рим императорлари Калигула ва Нерон қаҳри қаттиқлик ва маънавий бузуқлик рамзларига айланадилар. Маънавий бўшлиқ ва инқироз Рим жамияти ҳалокатининг бош сабабларидан бирига айланди.

124. Италиядаги қашшоқ ва мазлумлар яхши яшаш ва озодликка эришиш учун ўз худоларига илтижо қилиб келганлар. Лекин бу илтижолар уларнинг ахволини яхшиламаган. Бора-бора мазлумлар орасида эски маъбуд ва маъбудалар ва худоларга ишончсизлик вужудга келган. Мазлумлар орасида ўзларига озодлик келтирадиган, золимларни эса жазолайдиган қудратли худога ишониш туйғуси вужудга кела бошлаган. Бу худо ва унинг дастлабки пайғамбари Исо Масих эди. Исо пайғамбар номи мусулмонларнинг илоҳий китоби "Қуръон"да ҳам учрайди.

125. Шарқ йилномаларига кўра Исо пайғамбар милоднинг 25 декабрида Биби Марямдан туғилган бўлиб, улғайгач мўжизалар кўрсатиш қобилиятига эга эканлигини "Евангелие" ("Хушхабар")да ёзилган.

126. Насронийлик (христианлик) динининг асосида якка худо Ийсус Христосга ишонч, севиш ётади. Христиан динида ҳамма одамлар худо олдида тенг деб эълон қилинади. Улар худо дунёни 6 кунда яратган деган ривоятни қабул қилганлар. Христиан дини дастлаб, мазлумларнинг ҳимоячиси, аслзодалар ва бойларни инсоф ва адолатга чақирувчи, келажакда мазлумларни қуллик ва қашшоқликдан озод қилишга ваъда берувчи дин сифатида эътироф топган.

127. Дастлабки христиан жамоалари таркибий тузилиши жиҳатидан энг демократик тарзда бўлган. Унга майда ҳунармандлар, қуллар ва барча мазлумлар кирар эди. Улар бир-бирларини ўзаро ака-сингил деб аташар эдилар.

128. Платон ғоялари Христианлик динига асос қилиб олинган эди. Икки аср мобайнида христиан дини мазлумлар динидан аста секин ҳукмрон синфлар мафқурасига айланади ва унга янги талқинлар киритилади. Масалан:

☐ бойлар ҳам меҳрибонлик қилишса жаннатга тушишлари мумкин;

☐ ўзларининг хўжайинларига итоатда бўлиш ва сабр қилиш ва ҳоказо.

129. 313 йили император Константин христианларни эркин йиғилишларига рухсат беради ва черковлар қурилишига маблағлар ажратади. Христианлик давлат динига айлана боради.

Христиан жамоаларининг таркибий тузилиши:



395 йили Рим империяси икки қисмга, Шарқий ва Ғарбий қисмга ажралиб кетади. 476 йили эса римликларнинг герман қабилаларининг қўшинидан навбатдаги мағлубияти натижасида охириги император Ромул Августинни тахтдан туширилади. Натижада Ғарбий Рим империяси барҳам топади. Лекин Рим маданияти ўзининг Рим ҳуқуқи, архитектура, адабиёт фанлари бўйича эришган ютуқлари жаҳон маданиятида ўз ўрнини эгаллади ва ҳозиргача яшаб келмоқда, инсонларни ҳайратга солмоқда.

3. Қадимги Хитой, Хиндистон ва Византия маданияти.

130. Хиндистон ҳақли равишда Қадимги Шарқнинг юксак маданиятли мамлакатларидан биридир. Хиндистон ярим ороли қадимдан табиий ранг-баранглик, бой ўсимлик, ҳайванот ва қимматбаҳо ер ости бойликларига эга бўлган. Ярим оролда сер сув Ҳинд ва Ганг қаби дарёлар мавжуд.

131. Мил. авв. V минг йилликнинг охири IV минг йилликдан бошлаб Ҳинд дарёси водийсида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик вужудга келган. IV минг йиллик ўрталарига келиб бу жойда ўзига хос энг Қадимги ҳинд маданияти вужудга келган. Деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик, савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида кишлок ва шаҳарлар пайдо бўлган. Ниҳоят, Ҳинд дарёси ва унинг Панжоб вилоятида Қадимги давлатлар юзага келади. Бу давлатларнинг Моҳинжо-Даро, Хараппа қаби катта шаҳарлари бўлган. Моҳинжо-Даро ҳозирда Покистон ҳудудида жойлашган бўлиб, шаҳарнинг майдони 270 гектардан иборат. Бу ердан археологлар кўчалар, пишик ва хом ғиштдан қурилган турар жойлар, саройлар, омборхоналар, ибодатхоналар ва подшо қароргоҳининг қолдиқларини топишган. Шаҳарда пишик ғиштдан қурилган сув тармоғи ва канализация ҳам бўлган. Бадавлат кишиларнинг уйлари, шунингдек ибодатхоналар 2-3 қаватли қилиб пишик ғиштдан 4,5 минг йил аввал қурилган.

132. Хараппа шаҳридан археологлар 500 га яқин ёдгорликлар топишган. Шаҳар қурилиши Моҳинжо-Даро билан деярли бир хил. Шаҳарда меъморчилик, тўқимачилик, қулолчилик, тоштарошлик, заргарлик, қурулсозлик анча ривож топган. Хараппаликлар ўзларининг иероглиф ёзувларига ҳам эга бўлган.³ Иккала

шаҳарда ҳам йирик ғалла омборлари топилган бўлиб, бу давлатни марказлашганлик даражасини кўрсатади. Ҳиндлар дунёда биринчи бўлиб пахтадан мато тўкиб, кийимлар тикканлар, чунки шаҳардан кийим тикиш, курулсозлик устахона колдикларни топилган. Хараппа сув йўли ва куруклик оркали шумерлар билан савдо алоқалари олиб борган илк кулдорлик давлати эди.

133. Мил. авв. II минг йиллик ўрталаридан бошлаб Эрон ва Турон оркали Ҳиндистонга кўчманчи, чорвадор орий кабилалари бостириб киради. Улар Ганг ва Панжоб дарё воҳаларининг унумдор ерларига келиб ўрнашганлар ва кейинчалик маҳаллий халк билан аралашиб кетганлар. Орийлар билан маҳаллий халк ўртасидаги конли жанглар ҳиндларнинг халк оғзаки ижодиёти намуналари бўлган "Маҳобхарат" ва "Рамаяна" дostonларида ҳам акс эттирилган.

134. Ҳиндлар ўзларининг кадимий ёзувларига эга бўлганлар. Уларда астрономия ва математика ҳам анча ривож топган. Ҳиндлар куёш ва сув соатларидан фойдаланганлар, ўзларининг таквимларини тузганлар. Халк оғзаки ижодининг юксак намунаси – Ведалар, гимнлар, кўшиқлар, афсункор ва диний дуолардан иборат тўплам тузилган. Ведаларда ҳаёт ва ўлим масалалари бўйича фикр юритилади. Бу таълимотга кўра жон доимо бўлади ва у киши вафотидан кейин бошқа танага ўтади. Ҳиндларнинг Веда таълимоти инсон мутлоқ жон билан кўшилиши, ўз жонини бошқараолмаслиги, бу жуда кийин бўлишига карамай унинг мумкинлиги тўғрисида фикр-мушоҳада юритилади. Ана шу таълимот асосида йога ҳаракати келиб чиққан.

135. Ведаларда Кадимги Ҳиндистон аҳолисининг Варналарга (касталарга) бўлиниши ҳақида ҳам таълимот бор. Шу таълимот асосида Кадимги диний эътикод, Брахманизм пайдо бўлган. Брахманизм Кадимги диний эътикодлардан бири бўлиб, мил. авв. IX-VIII асрларда вужудга келган. Бу эътикодга кўра, Худо Брахма оламни ва одамни яратган деб ҳисоблаган. Ҳинд руҳонийлари брахманлар деб аталганлар. Брахманларнинг таъкидлашича, худо одамларни ўз танасининг турли қисмларидан яратган. Хусусан, худо ўз оғзидан брахманларни; кўлларида кшатриларни – жангчи, рожаларни; сонларидан вайшюклар - ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонларни; лойга беланган оёқлардан эса шудралар, яъни хизматкорларни яратган деб, таълим берилади. Шулардан кейин эса энг паст тоифа - ҳазар қилинадиганлар яралган. Шундай қилиб, брахманлар таълимотига кўра, худо одамларни турли тоифаларга – касталарга бўлиб, бола қайси кастадан туғилган бўлса, у умри бўйи ўша тоифада қолиши керак бўлган. Тоифаларни аралашиб кетишига йўл қўйилмаган.

136. Мил. авв. VI асрда Ҳиндистонда буддизм дини пайдо бўлади. Бу таълимотнинг асосчиси Гаутама Шакьямуни. У шимолий Ҳиндистонда мил. авв. 566-476 ёки 563-473 йиллари яшаган. Будда сўзининг санскритча (олий билимларни эгаллаган, ҳақиқатга эришган) маъносини беради. Буддизм брахманизмдаги одамларни касталарга бўлинишини қоралаб, жамиятдаги барча кишилар тенг бўлишини эътироф этади.

137. Буддизм таълимоти тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган:

1. Турмуш азоб-укубатлардан иборат;

2. Азоб-укубатлар сабаби – кишиларнинг истаклари ва нафсларидир;

3. Азоб-укубатдан кутилиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини тийишлари керак;

4. Азоб-укубатлардан ҳалос бўлиш учун Будда кашф этган коидаларга амал килиши керак.

138. Буддизм таълимоти асосида бошқа одамларга нисбатан яхши инсоний муносабатда бўлиш, бошқа тирик мавжудодга нисбатан зўравонлик ишлатмаслик, айникса, ўлдиришни маън этиш ғояси ётади. Демак, инсон ахлокида гуманизм асосий ўрин тутди.

139. Мил. авв. III асрда подшо Ашока томонидан Буддизмни қабул қилиниши билан у давлат динига айланди. Буддизм динининг нодир бир томони бу, бошқа динларга нисбатан мурасасозлик қилишдир.

140. Эрамизнинг I асрида Буддизм Марказий Осиё орқали Хитойга, Хитойдан Корея, Япония, Мўғилистон ва Тибетга тарқалади.

141. Мил. авв. III-II минг йилликларидаёқ Ҳиндистиндонда ҳисобнинг ўнли тизими таркиб топган эди. Шунингдек нолни билдирадиган белги биринчи Ҳиндистонда ишлатилган. Бу янгиликни дунёга оммалаштирган сиймо бу буюк ватандошимиз Ал Хоразимийдир.

142. Табобат оламида ҳинд арбоблари касалликни аниқлаш ва уни даволашда катта ютуқларга эришганлар. Даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар 1000га яқин бўлиб, силаш, укалаш, ванна қилиш, жарроҳлик усулларида кенг фойдаланганлар. Ҳинд кимёгарлари бўёқ ва турли кимёвий моддаларни кашф этганлар. Ҳиндистон шахмат ўйинининг ватани ҳисобланади.

143. Меъморчиликда ҳам катта ютуқларга эришилган. Ҳинд усталари ғишт ва бошқа буюмлардан ажойиб иморатлар, саройлар қурганлар. I-VII асрларда Бомбей яқинида тоғни ўйиб, 24 та ғор монастирлари ва 5 та ибодатхона қурилиши, яъни Ажанта мажмуаси дунё маданиятида архитектура, ҳайкалтарошлик ва тасвирий санъатнинг ўзига хос синтези ҳисобланади. Чунки унинг қурилишида юқорида кўрсатилган санъат турларининг ҳаммасидан фойдаланилган. Мил. авв. 950 ва милоднинг 1050 йиллари давомида Чанделлас сулоласи даврида қурилган Входжурахо-эртақсифат севги байрами ибодатхонаси ўзининг ажабтовур кўриниши жиҳатидан қовунга ўхшайди. Ҳиндлар ўша даврдаёқ ҳайкалтарошлик соҳасида ўзининг нозик дид, улуғворлик ва инсонпарварликни тараннум этувчи, кишини ҳайратга солувчи асарларни яратганлар. Буларга худо Вишна (Кришна) ва Шива тимсолидаги ҳайкалларни нисбат бериш мумкин.

144. Ҳинд маданияти Ўрта Осиё, Хитой сингари қўшни мамлакатлар халқлари маънавий ҳаётига ҳам маълум даражада таъсир кўсатган.

145. Шундай қилиб, Қадимги Ҳиндистон маданияти жаҳон цивилизациясининг Қадимги бешиқларидан бири сифатида шуҳрат топиб, у жаҳон маданияти ривожига ўз самарали таъсирини кўрсата олган.

4. Қадимги Хитой маданияти.

146. Хитой Марказий ва Шаркий Осиёдаги энг Кадимги давлат. Табиати кескин ўргатувчан ва мутадил. Марказий Хитой тоғларидан бошланиб Тинч океани ҳавзаларига куядиган Хуанхэ (Сарик дарё) ва Янцзи дарёлари Шаркий Хитой пасттекислиги оркали окиб ўтади. Ёғингарчилик вақтларида Хуанхэ дарёси тошиб, кўплаб ташвишлар келтирганлиги учун унга хитойликлар "Тентак дарё", "Хитойнинг шўри", "Минг хил кулфат келтирувчи дарё" деб ном беришган. Шу дарёларнинг бўйларидаги ерлар унумдор бўлиб, илк деҳқончилик вужудга келган. Бу ўлка кадимдан ўсимликлар ва ҳайвонот оламига бой, ер ости казилма бойликлари ҳам машҳур бўлган.

147. Хитой цивилизацияси мил.авв. 3 минг йиллик охирида шаклланди. Хитой тарихини тарихчи Сима Цян ўз "Тарихий хотиралар" асарида сулолавий даврларга бўлган. Кадимги Хитойда кўхна Месопатамия ва Миср сингари кадимий ўзига хос маданият яратилган.

148. Хитойликлар Шань сулоласи даврида (мил.авв. 2 мингинчи йил ўрталарида) иероглиф ёзувини яратганлар. Бу ёзув бир неча ўн минг белги-иероглифлардан иборат. Милоднинг I асригача бу иероглифлар ҳозирги ёзув кўринишига эга бўлди. Кадимги Хитой ёзуви асосида кейинчалик Корея, Вьетнам ва Япон ёзувлари пайдо бўлди.

149. Чжоу даврида Хитойда металл тангаларни (дунёда биринчи марта) муомалага чиқарилди.⁴ Денгизларда сузиш учун компас ихтиро қилинган (унинг стрелкаси Шимолни эмас, Жанубни кўрсатган). Дунёда биринчи бўлиб, Хитойда порох ихтиро қилинган бўлиб, ундан байрамлардаги мушакбозлилар фойдаланилган. Артилерия, милтик, арбалет-милтиklar ҳам дастлаб Хитойда яратилган.

150. Мил. авв. I аср охири ва янги аср арафасида хитойликлар латта, пўслоқ ва бамбук аралашмасидан қоғоз тайёрлаганлар. Қоғоз ёғоч, бамбук ва шойига караганда арзон бўлиб, у ёзиш ва сақлаш учун кўлай ҳисобланган. Қоғознинг ихтиро қилиниши маориф, фан, маданиятнинг ривожланиши ва давлат ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

151. Буюк Хитой девори қурилиши мил. авв. IV асрда бошланиб, шимолдаги Хунн қабилаларининг ҳужумларидан сақланиш ва савдо-сотик ишларини кўзлаб қурилган. Девор Леодун қўлтиғи қирғоғидаги Шайхайгуан шаҳридан бошланиб, ғарбда Дуньхуан қалъасигагача давом этган. Деворнинг умумий узунлиги 5.000-6.000 км., унинг баландлиги жойига қараб 6-10 метр, қалинлиги 5,5-7 метр бўлиб, ҳар 60-100 метрда мустаҳкам миноралар қурилган.

152. Хитой ажойиботларидан яна бири, бу ипакнинг кашф этилиши ва Буюк ипак йўлига асос солинишидир. Император рафикаси Си-Лингчи томонидан мил. авв. 2600 йили ипакнинг кашф этилиши ва мил. авв. 128 йили Хитой сайёҳи-дипломати Чжан-Цзянь томонидан Буюк ипак йўлига асос солиниши катта тарихий ўзгариш бўлган.

153. Буюк ипак йўли биргина савдо-сотик билан чекланибгина қолмай у айни пайтда дипломатия, диний ва маънавий кадриятларни тарқатиш йўли ҳам эди. У Шарқ ва Ғарб цивилизациясини боғловчи йўл бўлиб, унда Марказий Осиё халқлари воситачилик ролини ўйнаганлар.

154. Шунингдек бадий маданият Бобил, Миср, Ҳиндистонда динга тобелик хусусиятига эга бўлган бўлса, Хитойда бадий асарлар кўпроқ дунёвий йўналишга эга бўлган. Масалан, Конфуций таълимотига кўра "Ши цзинь"га ("Кўшиқлар китоби"га) мадҳиялар, одалар, хулк ва урф-одатлар масалалари киритилган. Шеърят лирикасида ва тасвирий санъатда табиат гўзаллиги ҳар бир кишига тушунарли тарзда ҳаётий, завқ берувчи тарзда тасвирланган. Ҳайкалтарошлар димоғдор амалдор, лаганбардор хизматчи ва ҳолдан тойган кулларнинг оғир меҳнатини маҳорат билан акс эттирганлар.

155. Қадимги Хитой табиблари касаллик ва жароҳатларни даволашда укалаш, игна санчиб даволашдан, ўсимлик ва ҳайвонлардан ҳосил қилинадиган дорилардан, хусусан женьшен, кийик шоҳидан олинадиган панти, чой ва бошқа дори-дармонлардан кенг фойдаланганлар. Ўша даврдаёқ Хитой тиббиётида мингдан ортик дорилар бўлган. Қадимги Хитой табиблари ичида Ва Шу Хе, Бан Цю ва Хуа Ту лар машҳур бўлган. Ван Шу тиббиётга оид "Ней-Цзин" ("Одам табиати ва ҳаёти"), Бан Цю эса "Кийинчилик ҳақида китоб" каби асарлар ёзганлар.

156. Мил. авв. XII-VI асрларда Хитойда дунёни мифлар орқали тасаввур қилишдан фалсафий мушоҳада қилишга ўтилади. Фалсафа ўзининг "олтин аср" деб номланган ўша даврнинг чўккисига чиқади. Фалсафий қарашлар ичида иккитаси муҳим аҳамиятга эга.

157. Булардан биттаси Конфуцийлик бўлиб, унинг асосчиси Кун-цзи эди. У мил. авв. 551 йилда зодагон оилада туғилган бўлиб, 15 ёшидан ўзи мутоала қилиб маълумот олган. Унинг таълимотида Қадимги урф-одатлар ва уларга тўла риоя қилиш муҳим ўрин тутди. Ҳамманинг уларга амал қилиши жамиятни ҳалокатдан қутқариб, уни гуллаб-яшнашига олиб келади деб уқтирилади. Давлат тўғрисидаги таълимотда "... агар подшо ҳақиқий подшо ўрнида бўлса, фуқаролар-фуқаро ўрнида, ота-ота, она-она ўрнида, бола-бола ўрнида бўлсагина давлат гуллаб-яшнайди" дейилади. Агар давлат ўз номига муносиб бўлса, унда етарлича озик-овқат, етарлича кўшинлар бўлиши ва унга ишонч бўлиши зарурлиги кўрсатилади.

158. Конфуцийлик таълимотида қуйидаги ахлоқ нормалари белгиланади:

1. Ўзинг орзу қилган ютуқларга эришиш учун, бошқаларнинг ҳам шунга етиши учун уларга ёрдам бер;

2. Ўзингга макбул бўлмагани, бировга раво кўрма.

159. Конфуций мил. авв. 479 йили 72 ёшида вафот этган. Унинг таълимоти Хитойда ва унинг ташқарисида ҳозиргача ҳам машҳурдир.

160. Иккинчиси, Даосизм таълимоти, унинг асосчиси – Лао Цзи бўлиб, унинг таҳаллуси "Доно қария" бўлган. Даосизм таълимотининг марказида табиат, космос, инсон туради. Дао – кўринишларга эга бўлмаган танасиз, абсолют куч. Дао ҳамма нарсаларни, шу жумладан дунёни яратган. Дао бўйича дунё доим ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда бўлади.

161. Кадимги Хитойда адабиёт ҳам анча ривож топган. Аввало халк оғзаки ижоди, кейинчалик ёзувнинг келиб чиқиши билан ёзма адабиёт ҳам ривожланган. Жумладан, халк кўшиклари асосида "Ши-цзин" тўплами, тарихий, фалсафий "Чун-цю" (Баҳор ва куз) китоблари диккатга сазовор.

162. Кадимги Хитой тарихчилари ичида мил. авв. 145-90 йилларда яшаган Сим Цян машҳур бўлиб, юкорида кайд килинган "Тарихий хотиралар" асарини ёзган. Унда Хитойнинг энг Кадимги давридан II асргача бўлган даври ёритилган. Милоднинг 32-92 йилларида яшаган Бан Гу ўзининг "Хан подшолиги тарихи" асарини ёзган.

163. Кадимги Хитойнинг кулолчилик маҳсулотлари, айникса чинни буюмлар ҳозиргача ўзининг нафислиги, бетакрорлиги, пишиклиги билан ажралиб туради. Уларда ишлатилган ранг, танланган манзаранинг гўзаллиги кишини лол қолдиради.

164. III асрга келиб ягона Хан подшолигининг Вей, Шу ва У каби майда учта давлатларга бўлиниб кетиши билан Кадимги Хитой даври тугайди ва ўрта асрлар даври бошланади.

Шундай қилиб, Кадимги Хитой ўзига хос бетакрор маданият билан жаҳон маданиятини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди. Унинг таъсири айникса Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида кучлироқ акс этди.

4. Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё Фарғонанинг тош даврига оид маданий ёдгорликлари.

Марказий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллағачон муносиб баҳо берган. Ҳатто Бактрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқларининг қадимги маданияти ҳам жаҳонни хайратга солмоғда. Марказий Осиё минтақасининг қадимги маданиятини ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлсада, тадқиқотчиларнинг бу маданиятининг ўзига хослиги ва бой мазмуни лол қолдирди. Марказий Осиё маданияти Ғарб ва Шарқнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган ҳолда ўзига хос индивидуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тарафғиёт учун ҳам негиз бўлиб қолади.

И.А. Каримов айтганларидек, – «Модомики, ўз тарихини билган, ундан рухий ғувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халғимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур».

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жугрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маданиятшунослик ҳар қандай маданиятнинг шаклланишидаги ўзига хос алфозни жой манзараси, иқлими, биосфера омилларининг аҳамияти борлигига алоҳида эътибор беради. Марказий Осиё минтақасининг табиати турли хиллиги билан катта фарғ ғилади. Бу ерда серхосил водий ва вохалар, серсув дарёлар, қакроқ чўллар, дашту адирлар, Памир ва Тангритоғининг баланд музофатлари билан ёнма-ён жойлашган. Бундай хусусият

дехқончилик, чорвадор, тоғда яшовчи қабила ва халқлар хўжалик тарзи ва ўзига хос маданиятларининг шаклланиши учун имконият яратди.

«Қадимги цивилизация» деб номланган рисолада Марказий Осиё маданиятининг икки хусусияти кўрсатилади: бир томондан, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида, иккинчи томондан, қадимги цивилизацияларининг бошқа ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиши. Бу хусусиятларни батафсил кузатадиган бўлсак Марказий Осиё маданиятининг шаклланиш жараёнлари яққол намоён бўлади.

Марказий Осиёнинг серхосил водийси, чўл ва дашти, тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитидаги фарқлар турли хўжаликларнинг эртароғ пайдо бўлиши ўзига хос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Бу жараён яқин қўшинчилик муносабатлари асосида содир бўлиб, қабила ва халқларнинг иғтисодий ва маданий алоқалари туфайли тараққиётнинг эртароқ бошланишига имкон яратди. Энг қадимги даврлардан дехқончилик, чорвачилик ва тоғ овчи қабилалари ўртасидаги махсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иғтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам у узоқ сақланиб қолди. Турмуш тарзи ва хўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик жудаям уйғунлашиб кетганлиги қадимги Юнон ва Хитой манбаларида ҳам қайд қилинган. Марказий Осиё халқларининг кучли иғтисодий алоқалари, этник ва тил бирлиги уларнинг бири-биридан айрича яшашига йўл қўймади.

Натижада қадимги Шарқнинг классик маданияти орасида Марказий Осиё Қадимги маданияти ажралиб, ўзига хос кўринишда шаклланади. Дастлаб, бу маданиятда икки хил маданият аралашиб кетади: кўчманчилик ва ибтидоийлик олами ҳамда цивилизация олами; Бу ердаги қадимги маданиятларга хос маданиятларнинг ўзаро мулоқотида акс таъсир кўрсатган «ўзининг бетакрорлиги» ҳақидаги тасаввур шаклланмоқда.

Марказий Осиёнинг ўтроқ дехқончилик ва кўчманчи халқларида анча-мунча фарқлар бўлишига қарамасдан илгаридан яқин муносабатлар ўрнатилган. Диний эътиқодлар, урф-одатлар, фольклор, ахлоқий меъёрлардаги умумийлик маданий умумийликнинг шаклланишига олиб келган. Шунинг учун, бундан кейин Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил қилувчи турли субмаданиятлар мавжудлиги ҳақида тўхталиш жоиздир: қадимги давлатлар суб маданияти (Бақтрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна), дашт кўчманчилари-сак, массагет, да-коччилар тубмаданияти, Памир ва Тангри тоғ ғабилаларнинг тубмаданияти.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг иккинчи жиҳати минтақанинг ўта қулай жугрофий ўрнашганлиги билан боғлиқ. Минтақа Месопотамия, Хиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарқ цивилизацияси билан бевосита чегарадош бўлиб, ғарб цивилизациясига хос бешинчи-Греция ва Рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва ғарб ўртасида воситачилик миссиясини бажаришига сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий соҳаларда ҳам Марказий Осиё ғарб ва Шарқ ўртасида боғловчи кўприк вазифасини бажарди. Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди орқали буддизм бутун дунёга ёйилди, Хиндистон ва Хитойга эллинистик маданият кўринишлари ўтди,

Шарқдан Ғарбга ва ғарбдан Шарқга маданий бойликлар (билим, диний ғоя, кашфиёт, бидий асарларнинг) алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошқа маданий қадриятларини янгилаши, ўзлаштириш маҳорати ва қайта ишлаш каби жиҳатларисиз бўлмас эди. Бу маданият қадимдан янги ходисаларни ўзлаштириш ва мослаштириш маҳоратига эга бўлди. Гарчи, бошқа қадимги Шарқ маданиятларидаги каби Марказий Осиё маданиятида ҳам анъаналар кенг ўрин эгалласада, улар айтарли характер касб этмайди, яъники, узлуксиз маданий янгиланиш ва тараққиёт жараёнига тўсиқ бўлмайди. Шунингдек, анъаналарнинг мустаҳкам ҳукмронлиги тарихий вазиятга ҳам тўсқинлик қилганлигини таъкидлаш керак. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчишлари юз берган бўлиб, бу Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

5. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида қадимги давр меъморчилиги ва санъати.

Афсуски, кўпгина урушлар Марказий Осиё маданиятининг қадимги тараққиёт давларининг беҳисоб далилларини йўқ қилди. Археолог қазилма маълумотлар ва ёзма манбалар милоддан аввалги I-минг йиллик бошларида вужудга келган Марказий Осиёнинг илк давлатлари Бактрия, Суғд ва Хоразм маданияти ҳақида бир оз маълумотлар беради. Милоддан аввалги VIII-VI асрларга оид Афросиёб (Самарқанд), Сурхондарё воҳасидаги Қизилтепа, Қашқадарё воҳасидаги Ўзунғир, Хоразмдаги Кизиликер каби қадимги шаҳарларда ўтказилган тадқиқотлар мураккаб ижтимоий тузилма ва маданиятнинг юқори ривожланганлигини кўрсатади. Бу шаҳарлар мудофа деворлари ва сув таъминотидан иборат кучли истехком тизимига эга бўлиб, ичида хунармандлар мавзеи жойлашган. Айрим шаҳарларда сарой қолдиқлари қалъалар топилган. Қадимги давлатлар ҳўжалигининг асосий соҳаси ҳисобланган дехқончилик тараққиётининг даражаси ҳақида кўп тармоқли суғориш тизимининг мавжудлиги бунга далилдир. Марказий Осиё давлатлари Қадимги Шарқ мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатган. Мидия ва Оссуриянинг сиёсий тарихида фаол иштирок этиб, хунармандчилик буюмлари ва хом ашё билан (ложувардд, олтин, мис билан) савдо сотиқ қилганлар. Бу ҳақда Оссурия ва қадимги Юнон ёзма манбаларида гапирилади. Хусусан, Бактриянинг йирик шаҳарлари, кўп сонли аҳолиси ҳақида Бактрия шоҳи Оксартнинг афсонавий бойлиги ҳақида Ктесий Книдский (Мил. авв. V-IV асрлар) ёзиб қолдирган.

Кўчманчи массагетларнинг удуми ва турмуш тарзи ҳақида машҳур қадимги Юнон тарихчиси Геродот (мил. ав. V аср) ёзиб қолдирган. У массагетларнинг ҳарбий қуроллари (камон-ёйи, найзаси, ойболтаси) да олтиндан безак сифатида, мисдан қурол ва совут учун кенг фойдаланишини таъкидлайди. Геродотнинг ёзишича, массагетлар ягона маъбуд қуёшга топиниб, отни қурбонлик қилганлар.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг маънавий маданияти ҳақидаги билимларнинг бебаҳо манбаси «Авесто» ҳисобланган. «Авесто» сўзининг мазмуни умумий изохга эга эмас., кўпинча «Асосий матн» сифатида таржима қилинади. «Авесто» дунёдаги энг қадимги динлардан бўлган зардуштийлик тарафдорлари учун

муқаддас калима ҳисобланиб, пайғамбар Зардушт тўпланганларга ундан ваъз ўқиган. Унинг ҳаёти даври мил. ав. IX-VI асрлар атрофида дейилади. «Авесто» ва унинг бошқа матнларининг тўпланиши кўп асрлар давомида амалга оширилган. «Авесто»нинг энг қадимги матнлари мил. ав. II- мингинчи йилларга тааллуқли, «Авесто»нинг миллидий VII асрга тегишли бўлган тўплами турли мазмундаги 21 китобдан иборат бўлиб, унда ўша даврнинг барча билимлари жамланган. Зардуштийлик анъаналарига кўра бу ёдгорлик Эзгулик ва Ёруғлик худоси Ахурамазданинг Заратуштрага ваҳийси ҳисобланади. Бироқ, унда қадимги мифологик тасаввурлар, мифларнинг кенг тарқалиши, қахрамонлик эпик ривоятларидан парчалар ҳам тасвирланади. Шунингдек диний йўл-йўриғ «пайғамбар давридан» кейин зардуштийликнинг ривожланган «эътиғод рамзи» юзага келди. ҳозиргача «Авесто»нинг айрим ғисмилари, 4 китоби сақланиб қолган:

1. Видевдат- «Девларга қарши қонунлар», бу китобда асосан зардушт ва Ахурамазда ўртасида суҳбат, йўл-йўриқ ва кўрсатмалар мазмунида бўлиб, зулмат ва ёвузлик худоси Ахримани бошқарувчи ёмонлик кучларини қайтариш ҳақида.

2. Виспрат- «ҳамма ҳукмронлар», бу китобда ибодат намозлари тўпланган.

3. Ясна- «Ибодат», «Маросим» китоби худоларга сиғиниш ва мурожаатдан иборат. Яснадаги «Тот»лар номли 17 боб зардуштнинг муқаддас кўшиқларидир.

4. Яшт- «қадрлаш», «ҳамду сано» китоби-худоларни шарафловчи қадимги гимнлар ва эзгулик худоларига ёвузликка қарши кураш ёрдам берувчи кучлар ҳақида. Бундан ташқари, «Авесто» мажмуига «Кичик Авесто» ҳам мансуб, у авесто тилида ёзилган бўлиб, ибодат калималари жойлашган.

Кўпчилик олимлар Зардушт юксак ахлоқий идеалдаги ва ишонтирувчи фикрлари билан биринчи ҳаф пайғамбар эканлигини таъкидлайдилар. Зардушт таълимотига мувофиқ барча қуруқликнинг ўзгармас ибтидоси Арта бўлиб, «Авесто»да ҳақиқат, олов рух дейилади. Ахурамазда тартибни сағловчи осмон худоси ёруқлик ва эзгулик ҳисобланган (оҳура-хўшайиш, эга; мазда-идрокли, билимдон). Ахурамазданинг ўғли -Атар (олов), унинг ватани булутлардек ғуриган сувлар, унинг макони-худудсиз ёғду. Охурамазда 6 та руҳни- ёрдамчиларни яратди (амеша спента): эзгу ақл, яхши тартиб, лаёқатли қудрат, олижаноб мўминлик, соғломлик ва боқийлик. Унга Ахураманинг зулмат кўшини-девлар, урушлар тимсоли, очлик, қассаллик, адоват ва бошқа ёвуз кучлар қарама-қарши туради. Олам ва барча инсоният ҳаётининг асосида эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий кураш ётади.

Зардушт таълимотининг улуғлиги шундаки, у ҳар бир кишига танлаш имконини беради. ҳар ким ҳам ёвузликни йўқ этиш ва эзгуликнинг ҳукмрон бўлишида иштирок этиши мумкин, бу ишда барча бир хилда тенгдир. Шу тариқа ерда илгари бўлмаган жаннат -олтин аср тикланади. Унда совуқ, ҳам жазирама ҳам, қарилик ҳам, ўлим ҳам бўлмайди. Ёвузлик билан курашда ҳар бир кишининг асосий қуролли меҳнат бўлган. Зардуштийлик ахлоқи кишидан камтарин ва ҳалол меҳнаткаш дехқоннинг барча мажбуриятларини бажаришни талаб қилган (Ким қалла экса, у ҳақиқат тарқатади. Видевдат китобининг «Дехқончилик фазилати ҳақида»бобидан). Фикр, сўз ва ишда тақводорлик, ишчанлик, ҳалоллик, ҳолислик юксак ахлоқнинг асосий талабалари сифатида кўтарилади. «Ясна» китобида

зардўштийликнинг эътиқод рамзи ҳақида дейиладики: «Қасам эзгу фикрни, эзгу сўзни, эзгу фаолият мажбуриятларини бажаришни талаб қилади».

Зардўштийликда биринчи бўлиб эсхаталогик таълимот яратилган, бунга мувофиқ жаҳон тарихи 12 минг йилни ташкил қилади. Бу муддат тугаши билан эзгулик ва ёвузлик кучларининг ҳал қилувчи ёвузлик жанги бошланади. Бутун оламни эриган метал оқими йўқ қилади, бироқ халоскор Саошьянт халок бўлган дунёни ва барча мархумларни тирилтиради, барча гунохкорларни дўзахдан чиқариб Охурумазданинг идеал ҳукмронлигида абадий ҳаёт кечиради. Шу тариқа зардўштийликда биринчи бўлиб охираётдаги жазо, мархумларнинг тирилиши сўроқ кунни ғояси шаклланади. Бу ғоялар Доро I нинг Бехустун ёзувида ва Ксеркснинг Персеполдаги ёзувида ҳам қайд қилинади. Зардўштийлик Марказий ва олд Осиё ҳудудларида минг йиллар давомида ҳукмрон дин бўлиб келди ва шубҳасиз, бу дин христианлик ва ислом каби жаҳон динларининг шаклланишида катта ўрин тутди. Илмий-тарихий, амалий-дидактик ғимматга эга бўлган, ушбу йилда 2700 йиллиги нишонланадиган буюк меросимиз «Авесто»нинг бутун маъно моҳияти инсон тақдири, унинг Истиқболига қаратилган. Жумладан, Тангрига илтижо ва мурожаатларда шундай дейилади: «Ахурамазда яратган яхшилик моясига, соғлом, ақл-хуши тетик фарзандларга, жасур, доно, турли тиллар биладиган ўғил-қизларга, узокни кўра биладиган, юртни бало-қазолардан химоя эта оладиган ўғлонлар, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўз билан кўра оладиган поктийнат авлодларга олқишлар бўлсин»³.

Марказий Осиё цивилизацияси ва маданиятининг мустақил ривожланиши Эрон ахмонийлари томонидан биринчи йирик босқинчилик туфайли тўхтаб қолди. Суғд, Бактрия, Хоразм мил. ав. VI-IV асрларда Ахмонийлар давлати таркибига кирган. Бу империя таркибига кириши, ягона бошқарув, қонунчилик, пул тизимининг ўрнатилиши, оромий ёзувнинг умум давлат миқёсда қўлланилиши. Марказий Осиё халқларининг маданиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Ахмонийлар даврида халқаро савдонинг ривожланиши учун қулай шароитнинг вужудга келиши Марказий Осиё шаҳарларининг тараққиётига муайян имконият яратди. Ахмонийлар ҳукмронлигида мамлакатларга сайёҳлар ва олимлар бориши мумкин бўлди. Худди шу даврда Шарқ мамлакатларига Геродот, Демокрит ва бошқалар саёҳат қилган. Ахмонийлар империясидаги йирик шаҳарлар - Суза, Персепол, Мемфис, Ниппур, Бобилда турли жойлардан хусусан, Хоразм, Бактрия, Суғддан чиққан кишилар, сакларнинг харбий аҳолиси яшаган.

ўз навбатда мил. ав. V асрда Окс дарёсининг ўнг соҳилида Милетлик Юнонларнинг манзилгоҳи ташкил топади. Шу тариқа Ахмонийлар империяси таркибида Марказий Осиё халқлари форслар, мидияликлар, бобилликлар, мисрликлар, юнонлар, хиндлар билан яқин муносабатда бўлиш, маданиятининг ҳам ўзаро таъсирига имкон яратди.

Ахмонийлар империяси маданияти ҳам кўпгина мамлакат халқлари яратган илмий билимлар, диний эътиқодлар, санъат ютуқларининг синтези ҳисобланади. Бу маданиятга Марказий Осиё халқлари ҳам ўзининг хиссасини қўшган. Зардўштийлик Ахмонийларнинг давлат дини сифатида қабул қилиниши билан бирга ғарбга ҳам кенг ёйила бошлади. Ахмонийлар санъатининг Суза ва

³ Ғамидов Х., Асл наслни деб... «Халқ сўзи» газетаси, 2000 й. 21 июнь.

Персеполдаги улкан ёдгорлиги қурилишига Марказий Осиё минтақасидан кўплаб хом ашё келтирилган. Саройлар қурилишига Бактриядан олтин, Суғдан ложувард ва қимматли тошлар, Хоразмдан феруза олиб борилган. 1877 йилда Тожикистоннинг Жанубидан топилган Амударё хазинаси маданий синтезнинг ёрқин мисолидир, хазинада, Эрон ва Бактрияда тайёрланган жихозлар-бежирим олтин аравача, қанотли иккита куш шакли туширилган билакузук ҳамда даштликларга хос «хайвон шакли» битилган жихозлар мавжуд. Марказий Осиё халқларининг маданият муносабатлари жуда кенгайди, шунингдек, маданий қадриятларнинг бойиши ва турли маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёни эса ўз маданиятларини жуда тез ривожланиши ва бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ахмонийлар империяси ва Марказий Осиё ерлари юнон-македонлар томонидан босиб олинган Марказий Осиё маданиятига эллинизм элементлари кириб келди. Ахмонийлар салтанатини емириб ташлаган Юнон-Бактрия босғини Марказий Осиё минтақасини, хусусан суғд маданиятини айлантирди. Илло, Александр Макдуний сипохилярига ҳеч ерда Марказий Осиёдагидек қаршилик кўрсатилмаган бўлса керак. Озодлик ҳаракатини бешавғат махв этган Макдуний ерли аҳолининг кўмагига мухтожлигини сеза бошлади. Вақт ўтиши билан у онгли тарзда барча этник тўсиқларни олиб ташлашга, ўз Салтанати ҳудудида турли халқларни қоришиб кетиши ҳамда ягона маданият ва тил бирлигини қарор топдиришга уринди. Шу мақсадда Мағдуний ўз саройида Шарқ удумлари ва либосларини жорий этди, турли этник гуруҳ вакилларининг никоҳларини кенг йўлга қўйди, ўз армиясига Бактриялик ва суғдлик қисмларни киритди, 30 мингдан ортиқ ўғил-болаларга юнонча тарбия беришга ҳукм этди. Шундай қилиб Александр Макдуний Марказий Осиё маданиятининг эллинлаштиришни бошлаб берди. Эллинистик жараён салавкийлар давлатидан мустақил бўлган Парфия ва Юнон-Бактрияда ўзининг юқори ривожига билан ажралиб туради. Юнон-Бактрия давлатида юнонлар ва маҳаллий маданиятларнинг синтези қисқа вақтда ўзининг ижобий натижаларини берди, шаҳарлар сони тез суратда ўсди, дехқончилик, чорвачилик, айниқса хунармандчилик ривожланди. Марказий Осиё минтақаси Буюк ипак йўли бўйлаб ўтган халқаро савдонинг маркази сифатида ўта муҳим ўрин тутди. Диодотдан Галпокигача бўлган юнон-Бактрия подшолари даврида юксак бадиий савияда олтин, қумуш ва мисдан тайёрланган турли қийматдаги тангалар (драхма, обол, дихалка, халка) зарб этилди. Товар-пул муносабатларини ўсишида Бактрия шохларининг ўз пулларини зарб қилиши халқаро савдонинг ривожига ижобий таъсир қилиш билан бирга, юксак бадиий даражаси билан ҳам ажралиб туради.

Юнон-Бактрия даврида Ойхонум (Шим. Афғонистон), Саксанохур ва Тахтисангин (Тожикистон), Далварзин тепа, Ёрғўрғон, Афросиёб Талибарзи (Ўзбекистон) каби шаҳарлар қурилди. Юнон ҳарбий манзилгоҳлари аҳолисининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттирувчи эллинистик услублар Юнон-Бактрия шаҳарларда очиб ўрганилди. Иншоотлар тош, хом ва пишиқ ғиштдан тикланган. Устунлар коринф усулида ишланган. Сарой ва ибодат мажмуалари, гимназия, театр бинолари очиб текширилганда устунлар аттик базалтлар, акант япроғлари, пальметаллар, чети нағшланган черепица-антификслар сингари унсурланган фойдаланган ҳолда қўрилган. Маҳаллий зодагонларнинг эллинистикдиди монументал ва ихчам хайкалтарошликни ривожланишига туртки берди. Теракт

хайкалчалар ва турли мухрлардаги образларнинг миғёси кенг. Унда хосилдорлик худоси Анахит, юнонларнинг бош ва махаллий худолари, фантастик ва реал хайвонларнинг тимсоллари ифодаланган. Ўйкалтарошлик санъати намуналари кам сағланиб ғолганлигига ғарамай, зарб этилган юнон-Бақтрия тангаларининг орға томонида машхур юнон санъаткорларининг расми тушурилганлиги бу ерда юнон хайкалтарошлиги илми таъсири кучли бўлганлигини билдиради. Тахти Сангинда Окс дарёсининг худоси Марсиянинг бронза хаёкалчаси ғўйилган Мехроб топилди. Антик дунёнинг Марказий Осиёга кириб келган хайкалтарошлик санъати кушонлар даврида янада равнағ топди.

Юнон-Бақтрия подшолигида театр санъати ва мусиғани ривожланганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бақтрия саройларида юнонистонлик актерлар, мусиғачи ва рағосларнинг гурухлари сағланган. Айниқса, юнон халқ театрининг «маскарс», «мим» сингари турлари кенг ёйилган. Уларни классик трагедия ва комедиялардан фарғи белгиланган матн бўлмаган, ёки матнсиз чиғилган, лекин у юнон тилини билмаган махаллий аҳолига тушунарли бўлган. Актерлар шароит, томошабинларнинг рухиятига кўра матнларни ўзгартирганлар-мусохаба, хазил-мутойиба, хажв, хикоя, ғўшиғ усулларида ижро этганлар. Рағс, мусиға, кўзбўямачилик ва акрабатик машғлар театр ижрочилигининг муҳим элементлари бўлган. ҳукмдорлар хомийлик кўрсатган махаллий актерлар ҳам шаклланган; «Масхарабоз» Миллий театрнинг —«Масхарабоз» намунасида ҳаммон эллинистик белгилар сағланиб ғолган.

Юнон-Бақтрия маданияти синкретизми (ғоришиғлиги) турли тилларни ёнма-ён фаолият кўрсатиши, ҳар хил ёзувлар тизими ва динларнинг ўзаро сингишиб кетишида ҳам кўринади. Эрамиздан аввалги III-II асрларда оромий, юнон-Бақтрия ёзувлари кенг ишлатилган, кейингиси юнон алфавити асосида унга битта харф ғўшиб (жаъми 25 та харф) Бақтрия ёзуви вужудга келган зардўштийлик ҳукмрон дин сифатида сағлансада аҳолини юнон худолари тимсолларигасиғиниш аломатлари пайдо бўлган. Махаллий аҳоли назарида Олимп худоларининг образлари билан зардўштийлик худоларининг тимсоллари-Зевс ва Ахурамазда, Апполон, Чешос ва Митра, Афодита ва Апахит образлари уйғунлашиб кетди. Агар ерли аҳоли ўртасида Афина, Геракл, Ника, Дионис тимсолларига сиғиниш ғанчалик тарғалса, Юнонистонда митра, Окса (Окшо-Амударё), Буюк онага сиғиниш шунча тарғалди. Буни Ойхоним, Тахти Санган манзилгохларидан топилган- тасвир мазмунида юнонча ва махаллий анъаналар ифодаланган манъат ёдгорликларида ҳам кўриш мумкин. Юнон-Бақтрия маданияти одатда Шарғ эллинистик маданияти деб таъкидланади. Агар эллинистик маданиятга юнон ва Шарғ маданияти уйғунлиги ҳос деб характерланса, марказий Осиё маданиятида махаллий ўзига хослик, Шарғона бетакрорлик устивордир. Айни шу негизда юнон маданияти ғадриятларини ўзига сингдирган маданият асосида кейинги даврлар маданияти янада ривожланди.

Бунда Хоразм маданиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу минтаға суғориладиган дехғончилик, шаҳар маданияти шаклланган энг қадимги манзилгохлардан бўлиб, бу ерда ўзбекистон ҳудудидаги қадимги (Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда) давлат асосланган. Хоразм (Эрамиздан аввалги IV асрларда) Александр Мағдуний босғинига ғадар Ахмонийлар истилосидан озод бўлган давлат, хоразмийлар Ўиндистон, Ўйтой, Яғин Шарғ ва Европа Шарти билан

ғизғин савдо алоғаларини олиб борганлар ва ўзларининг хунармандчилик буютмлари билан донг таратганлар. Тарихий солномаларда хоразмликларни тадбиркорлиги, иштиёғмандлиги ғайд этилиб, уларни «илм сохиблари» деб атаганлар.

Канал, ғалъа, кўпғаватли саройлар, ғуриш нафағат амалий малакани, балки мураккаб хисоб-китоб ва ўлчовларни ҳам талаб ғилар эди. (мовий йўл кўрсаткичларидан фойдаланишни билмай дашт-сахролардан ўтиб бўлмасдан. Хоразмликлар эр. I асридан VIII асригача ўзлари фойдаланган махсус тағвим тизимини яратдилар. Бу тағвим Ал-Берунийнинг «Қадимги халғлардан ғолган ёдгорликлар» асарида муфасссал тавсифланган. Унинг маълумотларини археолог томонидан топилган, III асрга оид асл нусха хужжатлар ҳам тасдиғлайди. Берунийнинг маълумотига кўра, хоразмликлар мустағил астрономик кузатишлар олиб борганлар, осмоннинг юлдузлар харитасини яхши билганлар. Бинобарин, кўпкирилган ғалъада обсерваториянинг ғадимийлиги (Эр. ав. III-II асрлар шубхасиздир. Доира шаклидаги, дастлабки диаметри 42 метрли бу бино кейинчалик 8 та мустахкам минорага эга бўлган деворлар билан ўралиб, диаметри 80 метрли ташкил этган. Икки ғавватли марказий бино деворининг ғалинлиги 7 метр бўлган. Олимларнинг тадғиғотларига кўра Лўйғурилган ғалъа астрономик кузатиш, изланишлар олиб борилган илм ғароргохи бўлган. Бинони ноёб ғурилиш тизими, хоналарни мағсадга мувофиғ жойланишига кўра уни «Хоразм Стоунхенжи» деб аташ мумкин. Хоразм маданиятининг ўзига хос ривожланиши кейинги даврларда ҳам давом этди. 2000 йиллар муғаддан Марказий Осий, Шимолий Ўиндистон, Покистон ва Шарғий Эрон ва ягона давлат ҳудудини ташкил этган. Қудратли Кушонлар империяси Орол денгизи бўйларида Ўинд океанигача ястланиб, ўша даврнинг бошға уч буюк давлати Рим, Парфия ва Ханлар Хитойи билан бирга бир ғаторда турди. Кушонлар империяси даври Шарғ ва Жахон маданияти ривожда янги даврни ташкил этди. Кушон маданиятида қадимги Шарғ типигаги минтағавий цивилизация билан эллинизм маданияти анъаналари, Ўиндистон маънавий ҳаётининг нозик ғирралари билан Осиё кенгликларидаги даштликлар олиб келган ўзига хос услублар ижодий уйғунлашиб кетган эди.

6. Кушонлар даврида Термиз (Термед), Чингизтепа, Қоратепадаги будда ибодатхоналари.

Кушон салтанатининг дастлабки манзил марказини Бактрия ташкил этди. Иғтисодиёт асоси дехғончилик бўлиб, мураккаб ирригация ва йирик суғориш иншоатлари барпо этилди. Ўунармандчилик ва савдо-сотиғнинг жадал ривожланиши шаҳарларни гуркираб ривожланишига, Ғиштлардан бино этилган ғалъа ва Саройларни ғурилишига олиб келди. Бу пайтда ўарб мамлакатлари, хусусан Рим империясининг шарғий вилоятлари билан савдо алоғалари биринчи ўринга чиғди. Кушон подшоларининг тангалари Киев яғинида, Эфиопия, Скандинавия ва Рим империяси шаҳарларидан топилган. Савдо кўприкликдаги йўллар ва Ўиндистоннинг ўарбидаги порт-денгиз орғали олиб борилган. Бу йўллардан хилма-хил буюмлар, жумладан Римга ғандолат, ғимматбаҳо тошлар, фил суяги, гуруч, зебу-зийнат ва жихозлар элитилган. Хитойдан шох ва тери буюмлар, Римдан тўғимачилик махсулотлари, кийимлар, ойна, ғимматбаҳо металллар, турли винолар шу йўл орғали олиб ўтилган. Римнинг кўп миғдордаги

олтин ва кумуш тангалари алоҳага киритилган. ўша даврдаёғ сотиғнинг ушбу йирик халғаро артерияси «Буюк ипак йўли» деб ном олди.

Маданий юксалишнинг Кушон даври (Эр. I-IV асрлари) диний тизимларнинг ёнма-ён яшаши билан характерланади. Бунга маълум маънода кушон подшолари, айниқса Конишка ва Кунишка томонидан диний ағидаларга нисбатан сабр-ғаноат ва ишонч-мурувват билан ёндошилганлиги имконият яратди. Канишка зарб этдирган тангаларда индус, зардўшт, эллинлар худоларининг номи ва тасвирлари туширилган. Адолатгўй Митра ва хосилдорлик худоси Ордохши ғудратли Вретрагна билан индусларни Шива, Буддасини, Гешос, Селена, Сфаписларни кўриш мумкин. Буддизм давлат дини маконига эга бўлишига ғарамай, Кушон империяси худудида зардўштлиқ, жайнизм, шиваизм, манихейлик, олимп худоларига сиғиниш кенг тарғалган эди. Буддизмнинг тарғалиши маҳаллий дин ва санъатларнинг тугатилишини англамайди. Билакс, буддавийликни Бактриядаги ихлосманд тарғиботчилари будда матнларини шунчаки ўзлаштириб, уни санскритдан таржимаси билан кифояланмай, уларни ўзларига талғин этдилар, унга ғайта ишлов бердилар.

Марказий Осиё буддавийликни бутун Осиё-Хитой, Япония, Кореяга тарғалиш манзилгоҳини ташкил этди. Кушонлар даврида ёзувнинг турли тизимлари амал қилди. Арамей ёзуви асосида кушон-Бактрия алфавити, суғд ва хоразм ёзуви ривожланди: Сурғ Қоталда (Афғонистон) юнон алфас вотидаги кушон ёзуви топилган. Термиздаги Қоратепа, Фаёзтепадан хиндларнинг Брахма, Кхоратшха ёзувларидаги битиклар топилди. Кампиртепа эса (Сурхандарё) Марказий Осиёдаги энг ғадимий, ноёб ғўлёма (Эрам. авв. II асрнинг I ярми) папирусдаги битик топилди.

Асримизнинг бошида Буюк Хитой девори минораларидан бирида топилган «кўхна сўғд ёзуви» алоҳида ғизиғиш уйғотади. Ёзув эрамизни 312-313 йилларида битилган бўлиб, унда Хитойдаги сўғд савдогарларининг фаолияти хағида маълумотлар берилган.

Кушонлар санъати ғўшни мамлакатлар ва халғлар санъатларига таъсир кўрсатувчи намуналарни яратди. Эр. I-IV асрлардаги бадий маданиятнинг асосий хусусияти Осиёга оламни англашга эллинистик таъсирни тафаккур тарозисидан ўтказишдир. Халчаён (Эр. авв. I-э.. ни I асрлари) –Кушон санъатининг илк ёдгорликларидан бири бўлиб ундан топилган асарларда кўпроғ ҳукмдор Герой Санат улуғланган. Жабулхона деворларининг юғори ғисмидан ўрин олган лойдан ишланган хайкаллар мажмуида ҳукмдор ва аёнлари тасвирланган. Ўайкал образлари ифодали бўлиб, унда тасвирланаётган образларнинг индивидуал белгилари кўзга ташланиб туради. Унда тантанавор рухдаги ғабул маросими ва жанг лавҳалари акс эттирилган. Марказда подшо хонадони ва унинг илохий хомийлари-Афина, Геракл, Ники образлари гавдаланган. Далварзинтепада топилган машхур «шахзоданинг боши» ҳамда тупроғгалъа хайкалларида эллинистик анъаналарнинг кучли таъсири сезилади. Подшолар залида эса эркак ва аёлларнинг монументал фигуралари ғўйилган, подшо найза тутган жангчилари даврасида, зиёфат ва буғилар ови кўринишида тасвирланган.

Диний мазмундаги санъат асарлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Далварзинтепадаги икки ибодатхонадан топилган тасвирий санъат

намуналарида ғадим ибодат тимсоли буюк она худо образи ифодаланган. Кўхна Термиздаги Жоратепа, Фаёзтепадаги эхромларини буддага дахлдор ёдгорликлар безаб турибди. Ушбу асарларда Шимолий-ўарбий Ўиндистонга хос «гандхара услуби» устуворлик ғилсада, унда махаллий санъат усталарининг юнон санъати анъаналари таъсирида ижод ғилганлиги сезилиб туради. Бактрия-Будда услубидаги буюк ижод намунаси Айритом шаҳридаги, эрамизнинг II асрига оид будда мажмуи безаклари бўлиб унда турли этник типдаги образлар галереяси берилган.

Кушон санъати Кушон империясидан кейин ҳам ана шу замонлар турли эллардаги, жумладан, Марказий Осиё, Ўиндистон ва Хитойлик санъат усталари ва ижодкорларини рухлантириб келди. Кушон санъати анъаналари ифодаси Ўиндистондаги Гупта давлатига хос хайкаллар, СуҒдадаги бўртма тасвир ва безаклар (Панжикент, Вурахива, Афросиёб), Шарғий Туркистон топилмаларида бир-биридан фарғланади.

Шундай ғилиб қадимги Марказий Осиё маданияти тарағғиёти мобайнида ўзига хос анъана ва ютуғларни сағлабгина ғолмасдан, улкан минтағада умумий ғадриятларни вужудга келиши, Яғин ва ўрта Шарғ мамлакатлари билан маданий алоға муносабатларини ривожлантиришга имконият яратиб маданий юксалишни янги сифат босғичига кўтарди. Қадимги Марказий Осиё маданиятининг ривож нуғтаси бўлган Кушонлар маданияти худудий ва мазмун жихатидан айро олинган маданият эмас эди. У ўзида Шарғ, Марказий Осиё, Антик дунё ва хинд маданиятлари ютуғларини ўзида мужассам этиб, Шарғ ва Жахон халқлари маданиятини яна равнағ топишига асос бўлди.

Марказий Осиё антик бадий маданиятининг муҳим услубий хусусиятини санъатлар синтези ташкил этган: хайкалтарошлик, тасвирий санъат, нағш бунда умумий меъморчилик расамадига- ва унинг ритмига бўйсунган ҳолда меъморчилик билан яхлитда намоён бўлади. Бу синтез Кушонлар даврида ҳам махаллий маданиятда ўз таъсирини сағлаб ғолди. Кушонлар даври Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ўиндистон халқлари тарихидагина эмас, балки бутун дунё маданиятининг тарағғиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Турли халғлар маданиятининг чатишиши натижасида бу ерда ўзига хос янги маданият шаклланди, шу билан бирга кейинги асрлар маданиятининг тарағғиётига замин бўлиб хизмат ғилди. Шарғ ва ўарб маданиятининг ўзаро таъсири янги тарихий босғичга ғадам ғўйди. Эллин маданиятининг анъаналари Кушонлар даврида ижодий жихатдан ғайта шаклланди ва янғича талғин ғилина бошлади.

Кушонлар империяси даврида (I-III асрлар) Марказий Осиёда суҒформа дехғончилик, хунармандлик, шаҳарсозлик, савдо-сотиг ва иғтисодий алоғалар равнағ топди. Бунга Кушон-Бактрия ёзувлари, брахма ва кхарошхи хинд алифбосидаги ёзувлар, кушон тангалари гувоҳлик беради. Буддизм диннинг расмий даражаси будда ибодатхоналарининг ўша замон санъати билан безатилишида намоён бўлади. Термиз яғинидаги Айритомдан топилган ибодатхона ташғи девори пештоғларига сарҒишроғ тошлардан хайкаллар ўрнатилган. Бино ичида Ғиштдан ишланган «Будда» хайкалининг ғолдиғлари топилган. хайкалларнинг ишланиш услуби, кийими, мусиға асбоблари Ўиндистон, ўрта Осиё, Юнонистон маданиятларининг ўзаро таъсирида ривожланганлигидан далолат беради. Буни Хоразм, Фарғона, СуҒд, Парфиядан топилган турли хил

буюмлар, маданий обидалар, топилмалар тимсолида ҳам кўрсатиш мумкин. Кушонлар даврида шаҳарлар ғурилиши кенг ривожланди. Шаҳарлар ғалин деворлар билан ўралиб, ичида арк ва аркнинг атрофида ҳар хил бинолар ғад кўтарган Сопол идишлар нихоятда нафис ва жарангдорлиги ҳамда хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Амалий санъат кенг тарағғий этган. Зеб-зийнат буюмлари меҳнат ва жанг ғуруллари яшаш, мато тўғиш ривожланган. Умуман, Кушонлар даври маданияти Марказий Осиёнинг энг чўғғиси ҳисобланиб, маълум ҳудуд ва замон билан чегараланмайди. Бу маданият Олд Осиё, Марказий Осиё, Антик ва Ўинд маданиятлари ютуғларини ўзида жамлаб, ғўллаб Шарғ халқларининг ўрта асрдаги маданияти ривожини учун асос бўлди ва жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди.

5-МАВЗУ: ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ МАДАНИЯТ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ V-XIII АСРЛАРДАГИ МАДАНИЯТИ (2 соат)

РЕЖА:

- 1. Ўрта асрларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар. Иудаизм ва Таврот.**
- 2. Масихийлик таълимоти.**
- 3. Исломий маданият. Ислом ва илмий билимлар ривожини.**
- 4. Қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий тарихини ўрганишда асосий манбалар:**
- 5. Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги.**
- 6. Ўрта Осиёда Уйғониш даврини уч босқичи ва уларнинг асосий белгилари.**

- 1. Ўрта асрларда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар. Иудаизм ва Таврот.**

Ўрта асрлар тушунчаси Европада V-асрдан бошлаб то XVII асрнинг биринчи ярмига қадар бўлган даврни ҳамраб олади. Бу давр антик маданиятнинг инкирозини белгилаб берган Рим давлатининг кулаши билан бошланди ва Европа Уйғониши (Ренессанс) даврига келиб якунланди. Ана шу антик ва Уйғониш давлари ўртаси зулмат даври (икки юксалиш даври оралиги) деб ном олган. У фанда ўрта асрлар даври деб атала бошлади.

Европада ўрта асрларни қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

- 1. Илк ўрта аср – V-XI асрлар.** Бу давр феодал муносабатларга ўтиш, феодаллар табақасининг шаклланиши, католик черков таъсирининг кучайиши, олий таълим муассасалари-университетларнинг пайдо бўлиш давридир.
- 2. Мумтоз (классик) ўрта аср – XI асрдан-XV аср ўрталаригача бўлган давр.** Ушбу даврга хос хусусиятлар шундаки, кишлокдаги ишлаб чихариш ривожланибгина холмасдан, шаҳарларда ҳам хунармандчилик цехлари пайдо бўлди, шаҳар инфратузилмаси яратилди, марказлашган йирик давлатлар ташкил

топди. Кирил хокимияти кучайиб, унинг жамият равакига таъсири ортиб борди. Кироб нашр этиш йўлга қўйилди, фаннинг катор тармакларига асос солинди.

3. Сўнгги ўрта аср – XVI аср-XVII асрнинг биринчи ярми. Бу даврда илм-фан ва техника ривожланди. Инсон турмуш тарзида буюк ўзгаришлар юз берди, янги китъалар кашф этилди. Капиталистик муносабатларга асос солинди. Демократик тамойиллар шаклланди.

V-VI-асрларда Рим империяси ерларида асосан дехкончилик ва чорвачилик билан шукулланувчи германларнинг дастлабки давлатлари ташкил топди. Маданият раваки бўйича ўзидан юкори бўлган халклар устидан хукмронлик килиш (хуннлар хужумлари натижасида 476 йилда Рим империяси кулаган эди.) германларни бошқарув тизимини янги тартибга мослаштиришга мажбур этди.

Ижтимоий-иктисодий муносабатлар жихатидан бу давр феодализм боскичига тўғри келади. Аммо ўрта асрлар тушунчасининг асосий мазмуни муайян даврнинг вақт чегараларини аниқлаштириш билангина кифояланиб холмасдан, балки бу даврни маданият инкирози палласи сифатида қабул килишидадир. Шу маънода ўрта асрлар антик даврга нисбатан сўзсиз йўқотишлар даври деб харалар эди. Ўрта асрлар маданиятига паст назар билан хараш қўпинча антик давр маданиятига хайрихохлик билан харовчи тадқиқотчилар орасида таркалган эди. Албатта, бу - субъектив ва бир ёклама ёндашувдан бошқа нарса эмас.

Ўрта асрларнинг "зулмат дунёси" тимсолига айланишида ушбу давр намояндалари бўлган ёзувчилар, шоирлар, тарихчилар, диний уламолар ва давлат арбобларининг ҳам "хиссаси" бор, албатта. Чунки улар ўз ижодида асосан замонавий ҳаётнинг мураккаб жихатларини акс эттирганлар. Бундай асарларда келажакка ишончсизлик, ҳаётдан норозилик туйғуси сезилиб туради. Шу боисдан ҳам бу муаммолардан халос бўлиш имкони сифатида ажал, ўлим мавзуси марказий ўрин тутган. Улар назарида ўрта асрлар бекорга сарфланган давр, беҳуда кетган юзлаб йиллар сифатида гавдаланган. Ўрта асрларни факат бузгунчиликдан иборат, антик давр маданияти ютуқларини чиппакка чиқарган давр, дегувчилар ҳам қўплаб топилар эди.

Гарбий, "христианлар дунёси" "Рим дунёси"нинг таназзули оқибатида эмас, балки Рим ва варварлар дунёларининг ўзаро мувофиқлашуви, бирикиши натижасида юзага келди. Аммо у хақиқатан ҳам емирилиш, зўравонлик ва шафқатсизлик, антик дунё маданияти ва цивилизациясининг қўплаб ютуқларидан бебаҳра қолиш каби жиддий тўсиқларни бошдан кечирди. Қўплаб антик давр шаҳарлари катта талофат кўрди: айримлари бузиб ташланди, бошқалари (савдо йўллари ўз йўналишини ўзгартириши муносабати билан) таназзулга юз тутди. Шунга харамасдан, илк ўрта асрлардаёқ айрим соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўуллиқнинг бекор килиниши ижтимоий тараккиётда туб ўзгаришлар ясади.

Антик даврда асосий энергия манбаи, бу кулларнинг жисмоний кучи бўлиб, ушбу манба йўқолгач, бошқа имкониятлар кидирила бошланди. Агар антик даврда назарий билимлар муваффақиятли ривожланган бўлса, ўрта асрлар даври машина ва техника воситаларидан кенг фойдаланиш учун кенг, равон йўللар

очди. Бу кулликнинг бекор килинишининг бевосита натижасидир. Антик давр рухан ва жисмонан ўзаро мувозанатда бўлган инсон тимсолни кўрсатишга интилди. Аммо, айникса Рим маданиятида бу гоёни амалга оширишда кўпроқ жисмоний камолотни таъминлаш борасида муваффакият қозонилди. Шунингдек Демокрит, Платон, Аристотель каби антик давр мутафаккирларини ижтимоий-сиёсий ва табиий-фалсафий харашларининг Жордано Бруно, Галилео Галилей, Томас Мор, Томмазо Кампанелла каби ўрта аср назариётчи-олимлари томонидан илгор таълимотлар яратилишига кўрсатган бевосита таъсирини рад этиб бўлмайди. Масалан, Платон, Аристотеллар томонидан илгари сурилган идеал давлат тўғрисидаги гоёлар Томас Мор, Томмазо Кампанеллаларининг утопик харашларида айникса яккол намоён бўлади. Айнан шу харашлар асосида кейинчалик гуманизм, демократия тўғрисидаги янгидан-янги таълимотлар ривожланиб, бугунги кунда ҳам адолатли, фаровон жамият куришда жахон халкларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина шу мисолдан кўриниб турибдики, халқлар, авлодлар ва даврлар ўртасидаги ворисийлик нафакат айрим худудлар, балки жахон цивилизацияси юксалишида асосий омил бўлиб хизмат қилган. Демак, ўрта асрлар маданияти бевосита антик давр маданияти, илм-фан ва санъати таъсирида юксалган ҳамда ўша даврда намоён бўла бошланган ижтимоий-сиёсий ва маданий ходисаларни янада бойитган, кейинги Уйғониш даври учун мустахкам замин хозирлаган.

2. Масихийлик таълимоти.

Ўрта аср Европа маданияти черков-диний гоё билан яқиндан боғланган эди. Черков таъсири ўрта аср маданиятининг турли сохаларида, чунончи, фанда, мактабда, адабиётда, санъатда акс этди. Илм-фан у қадар ривожланмаган илк ўрта асрлар даврида, тахминан XI асрнинг иккинчи ярмигача ўрта аср жамиятига гоёвий рахбарлик асосан черков тасарруфида бўлди: Кишиларнинг олам тўғрисидаги билимлари махаллий черков таълимоти доираси билан чекланарди. Бошқа мамлакатлар тўғрисида маълумотлар жуда оз бўлганлигидан, европаликлар анча вақтларгача олис юртлар хақида хар қандай уйдирмаларни тўқишарди. Фан ва техника тараққиёти даражаси жуда паст бўлганлигидан, одамлар кургоқчилик, тошқин ва касалликлар олдида ожиз эдилар.

Жисмоний эҳтиёжлар ва лаззатлар мутлақлаштирилган Рим жамиятининг аччиқ сабоқларига таяниб, христианлик инсондаги рухиятга, унинг ички дунёсига асосий эътиборни харатди. У инсонни ҳамма нарсадан ўзини тийишга, кўнгилли равишдаги жувонмардликка, хиссий, жисмоний туйқуларни сўндиришга чакиради. Рухиятнинг жисмоний камолотдан устунлигини эълон қилиб, христианлик кишининг чуқур маънавиятини шакллантиришга, уни ахлокан юксалтиришга қатта хисса қўшди.

Бу даврда олий диний хокимиятни олий сиёсий хокимият билан ягона қўлда бирлаштиришга уриниш гоёси қузатилади. Бунга Рим папаларининг (Шарқда - Араб халифалиги) Европада хокимият жиловларини ўз қўлларига олишга интилишлари мисол бўла олади. Черковнинг қудратли таъсири ўларок, Рим папалари худонинг ердаги ноиблари хисобланганлар. XII асрга келиб эса,

миллий, сиёсий ва давлат манфаатларни химоя қилиш диний фаолият билан ситиша олмайдиган ўзига хос соҳа эканлиги аён бўла бори.

Маълумки, табиат унсурлари, атроф-муҳитдаги жисмлар ўрта асрларда тирик мавжудотлар сифатида идрок этилган. Шу боисдан турли ёвуз қучлар қуршовида бўлган инсон уларга ҳарши қурашиш, ўзини химоя қилиш воситаларига эга бўлмоғи лозим эди. Натижада турли-туман туморлар, диний маросимларнинг хилма-хил шакллари ривожланиб боради. Масалан, Муқаддас Сувни истеъмол қилиш кишининг гуноҳларини ювиб, соғлигини яхшилабгина ҳолмасдан, уни ёвуз қучлар ва жодулардан ҳам химоя қилади, деб ҳисоблаганлар.

Диннинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига бўлган таъсири бутун ўрта асрлар давомида салмоқли ўрин тутди. Бу таъсир айниқса бадиий маданият ва фан соҳасида жуда қучли намоён бўлди. Шу боисдан фаннинг воқеликка доимо шубҳа билан ҳарши, моҳиятан далиллар қидиришдан иборат бўлганлиги, ҳеч нарсани ҳақиқат сифатида қабул қила олмаслиги уни оғир аҳволга солиб қўйди. Фан соҳасидаги турғунлик ўрта асрлардаги рухий асоснинг табиий, моддий асосдан устунлигининг ўрнатилиши ҳисобидан қопланди. Айнан шу даврда ижтимоий мавқеи ва миллатидан қатъий назар, ҳар бир инсон ҳаёти қадр-қимматга эга, деган ақида тарқалди. Гладиаторлар жанглари ва одамларни қурбонлик қилишнинг тақиқланишини ҳам турли динларда инсонпарварлик гояларининг устуворликка эриша бошлаганига мисол бўла олади.

Ўрта аср Европаси - бу цивилизация гуллаб яшнаган, натурал ҳўжалик ҳукмронлик қилган тарихий давр эди. Бундай турмуш тарзи инсон тафаккурининг тор манфаатлар доирасида қолиб қетишига ҳам олиб келди. Кейинроқ христиан черкови жамиятнинг барча томонларини сиёсий ташкилот шаклига қелтиришнинг намунавий асосини яратди. Тобелик муносабатларига асосланган христиан феодал табақачилиги негизида черков иерархияси ётади (руҳонийлар-епископлар-кардиналлар-Рим папаси). Қирол – ҳудонинг вассали, сарой аёнлари - қиролнинг вассали, деҳқон – сарой аёнининг, аёл – эрқакнинг, уй ҳайвони – аёлнинг, тош ва ўсимликлар – уй ҳайвонининг вассали ва б. Тошдан ҳудогача қенг тарқалган умумий вассаллик ҳақидаги ушбу гоя ҳам черков манфаатига тўғри келар эди.

Христиан черкови феодал жамият талабига жавоб берадиган қучли ташкилот сифатида шаклланди. Унинг энг қуёи қогонасида қишлоқ черкови руҳонийси турарди. Туман ва вилоятларда епископ ва кардиналлар черковни бошқарар эдилар. Энг юқори қогонада католик черкови раҳномаси - Рим папаси турарди.

Дин ҳаётни муқаддас шаклда тасвирловчи гояларни яратди: фалсафа-теология, адабиётда илоҳий, дидактик шакллар, муסיқада черков гимнлари – литургия ва месса, тасвирий санъатда христианлик сюжетлари асосий ўрин тутди. Асосий фанлар илоҳиёт ва схоластика (бу атама фикр суқиш, доғматизм, мазмунсиз, юзақи билимни анғлатган) эди. Илоҳиёт олам ва инсон ҳақидаги ўз "илмий" манзарасини яратди. Қоинот ҳусусидаги илмда Ер-Оламнинг, Иерусалим - дунёнинг марқазини, деган қараш ҳукмронлик қилди. Инсон мажозий

тарзда микрокосмос, тана-ер, кон-сув, нафас -хаво, харорат-олов, яъни у бошлангич ибтидодан иборат, деб каралди.

Христиан черкови ўз мақсади ва мазмуни билан ҳукмрон табақа манфаатига хизмат қилса-да, унинг маориф, маданият ва, маълум даражада, фанни ривожланишига қўшган ҳиссасини алоҳида қайд этиш лозим. Дастлабки қутубхоналар монастирларда бўлган. Монах-хаттотлар, қўпинча диний мавзуда бўлса-да, китобларнинг янги нусхаларини яратганлар. Европада XI асрга қадар мактаблар ҳам черковлар қошида ташкил этилган бўлиб, уларда ўрта асрларнинг барча буюк алломалари таълим олганлар. Христиан динининг ҳалоскорлик қучига ишонган халқ қўпинча ўз хоҳиши билан, баъзида мажбуран ҳосилининг катта қисмини черков ва монастирлар ҳисобига ҳадя қилар эди. Бу борада черковнинг нақадар катта имкониятларга эга бўлганлигини Париж яқинидаги Сен-Жермен монастирига тегишли деҳқонлар сони 80 мингдан ортиқ бўлганлигидан ҳам билса бўлади.

Ўрта аср Европасида бой-бадавлат, саводли-саводсиз, умуман жамиятнинг барча қатламлари иштирок этадиган оммавий тадбирлардан бири диний мавзудаги маърузалар эди. Воизлар инсоннинг ҳаётида, унинг турмуш тарзида, касбий фаолиятида амал қилиниши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида нутқ сўзлаб, уларни эзгуликка, ўзаро ҳурматга чақирганлар. Масалан, XIII асрда Германияда машҳур воиз Бертольд Регенсбургский (1210-1272 й.й.) шундай атоғли арбоблардан эди. Маълумотларга қўра, унинг насихатларини тинглаш учун 50 минглаб халқ йигилган. 1250-1272 йиллар мобайнида ушбу воиз томонидан тайёрланган 60 тага қадар нутқ маълумдир. Б. Регенбургский инсон ҳудо олдида қуйидагилар учун жавоб беришини уқтиради:

1. ўзимиз (шахсларимиз) учун (барчамиз эзгуликка интилиб яшашимиз лозим);
2. истеъдодимиз (лавозим, хизмат тури) учун (қандай бўлишидан қатъий назар, лавозимидан ҳеч қим нолимаслиги керак).

Агар ҳамма рицар, амалдор бўлса, қим озик-овқат, қийим-кечак тайёрлайди, бинолар барпо этади? Ўғрилиқ, қаллоблиқ, судхўрлик ҳудо томонидан яратилган қасблар эмас. Демак улар билан шуқулланиш - яратганга шак қелтиришдир.

Ўрта асрлар даври диний таълимотлар тараккиётида алоҳида ўрин тутган сиймо машҳур илоҳиётчи, файласуф олим, мулоқимлиги туфайли "Фаришта доктор" лақабини олган, вафотидан сўнг (1321 йил), авлиё деб эълон қилинган Фома Аквинский (1225-1274 йиллар) эди. У ҳудо борлигини тасдиқлаб, қуйидаги бешта исботни қелтиради:

1. биринчиси - табиатда ҳаракат мавжудлиги. Биринчи ҳаракатга қолувчи қуч - ҳудодир.
2. иккинчиси-ўзаро таъсир қилувчи сабаблар мавжудлиги, яъни бирон нарса таъсир қилувчи сабабсиз юз бермайди. Бу сабаб— ҳудодир.
3. учинчиси - қасодиф ва қаруриятнинг ўзаро муносабати. Қасодифий нарса қарурий нарсага қоглик. Бу қарурият — ҳудодир.

4. тўртинчиси - камолот даражаларининг мавжудлиги. Энг олий камолот даражаси – худодир.

5. бешинчиси - хамма нарсаларнинг мақсадга мувофиқ яратилганлигидир. Шундай бир онгли мохият борки, табиий нарсаларни мақсадга йўналтиради. Бу – худодир.¹

Фома Аквинский таълимоти – томизм аста-секин черковнинг расмий доктринасига айланди ("Thomas" – лот. Фома). Феодализмнинг инкирози билан заифлашиб қолган томизм XIX асрда неотомизм шаклида намоён бўла бошлади ва ҳукмрон синф вакиллари томонидан тобора қучайиб бораётган ишчилар ҳаракатини сусайтириш воситаси сифатида фойдаланилди.

3. Исломий маданият. Ислом ва илмий билимлар ривож. Тасаввуф ва маданият.

Араб халифалиги VII-VIII асрлар давомида Магрибу Машрикнинг кенг ҳудудларини, шу жумладан Марказий Осиё ерларини ҳам ўз тасарруфига қиритган эди. Халифаликка қирган ҳудудларга аста-секин араб маданияти, унинг кўплаб унсурлари қириб кела бошлади. Энг асосийси, исломнинг муқаддас китоби "Қуръони Қарим" гоёлари турли халқлар орасида кенг ёйила бошлади. Бунинг учун бу ерларда араб тили, араб ёзуви жорий этилди. Мусулмон маданиятининг кўрки ҳисобланган нақшкор безаклар билан зийнатланган салобатли масжиду мадрасалар, хонақою макбаралар, диний ва илмий китоблар, кўлёмаларга бой қутубхоналар ва бошқа иншоотлар қад ростлай бошлади. Улар шу халқларнинг аввалги моддий маданияти ҳаробалари ўрнида барпо этилди.

"Қуръони Қарим" ("Қироат" сўзидан олинган) гоёлари, қадриятлари (одамларни тўғрилиқ, ростгўйлик, поклик, ҳалоллик, эзгулик, яхшилик, саховат, дўстлик, биродарлик, ўзаро тотувлик, ҳамжихатлик, тинчлигу осойишталикка ундаш ва ҳ.к.), исломий аҳкомлар, жамияту одамлар ҳаётига сингдириб борилиб, шу асосда улар аввалги кўпхудолик, гайридиний саркитлардан, ҳурофот тушунчаларидан ҳалос бўлиб бордилар. Халифа Усмон пайгамбаримиз ўлиmidан кейин огизма-огиз кўчиб юрган "Қуръони Қарим" матнларини бир жойга тўплаб, ягона муқаммал матнни яратиб, ислом маданияти тарихида ном қолдирган. У қотиб Муҳаммад Зайд ибн Собит кўмағида ва пайхамбаримизнинг тирик саҳобалари гувоҳлигида "Қуръони Қарим"нинг ягона нусхасини тузиб чиқади. Сўнг ягона нусхадан беш нусха кўчириб Макка, Мадина, Дамашк, Куфа ва Басра шаҳарларида сақлашга буюради.

Халифа Усмон Қуръонини Амир Темур Шом (Сурия) юришидан ўлжа сифатида ўз пойтахтига олиб келган. Темурийлар тарихи Давлат музейида сақланаётган мавжуд "Қуръони Қарим" дастлабки тайёрланган исломий манбаъдир. Айни чоғда ислом маданиятининг гултожиси ҳисобланган Ҳадисшунослиқ илми ривож топиб бордики, бунда ҳам пешқадамликни Ўрта Осиёлик буюк муҳаддис олимлар эгалладилар. Ислом оламида Қуръони Қаримдан кейин мўътабар манба, бу ҳадиси шарифдир. Шариф деган сўз арабча бўлиб, шарафли, азиз, қадрли деган маъноларни англатади. Шариф унвонига сазовор бўлган шаҳарлар,булар: Шом, Бағдод, Қуддус, Мозори Шариф ва Бухоройи Шарифдир. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган

гаплари, килган ишлари, шуларнинг хаммаси суннат хисобланади. Булар хакидаги далолат эса хадисдир.

Бутун мусулмон дунёсида бирдан-бир тўғри, ишончли деб тан олинган 6 нафар хадисчилар: Имом Бухорий, Имом Муслим ал Гажжож, Исо ат-Термизий, Имом Абу Довуд Сижистоний, Имом Ан-Насафий, Имом Абдулла ибн Язиб ибн Можжалар хаммаси аслан Марказий Осиёлик бўлиб, уларнинг "Кутуби ситта" ("Олти китоб") асари бутун дунёга машхурдир. Улар орасида Имом Бухорий (810-870) ва ул зотга мансуб "Ал жомеъ ас-сахих" ("Ишонарли тўплам") асари ягонадир. Бу асарни исломшунослар "Куръони Карим"дан кейинги улуг ўринга кўядилар. 4 жилддан иборат бу муборак китобга 7275 та энг сахих (ишонарли) хадислар киритилган бўлиб, улар нигоятда кимматли тарбиявий-маърифий ахамиятга эгадир. Алломанинг "Ал адаб ал-муфрад" ("Адаб дурдоналари") асари хам машхурдир. Булар Мустакиллик йилларида ўзбек тилида биринчи бор чоп этилди. Унинг булардан ташкари яна 20 дан зиёд асарлари мавжуд. Аллома таваллудининг 1225 йиллиги ўлкамизда 1998 йилнинг октябрида кенг нишонланди ҳамда унинг хоки-пойи дафн этилган Самарканд якинидаги хартанг кишлокида эса унга бағишлаб ёдгорлик мажмуи барпо этилди.

Имом Бухорий шогирди ва издоши Имом ат-Термизий (824-892) хам буюк хадисшунос алломалардан биридир. Унинг машхур асари "Ал-жомеъ" деб аталади. "Аш-шамойил ан-набавийя" ("Пайхамбарнинг алоҳида фазилатлари", 408 та хадису шарифни ўз ичига олган мазкур асар 1991 йилда ўзбек тилида биринчи бор чоп этилган), "Китоб аз-зухд" ("Такво хакида") ва бошқа китоблар хам бу зоти шариф каламига мансубдир. Ислом таълимотида шариат ва унинг рукнлари хам муҳим ўрин тутди. Шариат (арабчада тўғри йўл, конунчилик маъносида) - ислом диний ҳукуки, яъни барча мусулмонлар учун бажарилиши мажбурий бўлган конунлар, ҳукукий-ахлокий кўрсатмалар мажмуидир.

Исломий илм тараққиётида аллома Бурхониддин Маргиноний (1123-1197) нинг хизмати хам буюқдир. У 1178 йили "Хидоя" ("Тўғри йўл") ноёб асарини яратади. Бу китобда ўша замонларда, жумлаи мусулмонлар дуч келадиган долзарб масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотик, жиной жазо ва инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли жуда кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуктаи назаридан хал этиб беради. Мазкур китоб нафакат Мовароуннахрда, балки бутун ислом Шаркида хам ислом-ҳуқуқшунослиги бўйича нуфузли ҳуқуқий манба-асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Аллома "Бидоят ал-мубтадий" ("Бошловчилар учун дастлабки таълим"), "Кифоят ал-мунтахий" ("Яқунловчилар учун тугал таълим"), "Нашр ул-мазхаб" ("Мазхабнинг ёйилиши"), "Китоб ул-мазид" ("Илмни зиёда қилувчи китоб"), "Китоб ал-фароиз" ("Фарзлар китоби"), "Маносик ул-хаж" ("Хаж маросимлари"), Китоб ул-машойих ("Шайхлар хакида китоб") ва бошқа кўплаб асарлар муаллифидир. Бу асарларда адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби эзгу тушунчаларнинг моҳияти очиқ берилган. Алломанинг илмий мероси жаҳоннинг кўплаб олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги йўналишида ўрганилади.

Якин Шарк, Марказий Осиёлик олиму фузалолар Ислом илми ривожига буюк хиссаларини кўшар эканлар, Аллохнинг яккаю ягоналиги, Аллохнинг бир эканлиги тўғрисидаги тавкид билан ҳам машхур бўлдилар. Фаннинг бу жабҳасида, сирлар сирида иш кўрган замон уламолари ва фузалолари орасида буюк қобилят эгаси Абу Мансур Мотуридий номи алоҳида ажралиб туради. Унинг машхур асарлари жумласига "Тавхид" асарини нисбат бериш мумкин. Ушбу асар ўша замон ва давр эҳтиёжи сифатида дунёга келган. Сабаби Мотуридий яшаган давр ислом оламининг "Олтин даври" ҳисобланган. Ана шу даврда ислом илм маркази Бағдоддан Ўрта Осиёга кўчган, Самарканд "Олтин давр" марказига айланган.

Мотуридий ислом илмидаги юксак илмий мувоффақиятлари эвазига "Абу Мансур", яъни "голиб ота" мартабасига мушарраф бўлди.

Ислом шариати беш диний-ҳукукий мазҳабдан иборат. Суннийликда: ханафия, моликия, шофиъия, канбаля мазҳаблари, Шиаликда эса жаъфария мазҳаби бор. Ер юзида жами 1,3 млрд. мусулмонларнинг 47 фоизи канафий, 27 фоизи шофийи, 17 фоизи моликий, 7,5 фоизи жаъфарий (шиалар), 1,5 фоизи канбалий мазҳабидадирлар. Умумий қилиб олганда суннийлар 92,5 фоизни, шиалар эса 7,5 фоизни ташкил этади.

Тасаввуф - бу одамларни ҳалоллик, поклик, тенглик, инсон кадр-қимматини улуглаш, ўз меҳнати билан кун кўриш, бошқалар кучидан фойдаланмаслик ва ижтимоий адолат қоидаларига даъват этувчи эзгу таълимотдир.

Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида тасаввуф-фалсафий илми тараккиётида Юсуф ҳамадоний катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган. У асосан Бухоро шаҳрида яшаб ёшларга тасаввудан сабоқлар берган ҳамда жуда кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Юсуф ҳамадонийни пир тутган муридларидан 213 таси машхур шайхлар бўлиб етишганлар. Хожа Хасан Андохий, Хожа Абдуллох Барракий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуҳолик Гиждувонийлар унинг тўрт забардаст халифаси ҳисобланади.

Юртимизда илдиз отган Яссавия (Аҳмад Яссавий), Кубровия (Нажмиддин Кубро), Накшбандия (Хожа Баҳовуддин Накшбанд) таълимотлари мохиятан шундай олижаноб гоёлар руҳи билан сугорилган. Жумладан, "Яссавия" тариқатининг бир қатор асосий қоидалари (одоблари)га назар ташлар эканмиз, бунда инсонларнинг Аллох висолига етишиш йўлида тинимсиз изланишлари ҳаётнинг турли-туман синов-синоатларига дош беришлари, ўз эътиқодларида собит, эзгулик, ҳақ йўлида ҳамиша саъй-ҳаракатларда бўлишлари кераклигига алоҳида ургу берилганлиги аён бўлади. Шубоис Яссавий "Хикмат"ларида поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллох таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зогиран ҳар томонлама такомиллаштириш қаби илгор умуминсоний қадриятлар ифода этилган. Худди шундай юксак гоёлар Кубровия, Накшбандия сингари тариқатларнинг мазмуни, мундарижасини ташкил этади. Мамнуният билан тилга олиш лозимки, Нажмиддин Кубро қаламига мансуб "Фавоъих ал-Жамол ва фатвотих ал-Жалол", "Ал-Усул ал-ашора", "Рисолотут-турк" қаби 30 га якин ноёб асарлар мавжуд. Унинг тариқатида динийлик билан дунёвийлик чамбарчас боғланиб кетган. Унинг асарларидаги кишиларнинг ҳалоллик,

одамийлик, молу-дунёга хирс кўймаслик, ўз ножўя ишларидан тавба килишдек ахлокий-гоявий, тарбиявий талаб-қоидалар бизнинг кунларимизда ҳам гоятда муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўз даврининг комил инсони Баҳоуддин Накшбанд ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало у асос солган Накшбандийликнинг асосий моҳияти "кўл ишда, Аллоҳ дилда", "Қам егил, қам ухла ва қам гапир!" деган улуғ насиҳатлари ўта ҳаётийдир. Накшбандия таълимоти ҳалол меҳнат килишга, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, илм-маърифат, ҳаттотлик, бадий адабиёт, мусика билан шуқулланиш қаби фойдали қасб-ҳунарли ва ҳайрли ишлар сари даъват этади.

Зотан, Мустақиллик шарофати билан юртимиз тарихида, унинг маънавий сарчашмаларида сезиларли из қолдирган, уларни ўз қок руҳоний таълимотлари ила бойитган улуғ салафларимиз - Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Гиждувоний, Қафқол Шоший, Ҳожа Аҳроқ Валий сингари бобоқалонларимиз азиз номлари тикланиб, асарлари қоп этилиб, бебаҳо меқосларидан баҳра олаяпмизки, бу биз учун қатта бахтдир.

4. Қадимги Ўрта Осиёнинг ижтимоий ва маданий тарихини ўрганишда асосий манбалар:

Марқазий Осиё маданияти жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутати. Унинг ўрта асрлардаги маданиятига бутун дунё аллақачон муносиб баҳо берган. Ҳатто Бақтрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Ҳоразм, Қоч халқларининг қадимги маданияти ҳам жаҳонни ҳайратга солмоқда. Марқазий Осиё минтақасининг қадимги маданиятини ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлсада, тадқиқотчиларнинг бу маданиятининг ўзига ҳослиги ва бой мазмуни қол қолдирди. Марқазий Осиё маданияти ғарб ва Шарқнинг буюқ маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган ҳолда ўзига ҳос индивидуаллик қасб этадики, бу ҳусусият кейинги тараққиёт учун ҳамма негиз бўлиб қолади.

Марқазий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини белгилашда даставвал, унинг жуғрофий ўрни ва табиий воситаларига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Маданиятшунослик ҳар қандай маданиятнинг шаклланишидаги ўзига ҳос алфозни жой манзараси, иқлими, биосфера омилларининг аҳамияти борлигига алоҳида эътибор беради.

«Қадимги цивилизация» деб номланган рисолада Марқазий Осиё маданиятининг икки ҳусусияти кўрсатилади: бир томондан, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирида, иккинчи томондан, қадимги цивилизацияларининг бошқа ўчоқлари билан яқин алоқада ривожланиши. Бу ҳусусиятларни батафсил қузатадиган бўлсак Марқазий Осиё маданиятининг шаклланиш жараёнлари яққол намоён бўлади.

Марқазий Осиёни серҳосил водийси, чўл ва дашти, тоғларида яшовчи аҳолининг турмуш шароитидаги фарқлар турли хўжаликларнинг эртароқ пайдо бўлиши ўзига ҳос маданиятлар шаклланишига олиб келди. Бу жараён яқин қўшничилик муносабатлари асосида содир бўлиб, қабила ва халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари туфайли тараққиётнинг эртароқ бошланишига имқон яратди. Энг қадимги даврлардан деҳқончилик, қорвачилик ва тоғ овчи

қабилалари ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш Марказий Осиё халқлари иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиб, кейинги даврларда ҳам у узок сақланиб қолди. Турмуш тарзи ва ҳўжалик фаолиятидаги фарқланиш билан бирга минтақа халқларининг этник ва тиллардаги яқинлик жудаям уйғунлашиб кетганлиги қадимги Юнон ва Хитой манбаларида ҳам қайд қилинган. Марказий

Осиё халқларининг кучли иқтисодий алоқалари, этник ва тил бирлиги уларнинг бир-бирига айрича яшашига йўл қўймади.

Марказий Осиё ўртоқ деҳқончилик ва кўчманчи халқларида анча-мунча фарқлар бўлишига қарамасдан илгаридан яқин муносабатлар ўрнатилган. Диний эътиқодлар, урф-одатлар, фольклор, ахлоқий меъёрлардаги умумийлик маданий умумийликнинг шаклланишига олиб келган. Шунинг учун, бундан кейин Марказий Осиёнинг яхлит маданиятини ташкил қилувчи турли субманданиятлар мавжудлиги ҳақида тўхталиш жоиздир: Қадимги давлатлар судмаданияти (Бактрия, Суғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна), дашт кўчманчилари-сак, массагет, да-коччилар субмаданияти, Памир ва Тангритоғ қабилаларнинг субмаданияти.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослигининг иккинчи жиҳати минтақанинг ўта қулай жуғрофик ўрнашганлиги билан боғлиқ. Минтақа Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитой каби учта буюк Шарқ цивилизацияси билан бевосита чегарадош бўлиб, ғарб цивилизациясига хос бешинчи-Греция ва Рим билан алоқада ривожланган. Бундай алоқаларнинг муқаррарлиги туфайли Марказий Осиё маданияти Шарқ ва ғарб ўртасида воситачилик миссиясини бажаришига сабаб бўлди, яъни иқтисодий соҳаларда энг аввало халқаро савдода ва маданий созаларда ҳам Марказий Осиё ғарб ва Шарқ ўртасида боғлович кўприк вазифасини бажарди. Хусусан, Марказий Осиё хухуди орқали буддизм бутун дунёга ёйилди, Ҳиндистон ва Хитойга эллинистикмаданият кўринишлари ўтди, Шарқдан ғарбга ва ғарбдан Шарқга маданий бойликлар (билим, диний ғоя, кашфиёт, бидий асарларнинг) алмашиб туришида Марказий Осиё муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади.

Марказий Осиё маданиятининг буюк воситачилик миссияси бошқа маданий қадриятларини янгилаши, ўзлаштириш мазорати ва қайта ишлаш каби жиҳатларисиз бўлмас эди. Бу маданият қадимданоқ янги ҳодисаларни ўзлаштириш ва мослаштириш маҳоратига эга бўлди. Гарчи, бошқа қадимги Шарқ маданиятларидаги каби Марказий Осиё маданиятида ҳам анъаналар кенг ўрин эгалласада, улар айтарли характер касб этмайди, яъники, узлуксиз маданий янгиланиш ва тараққиёт жараёнига тўсиқ бўлмайди. Шунингдек, анъаналарнинг мустаҳкам ҳуқумронлиги тарихий вазиятга ҳам тўсқинлик қилганлигини таъкидлаш керак. Минтақа орқали катта босқинчилик юришлари, халқларнинг кўчишлари юз берган бўлиб, бу Марказий Осиё халқларининг тарихи давомида бир неча бор маданиятни сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

IX-XII асрларда Марказий Осиё минтақасида маданият юксалиши парвоз босқичга чиққанлиги тўғрисида гап борар экан, айнаи шу ҳудуд жаҳонни хайратга солган буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетакрор кашфиётлар бешиги-тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳатлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам

шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва музика санъати беқиёс даражада ривожланган, кутубхоналари фаолият кўрсатган.

Уйғониш даври маданиятининг буюк намоёндалари ўз ижод, излаишларида бевосита қадимги маданият меросга таяндилар. Аввалги маърузада Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, ҳиндистонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, бу тилларни яхши билганликларини қайд этган эдик. Юртни харобага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилган, илм аҳлларини қувғин этган (Ибн Кутайба) араб босқинига қарамай, қадимги бой маданият изсиз йўқолмади. Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр-шавқат, инсонпарварлик, муруват, оққунгиллик, бағрикенлик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч эҳтиром фазилатларидир. Юнон, Ҳинд, Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳлигина ўзга халқларни бошқалар маданияти билан яқиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам машҳур математик ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Фаробий Юнонистонлик Арастунинг фалсафий таълимонитини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги давра янги босқичга кўтарди, имом ал-Бухорий исломий таълимотни асослади Муҳаммад Пайғамбарда кейинги иккинчи шахсга айланди.

5. Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги.

Туркий элатларнинг кенг ҳудудларда қадим-қадим даврлардан буён яшаб, ўзларидан муносиб маданий из қолдириб келганлигини жуда кўплаб тарихий манбалар тасдиқ этади. Мўътабар Хитой манбалари, машҳур «Ўғизнома», Урхон-Энасой ёзувлари, Култегин битиклари бунга ишончли гувоҳдир. Олтой, Тува ҳамда уларга туташ ҳудудларда турли туркий қабилалар. чунончи, Ашин, Арғу, Ўғиз, Тўққиз ўғиз, Ўтгуз татар, Карлуқ, Китан, Толис, Турк, Уйғур, Тўқри (тоҳарлар), Куриқан, Дуба (туба-тува) ва бошқалар яшардилар.

Бумин 551 йилда янги давлат –Турк хоқонлигига асос солади. Унинг пойтахти Олтойдаги Ўтуқан шаҳри эди. Хоқонлик тез орада кучайиб, унинг довуғи ортиб борган. У кўп бор Хитойга подшолиги Турк хоқонлигига ҳар йили ўлпон тариқасида йилига юз минг бўлак ипак мато бериб туришга мажбур бўлган. 552 йилда Буминхон вафот этгач, ҳокимиятга унинг ўғли Муғанхон(553-572) ўтиради. Муғанхон 558 йилда жўжанларга сўнгги бор қақшатқич зарба бериб, ўз давлати ҳукмронлигини Тинч океанигача бўлган ҳудудларда мустаҳкамлайди. Унинг амакиси Истами (унга «Ябғу»-баҳодир унвони берилган эди) бўлса, бу даврда хоқонлик ҳудудини ғарбга томон кенгайтириб, Етгисув, Қашқар, Урал, Волга бўйлари ва бошқа ҳудудларни эгаллайди.

563-567 йиллар давомида Истами Ябғу қўшинлари эфталийларга кетма-кет зарбалар бериб унинг ҳудудларини, яъни ҳозирги Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллашга муваффақ бўлади. Бунинг оқибатида Эфталийлар ҳокимияти қулайди. Турк хоқонлиги Ўрта Осиё ерларини ишғол этгач, унинг ҳудудлари бевосита Эрон чегарасига туташади. Дастлаб хоқонлик

Эрон билан яхши қўшничилик, савдо-сотик алоқаларини ўрнатишга интилади. Эрон шоҳи Хусрав I Ануширвонга турк маликаси узатилади, Эронга элчилар юборилади. Бироқ Турк хоқонининг Эронга икки бор юборган элчилари фаолияти муваффақиятсиз чиққач, Эроннинг турклар билан мурасага бормаслиги, унинг қатъий душманлиги рўйирост маълум бўлади. Бунинг боиси Эрон шоҳининг Ўрта Осиё ҳудудларига даъвогарлигида эди. Бу эса, шубҳасиз, бир неча бор хоқонлиқнинг Эрон билан урушлар олиб боришига сабаб бўлади. Истами қўшинлари Эрон шоҳи Хисрав I ни енгади. Эрон шоҳлари Турк хоқонлигига 400 минг Византия тилласи ҳажмида тоvon тўлаш мажбуриятини олишга мажбур бўлади. Муғанхон ва унинг авлодлари ғарбда қора денгизгача бўлган ҳудудларни забт этиб, ўзларига бўйсундирадилар.

Турк хоқонлигида бошқарув тартиблари ҳақида гап борганда шунини таъкидлаш керакки, Турк хоқонлари Ўрта Осиё ҳудудларида ҳукмронлик қилса-да, бироқ ўзлари бу ҳудудларида ҳукмронлик қилса-да, бироқ ўзлари бу ҳудудга кўчиб келмадилар. Улар Еттисув ва бошқа ҳудудлардаги марказий қароргоҳларида қолиб, бўйсунган ҳудудларни маҳаллий ҳукмдорлар орқали бошқариб, улардан олинадиган солиқ-ўлпонлар ва тўловлар билан кифояланганлар. Бундан кўринадики, Турк хоқонлиги даврида бу ҳудуддаги мавжуд маҳаллий тузилмалари, уларнинг бошқарув тизимлари сақланиб, ички сиёсат бобидаги мустақил фаолиятлари давом этган. Хоқонлик истисно ҳоллардагина ўлканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига аралашарди. Бу нарса кўпроқ ташқи сиёсат, халқаро савдо-сотик масалаларига дахл этарди. Хитой манбаларида таъкидланганидек, Зарафшон, Амударё ва Қашқадарё воҳаларида бу даврда 9 та мустақил ҳокимлик-давлатлар мавжуд бўлган: Самарқанд, Иштихон Маймурғ, Кеш, Нахшаб, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхой шулар жумласидандир. Айниқса, самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Чоч (Тошкент) ҳокимликлари ўзларига анча мустақил бўлганлар. Бухорхудотлар зарб этган танга пуллар кенг муомалада бўлган. Шу билан бирликда бу давлат ҳокимликлари ўртасида ўзаро адоват, кураш, ички зиддиятлар тўхтовсиз бўлиб турган. Бу эса маҳаллий аҳоли ҳаёти, турмишни ночор аҳволга дучор этган. 585-586 йилларда Бухорода зодагон деҳқон ва бой савдогарлар қарши кўзғолон кўтарилади. Унга Обрўй бошчилик қилади. Қоқон Қорачурин қўшинлари кўзғолонни бостириб, кўзғолончиларни қаттиқ жазолайди. Арслон Тўба хоқон даврида –581 йилда Турк хоқонлиги икки қисмга ғарбий ва шарқий Турк хоқонликларига бўлиниб кетган. ғарбий хоқонлик ҳукмдори Қорачурининг 588 йилда Эрон билан бошлаган уруши кутилмаганда унинг ўлими ва мағлубияти билан якун топади. Бу ҳол ғарбий Турк хоқонлигининг кескин заифлашувиға сабаб бўлади. Фақат VII аср бошларига келибгина ғарбий хоқонлик яна янгидан ривожланиши сари юз тутади.

Хитой Тан сулоласи (618-907 йил) ҳукмронлиги даврида Турк хоқонлиги билан Хитой ўртасида фойдали алоқалар кенг йўлга қўйилади. Масалан, 627-644 йилларда Ўрта Осиёдан Хитойга 9 марта савдо қарвонлари юборилган. VII асрнинг 30-йиллирида хоқонлик ҳудудларини кезган хитойлик сайёҳ Сюан Цин Иссиққўл, Чу водийси, Чоч, Самарқанд, Бухоро каби жойларнинг анча гавжум ва обод бўлганлигини қайд этади. Тан сулоласи 659 йилда Шарқий Турк хоқонлигини ўзига бўйсундиради.

Энди хоқонлик даврида Туронзаминда кечган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга назар ташлар эканмиз, шу нарса аён бўладики, Турк хоқонлигининг шарқий ерларидан фарқли ўлароқ, бу ҳудудда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи, маданий даражаси нисбатан юқори бўлган. Гап шундаки, шарқий ҳудудларда яшаган кўпчилик кўчманчи туркларда уруғ-қабилачилик муносабатлари ҳамон кучли сақланган. Аҳолининг қуйи табақаси будун ёки қора будунлар деб аталган. Уруғ-қабиланинг номдор вакиллари «беклар» деб юритилган. Жамоани хоқон ва зодагонлар кенгаши-«курултой» бошқарган. Катта патриархал оилалар-хўжаликларнинг бошлиқлари «Қадхудолар» деб аталган. Ўрта Осиё ерларида эса бу даврда деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳалари юксак даражада ривожланган. Ўлканинг Фарғона, Хоразим ва Зарафшон воҳаларида кўплаб сув айирғичлар, каналлар, сув ҳавзалари бунёд этилган. Фарғона ва Суғдда аҳолининг бир қисми тоғ-кон ишлари билан ҳам машғул бўлган. Бу ерларда олтин, мис, темир эритиш, улардан керакли асбоб-анжомлар ишлаш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, Илоқда қўрғошин, қумуш, Шахрисабзда эса қизил туз казиб олинган.

Хоқонлик даврида шаҳарлар ҳаёти хийла ривож топган. Хитой манбаларида тилга олинган Хоразим, Фарғона, Сўғд, Чу водийсида Тупроққалъа, Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Тошкент, Исфара, Қубо (Кува), Косон каби ўша даврнинг ҳунармандчилик ва совдо-сотиқ тармоқлари гуркираб ривожланаётган шаҳарлар бўлган. Буюк ипак йўли бу шаҳарларнинг халқаро савдода фаол иштирок этишини таъминлаган. Ўрта Осиёлик қўли гул ҳунармандлар, тўқувчилар, заргарлар, мискару темирчилар, кўнчию қуролсозлар ишлаб чиқарган нафис, харидоргир буюмлар, асбоб-анжомлар дунёнинг турли нуқталарига юборилган. Маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган рангли шишалар, қимматбаҳо қоғозлар, хотдор отларга халқаро миқёсда талаб катта бўлган. Бу даврнинг ўзига хос муҳим ўзгаришларидан яна бири-бу Ўрта Осиё қўлчилиги ҳунарининг юксак санъат даражасида ривожланганлигидир.

Бу даврда ҳам юртимизда моддий ва маънавий маданиятнинг янги-янги бетимсол намуналари яратилди. Турли олимлар, мутахассислар баҳсига сабаб бўлган Турк-руин, Урхон-Энасой ёзуви, Қўлтегин битиклари, Билга хоқон ёдномаси ва шу сингари ноёб топилмалар турк ёзма маданиятининг қадимийлиги ва ранг-баранглигига гувоҳлик беради. 1970 йилда Алмати яқинидаги «Иссиқ» деган жойдан топилган ва фанга «Иссиқ ёзуви» номи билан кирган туркий ёзув ҳам бизнинг ёзув тарихимизга оид қарашларимизни янада бойитади. Эндиликда топилган ноёб ашёи далиллар асосида туркий ёзувнинг тарихи милоддан аввалги II-I асрларга бориб туташиши маълум бўлади.

Турк хоқонлигида яшаган диний тасаввурлари ҳам турлича бўлган, кўп ҳудудчилик ҳукм сурган. Бу эса уларда турли хил осмоний ва ер жисмларига- қуёш, ой, ер-сув, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларга сиғинишликни келтириб чиқарган. Осмон худоси Тангри турк қавмларининг энг олий худоси ҳисобланган. Ҳозирда «Тангри» ибораси Олх номига нисбат сифатида қўлланилади.

Ўрта Осиё халқлари орасида зардуштийлик дини билан бир қаторда кўпгина жойларда буддизм, ионизм ёки христианлик динларига эътиқод қилишлик кенг ёйилган. Бу нарса қадимги аجدодларимизнинг тор, биқик ҳолда ҳаёт кечирмасдан

балки, бошқа кўплаб қавмлар, элатлар билан боғланиб, аралашиб, маънавий жиҳатдан яқинлашиб ҳаёт кечирганликларидан далолат беради. Ўрта Осиё халқлари орасида тасвирий санъат ўзига хос услубда ривожланган. Жумладан, Вархша харобаларидан топилган сарой бинолари деворлари, пештоқларига битилган ранг-баранг, бир-биридан нафис ва жозибадор расм-суратларни (қуролланган ёхуд ов қилаётган жангчи аскарлар, оқ филлар, туялар, отлар ва бошқа хил ҳайвонлар, паррандаю даррандалар ва.х.к) кўздан кечиран эканмиз, бунда аجدодларимизнинг ноёб истеъдоди ва ақл-заковатига тан берамиз ва ўзимизда ғурур туямиз.

Шундай қилиб, Турк хоқонлиги ўз даврида энг йирик давлат эди. Турон хонлари Хитой, Эрон ва Византия билан муносабатларда узоқ йиллар ўз ҳукмини ўтказганлар, Хоқонлик даври моддий ва маънавий маданияти, унинг нодир намуналари Туронзамин халқларининг тўлақонли турмуш тарзини ўзига хос йўсинда акс эттириб қолмасдан, улуг бобоқолонларимиз даҳосининг теранлигидан, уларнинг юксак ижодкорлиги, изланувчанлигидан ҳам шаҳодат беради.

Ўрта асрлар дунёсида жуда катта из қолдирган, Мағриб ва Машриқнинг кўплаб давлатларини ўзига бўйсундириб, қудратли салтанат даражасига кўтарилган Араб халифалиги ўзининг ижтимоий-тадрижий тараққиёти давомида мураккаб, зиддиятли тарихий жараёнларни босиб ўтган. Энг муҳими, унинг вужудга келиши, ривожланиш сари йўл тутиши ҳам ғоятда зиддиятли, алғов-далғовли кечган. Бунинг боиси шуки, VI асрнинг ўрталарига қадар Арабистон ярим оролида яшаган қабила, уруғларнинг ҳаёт тарзи қолоқ бўлиб, уларнинг мутлақ кўпчилигида ибтидоий- патриархал тузум муносабатлари ҳукм сурган. Кўчманчи бадавий оилалари, уруғлари ўз чорва моллари учун ер-сув, ўтлоқ қидириб, кенг саҳроларни кезиб юрганлар. Фақатгина ярим оролнинг Қизил денгизга туташ Ҳижоз воҳаси ва жанубий Яманда аҳвол бирмунча бошқачароқ бўлиб, бу ҳудудларда араб қабилалари асосан ўтроқ ҳаёт кечирган, савдо-сотик, ҳунармандчилик анча ривож топган эди. Айниқса, Ҳижознинг бош шаҳри-Макка халқаро қарвон савдосининг муҳим маркази ҳисобланган. Маккалик қурайш қабиласи савдогарларининг турли минтақалар билан боғланганлиги, савдо-тижорат ва ҳунармандчилик ишларининг кучайиб бориши пировардида бу ҳудуднинг ҳар жиҳатдан мавқеини кўтарибгина қолмай, шу билан бирга унинг тарқоқ қабила, уруғларни бирлаштириш, марказлашган кучли давлат тузишдаги етакчилик ўрнини ҳам тайин қилиб берган. Хусусан Макка аҳолиси теварагида кўчманчи араб қабилаларининг бирлашуви жараёнига туртки берган яна бир муҳим омил-бу шу ерлик қурайш қабиласининг хошимийлар уруғидан чиққан пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳи вассалам номи билан пайдо бўлиб, кенг ёйила бошлаган ислом дини ва таълимоти бўлди. Гап шундаки, ўзида яқка ҳудолик ғоясини мужассамлаштирган, халқларни бирлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-мурувватлик, дўстлик сингари олижаноб фазилатларга даъват этувчи ислом ғоялари ҳар қандай тўсиқларни, қийинчиликларни бартараф этиб, турли-туман араб қабила-қавмлари онги, қалбига йўл топиб, уларни ўзининг яшил байроғи остига бирлаштира борди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570-632) ҳаётининг охирларига келиб кўп сонли араб қабилаларининг ислом байроғи

остида бирлашуви негизида Араб халифалигига асос солинди. Бу давлатнинг қудрати Пайғамбаримиз ноиблари-чориёрлари-Абу Бакр Сиддиқ (632-634), Ҳазрати Умар (634-644), Ҳазрати Усмон (644-659) ва Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (656-661) даврида янада ортиб, ҳудудий чегаралари кенгая борди. Халифалик таркибига Шом, Ироқ, Яман ва бошқа ҳудудлар қўшиб олинди. Уммавийлар даврида (661-750) Араб халифалиги ҳукмронлиги шу қадар катта ҳудудларга ёйилдики, унинг таркибига ғарбда Миср, шимолий Африка ерлари, Андалузия (ҳозирги Испания), шимоли шарқда Кичик Осиёнинг катта қисми, Эрон ва Ўрта Осиё, шимолий-ғарбий Ҳинд сарҳадлари кирар эди.

Араб халифалигининг истилочилик юришларида Ўрта Осиё ерларини босиб олиш ва унинг халқларини итоатга келтириш, бу ҳудудда ислом динини ёйиш алоҳида ўрин тутди. Негаки, бизнинг ўлкамиздек, бой-бадавлат юртни қўлга киритиш, унга ҳукмронлик қилиш, беҳисоб моддий ва маънавий бойликларни тасарруф этиш-бу араб ҳукмрон доираларининг энг асосий истиқлолчилик мақсадлари бўлган. VII аср ўрталарига келиб Эрон ҳудудлари эгаллангач, эндиликда халифалик эътибори Хуросон ва Ўрта Осиё ерларини босиб олишга қаратилади. Бунда Ватанимиз сарҳадларида араблар истилоси жараёни икки босқичда амалга оширилганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Унинг биринчи босқичи-VII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келиб, бу даврда айрим араб лашкарбошилари қўшини Амударё атрофидаги ҳудудларга бир неча бор ҳужмлар уюштириб бу ерларнинг бойликларини талаб, маълум ўлжаларни қўлга киритиб, ортга қайтганлигини кузатиш мумкин. Бунда кўзда тутилган асосий мақсад-бу ҳудудларни яқин келажакда босиб олишга тайёргарлик кўриш бўлган. Масалан, араб лашкарбошилари Зиёд дин Абу Сўфиёнинг 666 йилда Марвга юриши, 670 йилда унинг ўғли Убайдулла ибн зиёднинг Амудан ўтиб Бойқанд, Ромитон ерларини эгаллаши, сўнгра Бухоро ҳукмдорини енгиб ўз фойдасига сулҳ тузиб, катта хазина, бойликларини қўлга киритиши ва ниҳоят, 675-676 йилларда Саид ибн Усмоннинг янгидан Бухоро ва Самарқанд томон қўшин тортиб келиши ва маҳаллий ҳукмдорларни енгиб, катта бойлик ва кўп сонли асрлар билан Арабистонга қайтиб кетиши-булар Ўрта Осиё ҳудудларини эгаллаш борасидаги дастлабки уринишлар эди.

Ўлкамизни босиб олишнинг иккинчи, хал қилувчи босқичи VIII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Хуросон, 704 йилда Қутайба ибн Муслимнинг Хуросон ноибни этиб тайинланиши билан унинг зиммасига бутун Ўрта Осиё ҳудудларини узил-кесил босиб олиш вазифаси юкланади. Истедодли лашкарбоши Қутайба катта тайёргарлик кўргандан сўнг 706 йилда Жайхун (Амударё)дан ўтиб Бойқандни эгаллаш сари ҳаракатланади. Араблар маҳаллий халқ қаршилигини енгиб шаҳарни қўлга киритадилар, унинг бойликларини талайдилар. Ўлжа олинган бойликлар тортиб кўрилганда уларнинг оғирлиги 150 минг мисқол (бир мисқол-4,240 гр)чиқади. 707 йилга келиб Кеш, Нақшаб ҳам оғир жанглар билан фатҳ этилади. 708-709 йилларда Қутайба қўшини Варданзе, Ромитон ва Сўғд ерларини ишғол қилади. ғоятда уста дипломат ва моҳир саркарда саналган Қутайба маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро келишуви ва иттифоқига изм бермай, бу ҳудудларни бирин кетин эгаллайди. Сўғднинг бош шаҳри- Самарқанд босиб олингач, қўлга киритилган олтин бутлар ва хазиналарнинг умумий оғирлиги 50

минг мисқолни ташкил этган. Самарқанд хокими ғурак (709-738йиллар) билан тузилган Шартномага биноан у арабларга йилига 2200000 дрҳам товон тўлаши, 30 минг бакуват йигитларни қул ўрнида бериши кўзда тутилган эди. Бунинг устига Самарқанднинг энг гавжум мавзеси-Афросиёб келгинди араб аҳолиси учун турар жой сифатида берилади. Унинг туб аҳолиси эса ўз жойидан маҳрум этилади. Самарқанддан сўнг араб лашкарлари Бухорони босиб олиб унинг бойликларини талайдилар. Бироқ Қутайба тобе Бухорони бошқаришни Бухоро хукмдори Хотун подшонинг ўғли Тоғшода измида қолдиради. Қутайба ибн Муслим 711-715 йилларда Тошкент, Хўжанд, Шарқий Туркистон ерларини босиб олиб, бу ерларда ҳам ўз хукмронлигини ўрнатади. Шу тариқа, араблар Мовароуннахр (дарё орти) деб ном берган Ўрта Осиё худудлари VIII асрнинг дастлабки ўн йилликлари давомида босиб олинди. Араблар истилочилар сифатида бу худудда маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз зулм ва зўравонлик ўтказдилар. Халқ томонидан асрлар давомида яратилган ноёб моддий ва маънавий бойликлар асори атиқалар таланди, яксон қилинди. Маҳаллий ёзувларда битилган нодир китоблар, қўлёзмалар ёндирилди. Зардўштийлик, Буддизм динининг кўплаб ибодатхоналари, муқаддас қадамжолари кунпая-кун этилди. Улуғ бобокалонимиз Беруний ўзининг «Ўтмиш аجدодлардан қолган ёдгорликлар» асарида аччиқ алам билан таъкидлаганидек, араблар маҳаллий дин, санъат адабиёт намоёндаларини, олимларни ўлдирдилар, асарларини эса оловда ёндирдилар. Сўнгра улар аجدодларимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган маҳаллий ёзувлар, тарихий хужжатларни йўқ қилдилар. Мусулмончилик динига, ислом ақидаларига зид келадиган жамики нарсалар уларнинг назарида ғайритабиий ҳол ҳисобланиб, улар аёвсиз йўқ қилинди. Буларнинг ўрнига араблар аҳолидан олинган мўмай даромадлар, тўловлар эвазига ҳашаматли, сервиқор масжиду мадрасалар, хонақалар, мақбаралар барпо этиб, одамларни уларга даъват этдилар. Юртимиз жоловини қўлга олган араб хукмдорлари халққа зулму, асоратини кучайтириш мақсадида турли хил солиқ, ўлпонларни жорий этдилар.

Араб халифалиги хазинасига тўланиши мажбурий бўлган марказлаштирилган солиқ турлари қуйидагилардан иборат бўлган:

- хирож, даромаднинг учдан бир қисми миқдорида йиғилган;
- ушр, давлат идора ишлари учун даромаднинг 10 фоизи миқдорида олинган;
- жузья-жон солиғи, озиқ-овқат, хомашё ёки пул ҳисобида йиғилган;
- закот, мол-мулкнинг 2,5 фоизи миқдорида олинган.

Аҳолидан олинадиган марказлашган солиқлар ҳажми даромаднинг қарийб ярмини ташкил этарди. Бундан ташқари аҳолига маҳаллий ва мавсумий солиқ ва мажбуриятлар ҳам юклатилган. IX аср араб тарихчиси Хўрдодбехнинг кўрсатишича, халифаликка фақат хирож солиғи ҳисобига Сўғд вилояти 326 минг, Фарғона 280 минг, Шош 607 минг, Уструшон 50 минг дарҳам тўлаган. Бухоро ва Самарқандга белгиланган хирож солиғи миқдори булардан ҳам кўп бўлган, албатта. Шу боисдан истилочилар «Куч хирожда» деганлар. Маҳаллий аҳоли кўзда тутилган бу солиқларни мунтазам тўлаб боришга мажбур этилган. Бордию бунга қурби етмаса ўша шахснинг ери, мулки тортиб олиниб, ўзи эса оиласи билан кўчага улоқтирилган. Араблар дастлаб жузья солиғини мусулмон динига кирмаган одамларга жорий этганлар. Бироқ кейинчалик ҳамма исломга кира бошлагач, бу

солиқ яна барча ерли аҳолига баб-баравар солина берган. Айниқса, ўлка аҳолисини исломлаштиришжараёни ғоят мураккаб кечган. Араб маъмурлари бу соҳада кўп ҳолларда зўрлик, зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан маҳаллий халқ вакиллари, исломни қабул қилишга ундаганлар. Бунга кўнмаганлар ёхуд бош тортганлар эса шафқатсиз жазоланган. Кўп жойларда маҳаллий кишилар ноиложликдан, қийин-қистов асосида мусулмончиликни мажбуран қабул этган бўлсаларда, бироқ араблар кўздан нари кетиши билан улар яна бу диндан қайтиб ўзларининг эски диний ақида ва маросимларига амал қила берганлар. Ҳатто, араблар ишончини қозониб мусулмон динини тантанавор қабул қилган Бухорхудод Тоғшада ҳам ислом динини хўжа кўрсинга юзаки қабул қилган бўлиб, аслида зардуштийлик аҳкомларига амал қилган. У вафот этганда ҳам аجدодлар диний маросимларга кўра дафн этилган. Бундан кўринадики, ислом дини ва унинг руқнларининг маҳаллий халқ орасида ёйилиши ниҳоятда қийин, мураккаб кечган. Бу жараёнда беҳисоб қурбонлар берилган. Арабларнинг ўзларини хўжалар, саҳобалар, саййидлар, оқ суяклар деб атаб, маҳаллий халққа нисбатан менсимаслик, каландимоғлик билан қарашлари ҳам маҳаллий аҳолида уларга нисбатан нафрат туйғусини кучайтирган. Сўнгра арабларнинг ўз юртларидан кўп минглаб қабила, уруғларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириб энг яхши жойларга жойлаштириш, маҳаллий оилаларни ўз ер-мулкидан маҳрум этилиши ҳам уларга қарши оммавий норизоликларнинг кучайиб боришига боис бўлди.

Арабларнинг Ватанимиз худудида юргизган зўравонлик ва мустамлакачилик сиёсати, шубҳасиз, ерли аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Бунинг натижасида араблар ҳукмронлиги давомида ўлканинг турли худудларида халқ ғалаёнлари юзага келиб, алангаланиб борди. 720-722 йилларда Сўғдиёнада юз берган ғўрак (Самарқанд ҳукмдори) ва Деваштич (Панжикент ҳокими) бошчилигидаги қўзғолон араблар ҳукмронликлгига қарши йўналган дастлабки шиддатли халқ ҳаракатларидан бири бўлган. Унда араблар сиёсати ва зулмидан ғзабга келган ўн минглаб маҳаллий халқ вакиллари иштирок этган. Хуросоннинг янги тайинланган ва золимлиги билан ном чиқарган ноиб Ал-Хороший, унинг лашкарбошиси Муссайёб ибн Башир Ар Риёҳийлар катта мунтазам ҳарбий куч билан мазкур қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиришга муваффақ бўладилар. Қўзғолон раҳбарларидан бири Дивашти ҳам ушланиб қатл этилади. 725-729 йиллар давомида халифаликнинг оғир солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро вилоятларида кўтарилган қўзғолонлар ҳам халқ озодлик курашида сезиларли из қолдирди. Қўзғолончиларнинг анча қисми араб маъмурлари сиёсатига норозичилик билдириб, ислом динидан чиқадилар. Кеш атрофида юз берган маҳаллий аҳолининг араблар билан тўқнашуви ростмана жангу жадал тусини олган. 736-737 йилларда Тоҳаристон ва Сўғдда яшаган кўтарилаган кучли қўзғолон ўз сафига аҳолининг турли ижтимоий қатламларини жалб этганди. Фақат Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг янги ҳукмдори, уста дипломат, ўткир сиёсатчи Наср ибн Сайёр (738-748)нинг уддабурон сиёсати, низоли масалаларни хал этиш борасидаги эпчил тадбирлари туфайлигина қўзғолон ҳаракатларини бартараф этиш, ўлкада мувозанатни сақлаш мумкин бўлди. Бунда у маҳаллий аҳолига, айниқса, унинг нуфузли қатламига муайян ён беришга мажбур бўлди. Жумладан, у арабларнинг маҳаллий аҳоли билан қон-қардошлик

алоқаларини кучайтиришга интилди. Ўзи ҳам Бухорхудот Тоғшоданинг қизига уйланди. Исломни қабул қилган кишилар жузъядан озод этилди ва барча мусулмонлар ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди. Хирож солиғи тўлаш барча учун баравар деб эълон қилинади.

6. Ўрта Осиёда Уйғониш даврининг уч босқичи ва уларнинг асосий белгилари.

Тарихдан аёнки, ижтимоий тараккиёт доимо бир йусунда, раён бўлмаган. Одамзод умумий ривожланиш билан бирга канчадан-канча тусикларни, таназул ва тушқунликларни бошидан кечирган ва сунг уларни бартараф этиб, уз моддий ва маданий даражасини қайта тиклаган ва янги тараккиёт сари астойдил интилган. Фанда бундай йирик, салмоқли юксалишни тикланиш, «уйғониш», «ренессанс» ҳам деб атайдилар. Хусусан Гарбий Европада бундай ренессанс XV-XVIII асрларда деярли 700 йиллик хурофат зулматдан сунг юз берган. Марказий Осиёда илк уйғониш даври IX-XII асрларга тугри келди ва узгача шарт-шароитларда кечди. Унинг кулами, оқибатлари, жахон цивилизациясига таъсири ҳам булакча бўлган.

Ўлкамиз худудида милоддан аввалги даврларда эришилган моддий ва маънавий маданият янги асрларда Кушон подишолиғи, эфталитлар давлати ва Турк хоконлиғи даврларида ушиб борди. Меъморликда янги қурилиш гоёлари вужудга келди ва улар мураккаб муҳандислик ечими асосида амалга ошди.

(Масалан Устуришона, Вархша ва бошқалар). Хунармандчилик ривожланди, уларнинг янги турлари вужудга келди. Савдо-сотик, қушни юрт, элатлар билан муносабатлар ривож топди, сугорма деҳқончилик майдонлари кенгайди, янги сув иншоотлари барпо этилди. Аҳоли уртасида саводхонликка интилиш кучайди. Мавжуд дин ва ақидалар узаро муросада яшади. Маданий ҳаёт, саънатни турли жанрлари бойиди. Табiiй фанларга, атроф муҳитни англашга, кенгрок билишга интилиш кучайди. Лекин, VIII аср бошларида Марказий Осиё аҳолиси араблар босқини натижасида оғир қийинчиликларга дучор бўлди ва истилога қарши қуп йиллик қураш олиб борди. Абу РайхонБеруний асосли равишда араблар истилоси оқибатида Сугд ва Хоразмнинг бой маданияти барбод бўлди, деб афсусланган эди. Шу билан бирга араб халифалигида ҳам катта узгаришлар юз берди. Уммавийлар сулоласидан ҳокимият Аббосийларга утганлиғи муҳим воқеа бўлди. Янги сулола бенихоя катта салтанатни идора қилишда, унинг тараккиетининг таъминлашда илму-фаннинг аҳамиятини чуқуррок англади. Хулоса Хорунар-рашид (786-809), сўнгра унинг ўғли Маъмур ўз тасарвуридаги улкадан олимларни халифалик пойтахти Богдодга таклиф этдилар, уларни самарали ишлари учун шароит яратдилар.

Ўлкамизда ислом динининг тарқалиши, унинг маҳалий одат-удумлари билан тез орада уйғунлашуви катта аҳамиятга эга бўлди. Маданий соҳада хусусан исломнинг ахлоқий тариқатлари, шунингдек IX-X асрлардаги дунёвий илимларни ривож и араб дунесидаги ижтимоий-маънавий вазиятни анча узгартирди. Шунинг билан бирга араб (ислом) цивилизациясининг шаклланишда Хиндистон, Эрон, Юнонистон, Марказий Осиё ва Кавказ халқларнинг маданиятининг таъсири катта бўлган Минтакамизда қадимдан цивилизация асослари, моддий ва

маънавий маданиятнинг чуқур илдизлари мавжуд эди. VIII аср охирлари IX аср бошларида Марказий Осиёда ижтимоий ва сиёсий вазият янги барқарорлашди. Бундай шароит минтақада илм-фан, умуман маданиятнинг кенг куламда ривожланиши учун асос яратди. Хусусан, Бухаро, Самарканд, Хива, Термиз, Фарғона Хужанд, Кукон каби шаҳарлар маданият учоқларига айланди. Хоразмда эса Маъмун академияси ташкил топди.

Ўлкадаги Мазкур маданий юксалиш феодал муносабатларнинг хусусан феодал бошқарувининг марказларига айланган шаҳарларнинг у ердаги хунармандчилик, савдо-сотик алоқаларининг тезлик билан ривожланиши асосида вужудга келди. Бу ривожланиш эса Ўрта Осиёнинг араб халифалигига қўшилиши, кенг савдо-сотик алоқаларига киришуви исломнинг тарқалиши натижасида янада авж олди.

Аввалдан мавжуд бўлган ва Ўрта Осиёнинг Ғарбидан Шарқигача кесиб ўтган ҳамда катор шаҳарларнинг ҳам уз ичига олган машҳур Ипак йули мавқеининг янада қуяйиши ҳам маданий ривожланишда муҳим роль уйнади.

4. Табиий, фалсафий-ахлоқий ва диний фанларнинг таракқий этиши.

IX-XII асрларда Марказий Осиё минтақасида маданият юксалиши парвоз босқичга чиққанлиги тўғрисида гап борар экан, айтиш шунинг учун ҳудуд жаҳонни хайратга солган буюк мутафаккирларни етиштириб берганлиги, илм-маърифат, бетакрор кашфиётлар бешиги-тарихда «Мусулмон маданияти», «араб маданияти» деб номланган тушунчалар билан баҳолангани бежиз эмас. Ўрта аср тарихчилари ва сайёҳатлари ушбу даврда Марказий Осиёда иқтисод, савдо ўсганлиги, кўркам шаҳарлар қад кўтарганлиги, илм-маърифат гуркираб ривожланганлиги ҳақида маълумот берадилар. Монументал меъморчилик, тасвирий санъат, мусаввирлик ва музика санъати беқиёс даражада ривожланган, кутубхоналари фаолият кўрсатган.

Уйғониш даври маданиятининг буюк намоёндалари ўз ижод, излаишларида бевосита қадимги маданият меросга таяндилар. Аввалги маърузада Марказий Осиё халқларининг қадимги юнонлар, римликлар, месопотамияликлар, ҳиндистонликлар ва хитойликларнинг маданияти билан яқиндан таниш бўлганлиги, бу тилларни яхши билганликларини қайд этган эдик. Юртни харобага айлантирган, маданий ёдгорликларни хонавайрон қилган, илм аҳллари қувғин этган (Ибн Кутайба) араб босқинига қарамай, қадимги бой маданият изсиз йўқолмади. Ислом бутун маданиятга, тилга, удум-анъаналарга маълум даражада ўз таъсирини ўтказган бўлсада, унинг моҳияти ўзгармади. Бу халқимизга хос эзгулик, меҳр-шавқат, инсонпарварлик, ҳайр-мурувват, оққунгиллик, бағрикенлик, илмга ташналик, ўзга халқларга ишонч эҳтиром фазилатларидир. Юнон, Ҳинд, Хитой маданиятини жуда яхши билган Марказий Осиёнинг илм аҳлигина ўзга халқларни бошқалар маданияти билан яқиндан таништириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам машҳур математик ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб тизимини, Фаробий Юнонистонлик Арастунинг фалсафий таълимотини, Ибн Сино Гиппократ тиббиётини янги давра янги босқичга кўтарди, имом ал-Бухорий исломий таълимотни асослади Муҳаммад Пайғамбарда кейинги иккинчи шахсга айланди.

Меъморилик, тасвирий санъат ва амалий санъат.

Уйғониш даврида миллий маданиятни юксалтиришга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақилликни кўлга киритган Сомонийлар шажарасининг биринчи хукмдорлари миллий маданий кадриятларни барқарор этмасдан туриб тўла давлат мустақиллигига эришиш мумкин эмаслигини англадилар. Жумладан, она юрт мадҳи бу даврда шу даражага кўтарилдики, зардуштийлик эсланмай қолди. Араб ёзувида бадий ижодни таъқиқламаган ҳолда, сомонийлар оддий халқ англайдиган тилда ёзган муаллифларни тўла қўллаб-қувватладилар. Сомонийлар нафақат адабиёт аҳлига, барча олимларга хомийлик кўрсатиб, Шероз кутубхонаси билан рақобат даражасида бўлган улкан кутубхона асосладилар. Улуғ аллома ибн Синонинг хотирлашича, кутубхона кўпхонали бўлиб, хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари бошқасига фикҳга оид китоб таҳланган. Шу тартибда ҳар бир хонада фанинг маълум соҳасига доир китоблар жамланган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Марказий Осиё, Қадимий цивилизация, рухий қувват, субмаданият, зардуштийлик, Авесто, Аҳмонийлар, Юнон – Бактрия, меҳроб, солнома, буддавийлик, оромий, Сўғд, Уйғониш даври, Ренессанс, Мусулмон маданияти, Қорахонийлар давлати, Самонийлар, минатюра, мусаввирлик, хаттотлик, кўлёзма.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Марказий Осиё ҳудудида қандай қадимий халқлар яшаган ва давлатлар мавжуд бўлган?
2. Марказий Осиё маданиятининг тарихан ўзига хослиги.
3. Марказий Осиё маданиятининг характерли белгилари.
4. Уйғониш даври тушунчаси ва Шарқ уйғонишининг ўзига хослиги.
5. IX-XII асрларда Марказий Осиёда маданият равнақининг омиллари.
6. Уйғониш даври маданиятининг асосий белгилари.
7. Ҳозирги даврда маданий мерос ва ўтмиш анъаналарини тиклаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар.

7-МАВЗУ: А.ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ (xiv асрнинг иккинчи ярми-xv аср) (2 СОАТ)

РЕЖА:

1. Амир Темури ва темурийлар даври маданияти.
2. Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда илм-фан ривож.
3. Ўзбек адабиётининг вужудга келиши.
4. Мовароуннаҳрда тиббиёт, фалсафа, тарих илми.

1. Амир Темури ва темурийлар даври маданияти.

Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданиятида алоҳида давр ҳисобланган бў давр хусусан, ўзбек маданиятининг бугунги ҳукукий жойлашуида асос бўлиб хизмат қилади. аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик раванқ топди. Мамлакат пойтахти Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий ва чет мамлакатларидан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморларни ва мусаввирларни тўплади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга боғлиқлигини яхши тушунган Амир Ангор канални қаздирди ва Мурғоб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланади. Лалмикор ерларда ариқлар қазилди. Деҳқончиликда донли экинлар, пахта, зиғир экилган. Буёқ учун рўян ўсимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар кўп экилган. Узум, лимон етиштирилган.

Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа-ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тўқимачилик, қурулчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин тутган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳалалари қурилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, канош толасидан газмоллар тўқилган. Ипакдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, духоба, хоро, дебо каби газмоллар тўқилган.

XV-асрда металл буюмлар-уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, қурул-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуросозлар марказига айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфохоний ясаган жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисгар ва чилангарлар металлни тоблаш, қуйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

Темурийлар давридаги илм-фан.

Ўрта Осиё заминиде темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намоён бўлди. Оксарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасангиз биноларимизга боқ!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Темур даврида Мовароуннаҳр шаҳарлари қурилишида истехкомлар, шоҳ кўчалар, меъморий мажмуалар кенг кўлам касб этади. Илк ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми бўлган «Шаҳристон» дан кўлам ва мазмуни билан фарқ қилувчи «ҳисор» қурилишини Самарқанд ва Шаҳрисабзда кузатиш мумкин. Темур даврининг Кеш шаҳар қурилиши

якунланди. «Хисор»нинг жануби-ғарбида ҳукумат сороий Оксарой ва атрофида работлар, боғ-роғлар қурилди.

Шаҳар маҳаллалардан иборат бўлиб, гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва темурийлар даврининг янги босқичига кўтарилди, иншоотлар кўлами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни кўйди.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темур ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги куратилади. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси-маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчиси-шаҳар ташқарисидаги боғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросимлари, мажлислар ўтказилган ва хордик чиқарганлар.

Амир Темур ва Улуғбек даврида тасвирий санъан турли йўналиш бўйича юксалди. Ислонда жонли нарсалар тасвирига сиғинмаслик тасвирий санъатда нақшнинг равнақига сабаб бўлди. Ўрта Осиёда араблар босқини туфайли тўхтаб қолган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Хаттотлик-кўлёзма адабиётнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Миниатюра-тасвирий санъатга ҳам аввало нақш сифатида қаралган. Темурийлар даврида тикланган деворий суратлар эса XVI асрда яна тўхтаб қолди. Самарқанддаги Темурийларнинг сарой-қароргоҳларида қабул маросимлари, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири тушурилган деворий суратлар бўлган.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насхи, куфий, деворий хатлари билан пештоқларни безовчи махсус устахоналар китоботчиликнинг равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Ҳозир Туркия ва Берлик кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-ҳомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиклар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий ҳунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. Бадиий ҳуранмандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошинкорлар кулолчилиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди.

Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга хомийлик ҳам қилган. Халил Султон, Ҳусайн Байқаро кабилар ўз шеърларидан девон тузганлар.

Темурийлар даврида яратилган адабиёт тасаввуфнинг адабиёти даражасини бегилади. Адабиёт тасаввуфнинг ғоявий мазмунида илоҳий масалаларни қамраб олиб умуминсоний тафаккурни ифодалайди.

Саъдудин Тафтазоний(1322-1392) ислом фалсафаси, мантиқ, шеърят ва араб тилига бағишланган 40 дан ортиқ асарини муаллифи. Унинг машҳур асарлари: «Мантиқ ва каломга сайқал бериш», «Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари», «Кенг талқин», «Йўл бошловчи раҳбар» ва ҳоказо. Унинг илмий-фалсафий қарашлари негизида ирода эркинлиги муоммоси алоҳида ўрин тутди.

Мир Саййид Шариф Журжоний(1339-1413) 50 дан ортиқ асар муаллифи. Булар орасида билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини тадқиқ этувчи «Таърифлар», «Мантиқ усули», «Одоб ул-мунозара» асарлари алоҳида ўрин тутди.

XIV аср охири XV аср бошларида яшаган Қозизода Румий Улуғбекнинг устози Самарқанд мадрасасини ташкил этиб, бу ерда(1417-1420) раис ул-муаллимни насабига тайинланади. Унинг тубандаги асарлари машҳур: «Ҳисоб ҳақида рисола», «Синус ҳақида рисола», «Амал дастури ва жадваллари тузиш», «Ўлчаш», «Астрономия илми ҳақида» ва ҳ.к.

Ғиёсиддин Ал-Коший(вафоти-1429) мусулмон Шарқида риёзиёт қомуси бўлган «Ҳисоб қалити» билан шуҳрат қозонган. Унинг «Осмонлар қарвони», «Боғлар сайри» каби рисолалари ўша давр Мовароуннаҳр илмий-адабий муҳитида салмоқли ўрин тутган.

Али Қушчи(вафоти-1474) йирик математик ва астроном сифатида Самарқандда шуҳрат топган. У 20 дан ортиқ асар ёзган бўлиб, қуйидаги рисолалари машҳурдир. «Ҳисоб ҳақида рисола», «Қасирлар рисоласи», «Ҳисоб ҳақида», «Астрономия илми ҳақида рисола», «Шарҳи Зижи Улуғбек» ва ҳ.к.

Бадий адабиёт ва санъат.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда хунурмандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан анча ривожланди. Адабиёт, тарих, меъморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди.

Хонликлар даврида қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (қарвонсаройлар, кўприklar, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, хунармандлар уюшмалари вужудга келади.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ давом этди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи ўз даври тарихнавислиги ўша хонлик ва амирликдаги сиёсий воқеалар салномасини ифодалайди, ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: қуйиси-мактаб ва олий-мадраса. Бошланғич мактабда савод ўргатилар ва диний матнлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар, шунингдек араб тили сарфу наҳви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва ҳандаса асослари ўргатилян. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадрасаси, Раҳмонқули иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги маъморчилигида ранг-баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошнларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

Темур ва темурийлар маданиятининг Марказий Осиё ва жаҳондаги тутган ўрни ва аҳамияти.

«Ер, оила, ота-она, болалар. қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай жуда кенг», - дейди Президентимиз И.А. Каримов. Мана шу маънавий омилларнинг барчаси соҳибқирон Темур фаолиятида фавқулудда юксак даражада ўз ифодасини топган, унинг ҳаётининг асосий мезонлари бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун буюк бобомизнинг фан ва маданият соҳасига бўлган буюк ҳурмати, беғараз ҳомийлигининг туб моҳиятини унинг маънавиятга ижобий муносабати, бу соҳадаги ахлоқий дастурларини чуқур ўрганмасдан туриб, чуқур англаш мумкин эмас.

Марказий Осиё Уйғонишининг иккинчи босқичи XIV-XV асрларни ўз ичига олади. Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, бу давр маданиятида илмий-фалсафий йўналишлар билан бир қаторда бадиий-эстетик тамойиллар ҳам кенг таркиб топади. Қозизода Румий, Улуғбек, Коший, Али Қушчи ва бошқалар устивор даражада илмий фаолият билан шуғулланган бўлсалар, Саккокий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Беҳзод кабилар ижодида бадиий-эстетик ғоялар марказий ўрин тутати.

Марказий Осиё Уйғонишининг етуклик даври деб ҳисобланган бу босқичи Темур ва темурийзодаларнинг сиёсий ҳукмронлиги даврига тўғри келади, шунга кўра, унга тавсиф берилганда «Темур ва темурийлар даври маданияти» истилоҳини қўллаш фанда одат тусига кирган.

Тарихшунос олим Б. Аҳмедовнинг қайд этишича, темурийлар деб ном олган сулола Мовароуннаҳр, Афғонистон, Эрон, Озарбайжонда XIV аср 70-йилларидан XVI аср бошларигача ҳукмронлик қилади. XIV аср 40-йилларида Чигатой улусида феодал тарқоқликнинг кучайиб кетиши натижасида Амур Темур ҳокимият тепасига келади(1370), пойтахти Самарқанд бўлган марказлашган кучли салтанатни ташкил этади. Темур ва унинг авлодлари даврида Туронзаминда маданий тараққиётда сезиларли силжишлар рўй беради.

«Темурийлар даври маданияти» тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, унинг ривожига Улуғбек, Ҳусайн Байқаро, Заҳириддин Бобур сингари темурийзодалар, шу билан бирга ўша даврда яшаган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод сингари ижодкорлар, ғиёсиддин Самарқандий, Хондамир каби тарихнавислар, юзлаб меъморлар, мусиқа арбоблари, Хунармандчиликнинг моҳир усталари катта ҳисса қўшади.

Маълумки, темурийлар илму фан ва маданият тараққиётига сидқидилдан ҳамиша ҳомийлик қилиб келишган. Бинобарин, Амир Темурнинг ўзи жамият ҳаётида маънавий омилнинг аҳамиятини ўзгача идрок этганлиги тарихдан маълум. Шу сабабли Темур салтанатида маънавий ҳаёт соҳасида улкан ишлар амалга оширилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк салтанати жуда катта ва бой маънавий заминга қурилган, унинг давлатининг асосий устуни маънавийлик бўлган эди. Мана шу пойдевор Темурнинг шавкатли давлати, иқтисодий салоҳияти, жаҳонгирлик фаолияти, ватанпарварлик кудратининг таянчи эди. Мустақкам маънавий заминга суянмаган давлат ва жамиятнинг келажаги бўлмаслигини буюк соҳибқирон чуқур англаб етган эди.

Темур ва темурийлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий маиший тараққиёти.

Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданиятида алоҳида давр ҳисобланган бў давр хусусан, ўзбек маданиятининг бугунги ҳуқуқий жойлашуида асос бўлиб хизмат қилади. аввало, бу давр маданияти Темур асос солган кучли давлатчилик тамойиллари асосида шаклланган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқдир.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёнинг мустақил бир давлат қилиб бирлаштирилиши мамлакатнинг иқтисодий-маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик раванқ топди. Мамлакат пойтахти Самарқанднинг ободончилиги йўлида маҳаллий ва чет мамлакатларидан кўплаб фан ва санъат аҳллари, ҳунарманд меъморларни ва мусаввирларни тўплади.

Темур марказлашган давлат тузиш жараёнида ишлаб чиқаришга, хусусан қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берди. Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги сунъий суғоришга боғлиқлигини яхши тушунган Амир Ангор каналини қаздирди ва Мурғоб водийсида суғориш ишларини йўлга қўйди. Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари оқар сув билан таъминланади. Лалмикор ерларда ариқлар қазилди. Дехқончиликда донли экинлар, пахта, зигир экилган. Буёқ учун рўян ўсимлиги, шунингдек пиллачиликда тутлар кўп экилган. Узум, лимон етиштирилган.

Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа-ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик тармоқларининг кўпайиши туфайли шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди. Тўқимачилик, қурулчилик, чилангарлик, темирчилик ва бинокорлик соҳалари асосий ўрин тутган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шохруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларида янги ҳунармандчилик маҳаллалари қурилиб, савдо марказига айланди. Ип, жун, канош толасидан газмоллар тўқилган. Ипакдан шойи газламалар атлас, кимхоб, банорас, духоба, хоро, дебо каби газмоллар тўқилган.

XV-асрда металл буюмлар-уй-рўзғор буюмлари, асбоб-ускуналар, қурул-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд қуросозлар марказига айланиб, совутсозлар маҳалласи қурилган. Шаҳарларда мис ва жездан буюмлар ва мис чақалар зарб қилинган. Темур фармони билан Уста Иззоддин Исфаконий ясаган

жез қозон ва шамдон ҳозиргача сақланиб қолган. Мисгар ва чилангарлар металлни тоблаш, куйиш, сиртига нақш солиш, олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишларни бажарганлар.

4. Моварауннахрда тиббиёт, фалсафа, тарих илми.

Ўрта Осиё заминида темурийлар даври илм-фан, адабиёт, санъат соҳаларида камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса меъморчиликда намоён бўлди. Оксарой пештоқида битилган «Қудратимизни кўрмоқ истасангиз биноларимизга боқ!» деган ёзув Темур давлатининг сиёсий вазифасини ҳам англатар эди. Темур даврида Мовароуннахр шаҳарлари қурилишида истехкомлар, шоҳ кўчалар, меъморий мажмуалар кенг кўлам касб этади. Илк ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми бўлган «Шаҳристон» дан кўлам ва мазмуни билан фарқ қилувчи «ҳисор» қурилишини Самарқанд ва Шаҳрисабзда кузатиш мумкин. Темур даврининг Кеш шаҳар қурилиши яқунланди. «Ҳисор»нинг жануби-ғарбида ҳукумат сороий Оксарой ва атрофида работлар, боғ-роғлар қурилди.

Шаҳар маҳаллалардан иборат бўлиб, гузарларга бирлашган. Шаҳарда меъморий мажмуалар шаклланиши Темур ва темурийлар даврининг янги босқичига кўтарилди, иншоотлар кўлами билан бирга унинг шакли ҳам улканлашди. Бу жараён муҳандислар, меъморлар ва наққошлар зиммасига янги вазифаларни қўйди.

Темурийлар давригача ва ундан кейин ҳам Мовароуннахр ва Хуросон меъморчилигида безак ва нақш бу қадар юксалмаган. Темур ва Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги куратилади. Эпиграфик битикларни бинонинг махсус жойларига, хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар олти хил ёзувда ишлаган.

Темурийлар даврида қурилган саройлар икки хил бўлган. Биринчиси-маъмурий-сиёсий мақсадда бўлиб, қалъа ёки шаҳар ичида қурилган. Иккинчиси-шаҳар ташқарисидаги боғларда қурилган қароргоҳларда қабул маросимлари, мажлислар ўтказилган ва хордик чиқарганлар.

Амир Темур ва Улуғбек даврида тасвирий санъан турли йўналиш бўйича юксалди. Ислонда жонли нарсалар тасвирига сиғинмаслик тасвирий санъатда нақшнинг равнақиға сабаб бўлди. Ўрта Осиёда араблар босқини туфайли тўхтаб қолган деворий суратлар ва умуман тасвирий санъат Темур даврида янги шакл ва мазмунда тикланди. Хаттотлик-қўлёзма адабиётнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган. Миниатюра-тасвирий санъатга ҳам аввало нақш сифатида қаралган. Темурийлар даврида тикланган деворий суратлар эса XVI асрда яна тўхтаб қолди. Самарқанддаги Темурийларнинг сарой-қароргоҳларида қабул маросимлари, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири тушурилган деворий суратлар бўлган.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий насхи, куфий, деворий хатлари билан пештоқларни безовчи махсус устахоналар китоботчиликнинг равнақиға ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Ҳозир Туркия ва Берлик кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-ҳомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар,

дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиклар уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий хунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. Бадиий хунармандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошинкорлар кулолчилиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди.

Темур ва унинг авлодлари адабиёт ва санъатга, илм-фанга яқин кишилар эди. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга хомийлик ҳам қилган. Халил Султон, Ҳусайн Байқаро кабилар ўз шеърларидан девон тузганлар.

Темурийлар даврида яратилган адабиёт тасаввуфнинг адабиёти даражасини бегилади. Адабиёт тасаввуфнинг ғоявий мазмунида илоҳий масалаларни қамраб олиб умуминсоний тафаккурни ифодалайди.

Марказий Осиёда мустақил хонликларнинг вужудга келиши ва маданиятнинг ахволи ҳамда уларнинг ўзаро маданий алоқалари.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда хунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан анча ривожланди. Адабиёт, тарих, меъморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди.

Хонликлар даврида қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (карвонсаройлар, кўприklar, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, хунармандлар уюшмалари вужудга келади.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ давом этди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи ўз даври тарихнавислиги ўша хонлик ва амирликдаги сиёсий воқеалар салномасини ифодалайди, ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий аҳамиятга эга.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: қуйиси-мактаб ва олий-мадраса. Бошланғич мактабда савод ўргатилад ва диний матнлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар, шунингдек араб тили сарфу нахви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва Ҳандаса асослари ўргатилад. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадрасаси, Раҳмонқули иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида ранг-баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошинларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Худоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Амир Темур, салтанат, Боғдод, Султония, Бибихоним, Карвонийўли, масжид, мақбара, Мовароуннахр, Регистон, настаълик, тасаввуф, Нақшбандия, тузуклар, Шайбонийнома, Зафарнома, Аштархонийлар, Манғитлар, рус-тузем мактаби, ғаспирали, жадидчилик, қатағон.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

Мовароуннахрда XIV-XV асрларда маданият равнақининг омиллари ва шарт-шароитлари.

Темурийлар шажарасини жаҳон тарихида энг маърифатли шажара эканлигини мисоллар асосида тушунтириб беринг.

XIV-XV асрларда Мовароуннахрда маданий юксалишнинг асосий белгилари.

Ўзбек адабиёти равнақида Навоий, Бобурларнинг роли.

XVI-XVII асрларда Мовароуннахрда кечган маданий жараёнларни умумий изохланг.

XVI-XVII асрларда Мовароуннахрда яратилган қандай санъат асарлари ва меъморчилик ёдгорликларини биласиз.

7-мавзу: XVI-XIX аср биринчи ярмида минтақа халқлари маданияти. Модернизм ва постмодернизм маданияти (XVI-XIX асрлар)

РЕЖА

1. Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Бухоро хонлигидаги маданий ҳаёт.

2. XVI асрда Мовароуннахрдаги адабий ҳаёт.

3. Хива хонлиги ва Қўқон хонлигидаги адабий ҳаёт.

4. XVII-XIX аср ўрталарида бадий маданият, меъморчилик, амалий безак санъати, китобат санати, мусиқа.

5. Модерн маданияти. Модерн тушунчасининг санъатга фалсафа ва фанга алоқадорлиги.

6. Постмодернизм-ҳозирги фалсафа, санъат ва фаннинг асосий йўналиши сифатида.

7. Оммавий маданият. Оммавий маданиятнинг салбий ва ҳатарли оқибатлари.

1. Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Бухоро хонлигидаги маданий ҳаёт.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунёга машҳур бўлди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVI-XVIII асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда ҳунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди. Бу даврда ҳунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар

билан совда-сотик дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан анча ривожланди. Адабиёт, тарих, меморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди. Ҳасан Бухорий Нисорий (1566) нинг «Музакир ул-аҳбоб» ва Мутрибийнинг (1604) «Тазкиратуш-шуаро» номли адабиёт антологияси бунинг яққол ифодасидир. Бу қомусий антологияда юздан зиёд адабиёт арбобларининг ижодлари ва таржимаи ҳоллари ўрин олган. Мамлакатда ҳунар ва савдо ишларининг ривожланиши илм аҳлининг ижтимоий доираси кенгайишига таъсир кўрсатди. Шайбонийлар даврида фаннинг қатор тармоқлари ривож топди. 1693 йилда Амин Аҳмад Розий «Ҳафт иқлим»- етти иқлим деган жуғрофи-биологияга оид луғат тузади. Унга Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинади. 1541 йилда Муҳаммад Ҳусайн ас-Самарқандий тиббиёт ва фармакологияга оид илмий асар ёзади. У кўз табиби шоҳ Али ибн Сулаймон Наврўз Аҳмаджон ҳузурида ишлаб, касалликлар ҳақида «Табиблик дастуруламали» рисоласини битади. Мусиқа илмига оид бухоролик Навкабийнинг асари ҳам XVI асрда бу санъат ривожидан дарак беради. Бундан ташқари хаттотлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳирвий, Маҳмуд Али Шикобий каби хусни ҳат усталари ҳам ижод қилган. 1586 йилда Дарвеш Муҳаммад Бухорий каллиграфия санъати назариясига оид асар ёзади. Шунингдек кўплаб қўлёзмалар миниатюралар ва суратлар билан безатилди. Тарихий ва адабий асарлардан «Фатхнома» Тарихи Абулхайрхоний, Навоийнинг асарлари шулар жумласидандир. «Миниатюраларда Марказий Осиё моддий маданияти акс эттирилади ва рассомлар воқеликни реалистик тасвирлашга интилади. Жалолиддин Юсуф, Келди Муҳаммад ва бошқалар рассомчилик санъатига улкан ҳисса қўшади.

Хонликлар даврида қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (қарвонсаройлар, кўприklar, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, ҳунармандлар уюшмалари вужудга келади. Бухоро шаҳри баландлиги 10 метрли девор билан ўралиб, шаҳар дарвозалари қурилди, йирик бинолар қуришда (Миср Араб мадрасаси, Хўжа Зайниддин масжид-хонақоси) халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Шаҳар ташқарисида ҳам монументал бинолар (Чорбакр) қурилди. Жомеъ масжидлари сарой каби серхашам қилиб, мадрасалар пештоқли, минорали тарзда қуриб, ҳовлилари тўрт томондан айвон ва ҳужралар билан ўралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бунга гувоҳлик беради.

2. XVI асрда Мовароуннаҳрдаги адабий ҳаёт. 3. Хива хонлиги ва Қўқон хонлигидаги адабий ҳаёт. 4. XVII-XIX аср ўрталарида бадий маданият, меъморчилик, амалий безак санъати, китобат санати, мусиқа.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик давом топди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи ўз даври тарихнавислиги ўша хонлик ва амирликдаги сиёсий воқеалар салномасини ифодалайди, ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий аҳамиятга эга. Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан-ул мулк», Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи Амир Насрулло», Мулла Ибодулла ва Мулла

Муҳаммад Шарифнинг «Тарихи амир Ҳайдар», Муҳаммад Ҳакимжон Тўранинг «Мунтахабут таворих» каби асарлари диққатга сазовордир.

Қўқон адабий муҳити кўплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойиди. Қўқон хони Умархоннинг ўзи «Амирий» таҳаллуси билан ўзбек тилида ғазаллар ёзган. Унинг рафиқаси Моҳларойим «Нодира» таҳаллуси билан форс-тожик тилида «Макнуна», «Комила» таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Эри Умархон вафот этгач, Нодира давлат ишларига ҳам аралашиб, мамлакат хўжалигини яхшилаш, маданий ҳаётни жонлантириш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширди. Қўқонда мадрасалар, карвонсаройлар, расталар, йўллар қурдирди. У ўз атрофига Увайсий, Маҳзуна каби қобилиятли ижод аҳлини тўплади. Бу даврда Фазлий Намангоний Мушриф, Мушфикий каби шоирлар ижод қилган. Мушфикий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Маликуш-шуаро» унвонига эга бўлган бўлса, Фазлий Намангоний Қўқон шоирларига бошчилик қилган, Умархоннинг топшириғи билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат-уш-шуаро» тўплами тузилади. Бу даврда Қўқонда Худоёрхоннинг сарой арки, Хивада турли обидалар қурилди.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Фарғонада Муҳаммад Шариф-Гулҳаний таҳаллуси билан танилиб, ажойиб лирик шеърлар, масаллар ёзди. Унинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари қушлар бўлиб, шоир улар орқали сарой аъёнларининг кирдикорларини фош этади. Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлар ҳажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Самарқанддаги Регистон майдони шу даврда шаклланди. Шердор мадрасасининг олд пештоқида рангин кошинлар билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънони беради. Деворлардаги ажойиб нақшу нигорлар ва ички деворлардаги тўқис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида меъморчилик ҳажм жиҳатдан ихчам бинолар, гоҳо безак- пардозлардан бутунлай ҳолилиги билан кўзга ташланади. Хонликлар ва амирликда меъморчилик қурилишида ва безакда ўзига хослик ҳам сезилади. Фарғона уйлари кенгковул ва айвонли, гулдор тоқчалли, ўйма ганчли, шифтлари нақшу нигорли қилиб қурилса, Самарқанд ва Бухоро уйлари учун чиройли кўринишдаги устунли айвон, гириҳ ва ислимий нақшлар туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива ўйлари ташқи ва ички шаклда қурилиб, айвони ичкарига қараган, устунларига ўйма нақшлар чекилган, мураккаб шаклдаги гуллар билан безалган.

5. Модерн маданияти. Модерн тушунчасининг санъатга фалсафа ва фанга алоқадорлиги.

Янги XX аср бошларидан эътиборан санъат ижодкорлари орасида турли хил янги йўналишлар пайдо бўлдики, булар ўз ижодида ўзига хос мазмун, қарашлар ва ғояларни ифодалай бошлади. Шу тариқа, аср бошларида «ёизм» яъни «янги санъат», «бадий авангард» номлари билан аталган бадий йўналишлар юзага кела борди. Америкалик мутахасис Ортеганинг фикрича, янги санъат ижодкорлари бу санъатнинг ноанъанавийлиги, нооммавийлигини кўпроқ

кўрсатишга интилдилар. Бунда ифодалашнинг янги шакллари, услубларини излаш авангард усталари ижодининг онгли мақсади бўлиб қолди. Улар аслида эркин ижод тарафдори эдилар. Давоқе, 19 аср охири XX аср бошларида янги бадиий услуб – архитектура, дизайн, амалий санъат билан боғлиқ ҳолда модерн (янгиликлар маъносида) оқими вужудга келди. Авангарднинг дастлабки оқими фошизм номини олди. У 1905 йилда Париждаги кўргазмада илк бор тилга олинди ва нойиш этилди. Фошизмнинг асосий характерли хусусияти, булар реал нарсалар, предметларнинг рангидан, тусидан мутлоқо катъий назар ёрқин ранг бўёқларининг бирикувидан фойдаланиш ва айнаи чоғда реал объектлар нисбати ва шаклларининг кескин бузулишидир. Шундай бадиий усуллар воситаси билан расмлар яратиш орқали уларда реал нарсалар, объектларни тасвирлаш эмас, балки ўзининг ғайритабиийлиги, ёрқинлиги, ҳашамдорлиги билан алоҳида ҳис-ҳаяжонли кайфият ҳосил қилишдан иборат. Бу оқим намоёндаларидан бири Матисснинг таъкидлашича, «Санъатнинг мақсади – картинада реалликни тўғри ёритишга эътиборни қаратишдан кўра кўпроқ ёрқин бўёқларни қўшиш орқали кўпроқ одамларга қувонч бахш этишдир».

XX бошида вужудга келган бадиий авангарднинг яна бир йўналиши – Экспрессионизмдир. У экспрессия сўзидан олиган бўлиб, таъсирчан, ҳаяжонлилик маъносини билдиради. Бу йўналиш санъаткорларни қуршаб олган воқелик хусусида ўз ҳиссиётлари, фикрларини ифодалашдир. Экспрессионизмнинг муҳим ажралиб турувчи хусусияти – бадиий усулларнинг муаян тизимида фаолият юритиш эмас, балки ҳозирги дунёдаги инсон аҳволини мумкин қадар ҳаяжонли, драматик кўринишларда тасвирлашдан иборатдир. Уларнинг фикрича, ҳозирги ижтимоий тизимлар моҳиятан инсонга зиддир. Ижтимоий тизим, давлат, иқтисодиёт, социал институтлар ўз қонунлари билан яшайди. Уларда инсон индивидига ғамхўрлик қилишга имконият йўқ. Улар ижодиёти учун офат келтирувчи фожеалар, фалокат манбаи – жаҳон урушлари, тоталитар режмлар, экологик офатларни ҳис этиш кўпроқ ҳосдир. Бу оқим даставвал Германияда тарқалди.

XX асрнинг 10-20 йилларида авангард оқими Россияда ҳамилдиз ота борди. С.Н.Гончарева, П.Кончаловский, К.Корвин ва бошқалар ижодида абстракционизм, мавҳумийлик, яъни реал воқелик шакллари тасвирлашдан воз кечиш қарашлари кўпроқ ўрин олди. Шу оқим вакили В.Кандинский фикрича, абстракт санъат – бу руҳий санъатдир. Бинобарин, у аввало инсон руҳий оламини ифодали акс эттиришга йўналтирилган.

Авангард йўналишининг яна бир тури бу сюрреализмдир. У французча термин бўлиб, юксак реализм маъносидадир. У XX асрнинг 20-йилларида Францияда шаклланди. Бу оқим рассомчилик, ҳайкалтарошлик, театр, кино соҳаларида кўпроқ ўрин олди. Айниқса, бу ўринда француз рассоми Сальвадор Дали (1904) ва бошқаларнинг ижоди диққатга сазавордир. Жумладан, Пикассо ижодида одамлар ҳаётининг турли жиҳатлари ҳаққоний ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Рассомнинг «Шрақ кизи» (1905) асари бунинг яққол исботидир. Сюрреализм тарафдорлари ижодида асл манзара, борлик ҳолатини ўзига кўпроқ мос талқинда акс эттиришга мойиллик устивордир. Сюрреализм оқими асосчиларидан А.Бретоннинг таъкидлашича, санъаткор ўз ижоди руҳ

эркинлигини амалга ошириш сари доимий интилиши керак бўлади. Негаки, санъаткор эркинлига ҳар хил андозалар ва бадиий шарт – талаблар ҳалакит беради. Бунинг маъноси шуки, сюрреализм тарафдорлари, ижодкорнинг чекланмаган эркинлигини ҳар нарсадан устун қўядилар.

Санъатнинг муҳим оқими сифатида XX асрнинг биринчи чорагида вужудга келган яна бир янги оқим – бу кубизмдир. Бу оқим реализмга қарама-қарши ўлароқ борлиқни кўпроқ геометрик чизиқли шаклларда тасвирлашга интилади. Бу оқим яратилишига катта таъсир кўрсатган Пикассо ижодининг муҳим жиҳатлари бунга яққол мисол бўла олади.

6. Постмодернизм-ҳозирги фалсафа, санъат ва фаннинг асосий йўналиши сифатида.

XX асрнинг 70-йилларида яна бир оқим – постмодернизм вужудга келди. У модернизмдан кейинги маънони билдиради. Бунда санъаткорлар одатда оммавий жанрда, масалан, детектив, комедия, мелодраммаларга мурожаат қилиш, улар воситасида оммани қизиқтирган, уларнинг диққат-эътиборини тортган сюжет мазмундан фойдаланишга ҳаракат этадилар. Айниқса бу ўринда экран, кино, театр имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Постмодерн санъатига оид асарларда асосий эътибор бевосита санъатнинг ўзига қаратилади. Хусусан санъатда инсон ўз эркинлиги, ўз ижодий бетакрорлиги, ўз маънавиятини тўла маънода баён этаоладиган бўлиши керак. Шу маънода санъат нафақат ўз ижодкорлигини эмас, балки шу билан бирга санъатнинг барча мухлисларини ҳам улуғлайди. Постмодернизмда, унинг тарафдорлари фикрича, санъат ўзига қайтади. Шу маънода санъатнинг мафтункор қудрати ва унинг ҳаётбахш тасвири ўзини тўла намоён этиб, одамларга қувонч ва шодлик бахш эта олади.

7. Оммавий маданият. Оммавий маданиятнинг салбий ва ҳатарли оқибатлари.

Глобаллашувнинг ҳатто энг асосий жиҳатлар ва йўналишларини ҳам тўлиқ камраб олиш қийин. Шунинг учун мазкур бўлимда глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказётган ва ўтказиши мумкин бўлган таъсири ҳақида фикр юритамиз. Маънавиятни ҳам бир уйга тўпланган бойликка қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла ихоталанган бўлса. Маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Маслан, ана шундай аجدодларимиздан бири Абу Райҳон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва рим фалсафаси, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из қолдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳим жиҳати шундаки, ўша буюк аجدодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина қолмай, уларни чуқур таҳлил қилишди, тегишли жойларини ривожлантириб, оламшумул кашфиётларни очишди.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш орқалигина маънавият чўққисига эриши мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг қайбирини қабул қилиш ва қай бирини рад этиш лозимлигини аниқлаш учун жиддий таҳлил лозим. Ана шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоқлигимиз, баъзан укувсизлигимиз халақит бермоқда. Бунинг оқибатида эса қабул қилиш лозим бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул қилиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тақиллатиб, кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар “ўғри” каби туйнук қидиради. Эшик қоқиб кириб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бу умуминсоний эзгу ғоялардир. Чунки миллий маънавиятлар ўзроқ таъсир жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини қанчалик ўзлаштириб ва ривожлантириб борганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва яқиндаги кўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида бойиб борди. Бу тафовутни адабийт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Биз ёт ғоялардан ҳимояланиш билангина шуғулланмай, ўз ғояларимиз, анъаналаримиз, турмуш тарзимизни дунёга ёйиш учун ҳаракат ҳам қилишимиз зарур.

Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг издан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.

Ана шундай вазиятни ҳисобга олган ҳолда, яна ва яна бир бор халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.

8-мавзу: Мустамлака ва мустабид тузум шароитида маданият (2 соат)

РЕЖА

1. Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати.

2. Мустабид совет давлати даврида Ўзбекистон маданияти.

3. Мустабид тузум даврида адабиёт. Театр санъати ва Меъморчилик.

1. Чоризмнинг Туркистонда маориф, фан ва маданият соҳасидаги сиёсати.

Марказий Осиёда темурийлар даврида маданият классик даражаси билан дунегга машхур булди. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври (XVII-XIX асрлар) да мамлакат феодализмнинг мураккаб жараёнларини бошдан кечирди. XVI асрда хунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига йиққам беради. Бу даврда хунармандчиликнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд эди. Марказий Осиё, Хиндистон, Эрон, Балх, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо сотиқ дипломатик алоқада бўлган. XV-XVI асрларда Мовароуннахрда илм, фан ва адабиёт ривожланди. Адабиёт тарихи меъморчилик ва тасвирий санъат ўзига хос ривожланиш босқичини босиб ўтди. Хасан Бухорий Нисорий (1566) нинг Музаққир ул ахбоб ва Мутрибийнинг (1604) “Тазкиратуш-шуаро” номи адабиёт атрафига бунинг яққол ифодасидир. Бу қомусий атрафияда 100 дан зиёд адабиёт арбобларининг ижодлари ва тажрима ҳоллари ўрин олган. Мамлакатда хунар ва савдо ишларининг ривожланиши илим ахлининг ижтимоий доираси кенгайишига тасир кўрсатди. Мутаффақир Зайниддин Восифий 1512 йилда Самарқандда бўлган мушориларда қосиб шоирлар савдогарлар ва оддий кишиларнинг маракаларида фаол қатнашиб турганлигини баён қилади. Уларнинг аксарияти шер ёзиб турганлиги ўша давир табақаларининг маданий жихатидан юксак савияда еканлигидан далолат беради. Бу давирнинг ўзиган хос хусусияти шундаки қўлаб адабий ва тарихий асарлар ўзбек тилида ёзилган. Муалифи номаълум “Нухратнома” Муҳаммад Солихнинг Шайбонинома асарлари ўзбек тилида ёзилган бундан ташқари машхур тарихчи Шарофиддин Али Яздининг тарихий асарлари хусусан “Зафарномаси” ўзбек тилига ўғиртирилган. Шайбонийлар даврида фаннинг қатор тармоқлари ривож топди. 1693 йилда Амин Аҳмад Розий “Хаф иқлим” 7 иқлим деган биалогияга оид луғат тузди. Унга Мутрибийнинг дунё харитаси илова қилинди. 1541 йилда Муҳаммад Хусайин Ассамарқандий тиббиёт ва фармакалогияга оид илмий асар ёзди. У кўз табиби шох Али Ибин Сулаймон Наврўз Аҳмаджон ҳузурида ишлаб, касалликлар ҳақида (Табиблик дастурул амали) рисоласини ёзади. Муסיқага оид бухоролик Навқабийнинг асари ҳам XVI асрда бу санат ривожидан дарак беради. Бундан ташқари хаттотлик санатининг ривожига улкан ҳиса қўшган Султон Али Машҳадий, мир Али Хирви, Махмуд Али Шикобий каби хуснихат усталари ижод қилган. 1586 йилда дарвеш Муҳаммад Бухоро Калиграфия санъати назариясига оид асар ёзди. Шунингдек қўлаб қўлёзмалар миатёралар ва суратлар билан безатилди. Тарихий ва адабий асарлардан “Фатхнома” тарихи Абдулхайрихоний, Навоийнинг асарлари шулар жумласидандир. “Миатёраларда марказий Осиё

моддий маъданияти акс этирилади ва рассомлар воқеяликни реалистик тасвирлашга интилади”. Жалолитдин Юсуф келди Мухаммад ва бошқалар расомчилик санатиган хисса қўшади.

Хонликлар даврида қурилиш иншоатлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (карвонсаройлар кўприклар хаммом, сардобалар, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи ва қиёфаси ўзгаради, хунармандлар уйушмалари вужудга келади. Бухоро шаҳри баландлиги 10 метрлик девор билан ўралиб, шаҳар дарвозалари қурилди. Йирик бинолар қуришда (Миср ва араб мадрасаси) халқ меморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Жомей мачитлари сарой каби сер хашам қилиб пештоқлик минорали тарзида қурилиб ховлилари 4 тамондан айвон ва хужайралар билан ўралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бунга гувоҳлик беради.

Бинолар безашда майда ўсимлик нақшлар парчинлар ишлатилди. Деворларга гул териш ривожлантирилди. Қабр тошлари яшашда юксак бадий даражада тошларда ёзувларни ўйиш ривожланди. (Шайбонийхон қабир тоши ва Чилдухтаронда Абу Саид қабрига қўйилган). Хулас бу давирнинг кўпгина бетакрор маданият соҳалари ўз сирларини мукамал сақлаб келмоқда.

Марказий осийда хонликлар ўртасидаги низолар бўлиб турсада маълум даражада дехқончилик, савдо сотиқ хунармандчилик давом топди. Фан адабиёти санатининг ривожланиши кўпроқ сарой миқёсида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Мухаммад Ёқубнинг “Гулшану мулк” Мухаммад Мир Олимнинг “Тарихи Амир Насуруллох”, Мулла Ибайдулло мулла Мухаммад Шарифнинг “Тарихи Амир хайдар” каби асарлари диққатга сазовор бўлди.

Кўкон адабий муҳити кўплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойиди. Кўкон хони умарзхон “Амирий” таҳалуси билан ўзбек тилида ғазаллар ёзди. Рафикаси мохлароим “Нодира” таҳалуси билан форс тожик тилида “Макнуна”, “Комила” таҳалуслари билан ғазал ёзган. Эри Умархоннинг вафотидан сўнг Нодира давлат ишлари билан шуғулланди, мамлакат хўжалигини яхўилаш, маданий хайотни жонлантириш буйича муҳим тадбирларни амалга оширди. У ўз атрофида Увайсий, Махзуна каби қобилиятли ижодкорларни тўплади. Муштиқий Бухоро амири абулхон сароига “Маликушшуваро” унвонига ега бўлган бўлса, Фазлий намангоний кўкон шоирларига бошчилик қилган, Умархоннинг топшириғи билан Фазрхон ва Мушрих “Мажмуат ул шуаро” тўпламини тузди. Тахминан 17 асрда яшаб ижод қилган шоирлардан бири турди Фаровий ҳақида маълумот берувчи асосий манба шоирнинг ўз асаридир. У ўз уруғининг оқсоқлларидан бири сифатида Абдулазизхон сароида этиборли кишилардан бўлган кейин саройдаги чеклаштирилган.

18 аср охирида кўконда туғилган шоир Махмуд оғир шароитда яшаб саройда аскарлик қилган. У амалдорлар ва сарой шоирлари билан чиқишолмай ташлаб кетади. У қийинчиликда ҳапалак иқшлоғида 1844 йилда вафот этади. У шерлар ичида “ҳапалак” асари машҳур 18 аср иохир 19 аср бошларида фарғонада Мухаммад Шариф Гулҳаний таҳалуси билан танилиб шерлар ва масаллар ёзди. Унинг “Зрбулмасал” асари қаҳромонлари қушлар бўлиб шоир улар орқали сарой аёлларининг қирдиқорларини фоти этади 19 асрнинг 30 йилларида Шаҳрисабзда шоир Хромий Хид, Форс адабиётида машҳур бўлган “Чор Дарвеш” ва “Тўтинома

” асарларини ўзбек тилига таржима қилди халқ дostonлари “Юсуф ва Зулайхо” “Тохир ва Зухра” “Юсуф ва Аҳмад” ва бошқа дostonлар вужудга келди. Бу даврда Марказий осиёда 2 турдаги мактаб мавжуд эди. Қуймси мактаб ва олийси ва мадраса, бошланғич мактабда сабод ўргатилар диний маътинлар ётланар эди. Мадрасада ҳам илохият ўқитилар араб тили гираматикаси, нотиклик санати, алжабир ва хандаса асослари ўргатилган. Хофис, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган ўза давир шоирлари , фан арбоблари музикани чуқур тушунганлар. Бу санатнинг ривожига улкан хиса қўшган муҳаммад Муғаний, Мавлоно Кавкавий, Ризо Самарқандий номлари бизгача йетиб келган. Бу давирда меморчилик ёдгорликлари ажралиб туради. Самарқанддаги регистон майдони шу даврда шакилланди. Шердон мадрасаси пештокида биржуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи тила билан пардосланган деган маънони билдиради.

18 аср охирларида хива хонлигида тамирлаш ишлари авж олди. Олақулхон мадрасаси Раҳмонқули иноқ сарои иноқ қурилган .

18 аср охири 19 аср бошларида меморчилик хажм жихатдан ихчам бинолар, пардозлардан хоилиги билан кўзга ташланади. Фаргона уйлари кенгковул ва айвонли , ўйма ганчли, шифатлари нақшу нигорли килиб қурилса , Самарқанд ва Бухоро уйлари учун чиройли кўринишлари устунли айвон гирих ва исломий нақшлар туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива уйлари ташқи ва ички шаклида қурилиб айвони ичкарига қараган устунларига ўйма нақшлар чекилган. Мурақаб шаклидаги гуллар билан безалган.

XIX аср бошларида меҳнаткаш халқнинг турмуш маданияти паст даражада эди. Хонликларнинг хўжалик ва маънавий ҳаётимиздан чиқардик бу ҳол чор расиясининг хонликларнинг босиб олишига сабаб бўлди. Расияда сармодорлик санати ўсиши янгибозор санатига ва хомашё манбалари талабини оширди. Расия марказий осиёни босиб олгач маҳалий аҳоли рус ва расиянинг бошқа халқлар билан алоқа ўрнатишга сабаб бўлган, рус тузим мактаблар очилди. Типография ва Литографиянинг пайдо бўлиши маданий ҳаётга катта воқеа бўлди.

19 асрнинг 80 йилларида А.С.Пушкин ва И.А.Кирилив асарлари илк бор ўзбекчага таржима қилинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутибхонаси очилди. Ўлка табиий бойликларни ўрганиш ишига рус олимлари ҳам қизиқа бошлади. 1870 йилда антрапология ва этнография хаваскорлари рус жамиятининг туркистон бўлими очилди. Н.А.Севертсо, И.В.Мушкетов, В.Ф.Вечченка, В.Ф.Ўманинг жамият азолари эди.

П.П.Семёнов тияншанский тонгритоғ тизимлари таркиби ва тузими ҳақида маъдумотлар чоп этилди. И.В.Мушкетов ва Г.Д.Рамановский туркистон ўлкасининг йер устки харитасини тузди. И.В.Мушкетов олтинтемир мадани кўмир каби бойликларни аниқлади. Рус маъданияти тасирида халқ марифатпарварлари шаклланди. Улар В.И.Гетсент, Н.Т.Чернишенинскийлар тасирида халқ озодлиги масаласини кўриб чиқдилар. Ўрта аср қолоқдигини тугатиш таълим тарбиянинг илғор усуллари жорий қилишни ўз асарларида қуйлаган Фурқат мисол тариқасида рус мактабларини кўрсатди. У Пушкиннинг шерларининг ўзбекчага таржима қилди. Муқумнинг ўз шерларида халқни буржуазия томонидан экилишини фoш этди. Завқий ўз шерларида иштимой адолатчиликни қоралади. 19 аср туркистон адабиёти шoхлик ва саройни қуйловчи адабиёт ва зўровонликка

қарши норозиликни, қолоқдикни тугатишга қаратилган халқ адабиётига бўлинган. У мусулмонлар ва қолаверса мусулмонлар туркийлар дунёсининг жохон тарақиётида узилиб қолганлиги бу ғоят хавфли холга бархам бериш кераклигини бирнчи бўлиб туркий қирим халқнинг умум фарзанди Исмоил гаспрани тушиниб ўтди. У гаричлик ҳаракатининг бутун турк дунёсидаги “ғоявий отаси”га айланди. Исмоил Гаспранийнинг ғояларини ёйишда таржимон газетасининг хисаси катта, у Бухоро туркистонга келиб жадиқ маклабларини очишга уринади. 1904 йилда “Мазаффария” жадиқ қалқос қулуби очилди. Кутибхоналар кенгайиб, стадиийўн ва спорт майдонлари жихозданди. Кўп микдорда китоб, газета жихоздари нашр этилди. Радо эштиришлар аҳолининг турмушида расим бўлиб қолди. Бироқ 30 йилларда қарор топиб борган маъмурий буйруғбослик ва шахсга сиғиниш республиканинг ижодий ходимларининг қаттиқ исканчага олди. Ижодиётини партиявийлик тамойиларига мафкуравий қоидаларига бўйсиндириш дунёни бадий тасвирлашни сатсиўлўғиялаштиришга йўл очиб берди. Маданиятда мураккаб иштимой муомоларни безатиб ва йенгил туска киритиб кўрсатиш хато ва камчидикларини кузатиш пойдо бўла бошлади. Оқибатда ҳаётий ҳақиқат тузилиб санатнинг тарбийавий салоҳияти пасайтириб юборилди. 30 йилларда Хатохонлар диний маданият учун дахшатли фожияга айланди. Истедотли адабиёт ва санат арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шоқир Сулаймон, Зиё Саид, Азам АЮт, Усмон Носир, Мухаммад Хасан, Абдусалом Ниёзий ва бошқалар халқ душмани деб эълон қилинди. Қатоғон қилинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча неча йиллар давомида таъқиқ бўлиб турди. Нохак унуттирилиб борилган халқ фарзандларининг асарлари шахсга сиғиниш тугатилганлигидан кейин қайтариб берилган бўлсада ўлимдан кейинги ҳеч қандай шон шухрат улар бошидан кечирилган қийноқларни аламини боса олмайди.

2. Мустабид совет давлати даврида Ўзбекистон маданияти.

Дин ва диндонларини тақид қилиш халқнинг маънавий маданиятига нихоят даражада катта завоқ йетказди. Маъмурий буйруғбозлик тарқиботи ўрнатилиши билан диний мутаий назардан йондашиш имкор этила бошлади. Дин билан атеизимнинг дунёқараш жихатдан бир бирига қарама қаршилиги сийосий қарамақаршилиқ билан алмаштирилди. Сатсиализимда динга ўрин йўқ. Унга дин бегона деган қоида устун бўлиб қолди, шундай қилиб унга нисбатан салбий муносабат, динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. Мсчит ва мадрасаларнинг диарли хаммаси беркитиб қўйилди. Собиқ савет даврида республика маданий ҳайётида прагресив ва регресив тарақиётнинг бирир бирига қарама қаршилиқлари кучайиб борди. Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётидан ҳам инқирозга хос вазият вужудга келди. Шу билан бирга Республика маданияти умуман муайян мувофиқиятларни қўлга киритди. Маданият маоруф муассасаларининг тармоғи сезиали даражада кенгайди. Аҳолининг умумий билим даражаси ўсиб ижодий сафи кенгайиб борди.

Манавий бадий ходисаларни боҳолашда синифилиқ партиявий сингари мафкуравие бадият устидан ҳукумронлиги сингари принсплардан фойдаланиш адабиётда сатсиалистик усулининг истефолиги маданият ва санатнинг ривожланишига тўғоноқ бўладигон механизм вужудга келди. Бу принсплар партиянинг чекланмаган таталитар ҳукумронлиги тазиқи остида зўрлик билан

амалга ошириб борди. Зиддиятлар қарама-қаршиликларининг сабаби ҳам худди шунда.

Туп миллий мамлакатларини қўйиш зўр бериб байнамиронлаштириш маданий қурилишда салбий рўл ўйнайди. Партиянинг маданият соҳасидан байнарилар маданиятининг миллий маданиятни ривожлантириш миллий кадрятларни асраб авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланишни орқага суриб қўйди. Байнарийлар маданияти устевор тарзида ривожлвнеиши Ўзбекистон ҳуқуқ ҳадқлари тилларининг қўланиш соҳасини торайтириб қўйди.

Маънавий соҳани бошқаришнинг мамурий буйруғбозлик тизими мустухкамланиб бориши билан биргаликда фикр мулоҳазалар ва боҳоларнинг обрўйига кўр-кўрона итоат қилиш ижодиётни энг оддий эркинликдаридан ҳам маҳрум қилиш расим бўдиб қолди.

Узоқ ва яқин ўтмишни ҳаёдан ўтказиб, махиятини англашда 1991-йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақил деб эълон қилинди. У миллий ўзликни англаш тағ манодаги миллий йуксалиш учун шароит яратилди. Жамият ва миллат тарихи тақдирида янги давр истиқлол даври бошланди.

Истиқлол биз учун тарақиётнинг бутунлай янги кенг уфқларини очди деган эди Ислом Каримов – келажагимизни ўз қўлимиз билан яратиладигон бўлдик. Ҳаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва кадрятларимизга умумбашарият этироф етган демакратик мезонларга монан қилиб кўриш дек ноёп тарихий имкониятга эга бўлдик.

Хонликлар даврида қурилиш иншоотлари турлари янада такомиллашади, кўплаб жамоат бинолари (қарвонсаройлар, кўприklar, сардобалар, ҳаммом, тим ва бошқа савдо расталари) қурилади. Монументал биноларнинг тарихи, қиёфаси ўзгаради, ҳунармандлар уюшмалари вужудга келади. Бухоро шаҳри баландлиги 10 метрли девор билан ўралиб, шаҳар дарвозалари қурилди, йирик бинолар қуришда (Миср Араб мадрасаси, Хўжа Зайниддин масжид-хонақоси) халқ меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилди. Шаҳар ташқарисида ҳам монументал бинолар (Чорбакр) қурилди. Жомеъ масжидлари сарой каби серхашам қилиб, мадрасалар пештоқли, минорали тарзда қуриб, ҳовлилари тўрт томондан айвон ва ҳужралар билан ўралди. Бухоро ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасалари бунга гувоҳлик беради.

Бинолар безашда майда ўсимлик-нақшли парчинлар ишлатилди. Деворларга гул териш каби Темурийлар давридаги усуллар ривожлантирилди. Қабр тошлари ясашда юксак бадий даражада тошларга ёзувларни ўйиб битиш ривожланди. (Шайбонийхон қабр тоши ва Чилдухтаронда Абу Саид қабрига қўйилган тошлар). Ҳуллас, бу даврнинг кўпгина бетакрор маданият соҳалари ўз сирларини мукаммал сақлаб келмоқда.

Марказий Осиёда хонликлар ва амирлик ўртасидаги низолар бўлиб турсада, маълум даражада деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик давом топди. Фан, адабиёт, санъатнинг ривожланиши кўпроқ сарой доирасида бўлиб, ҳам диний, ҳам дунёвий асарлар ёзилди. Гарчи ўз даври тарихнавислиги ўша хонлик ва амирликдаги сиёсий воқеалар салномасини ифодалайди, ўша давр руҳи акс этганлиги билан тарихий аҳамиятга эга. Муҳаммад Ёқубнинг «Гулшан-ул мулк»,

Муҳаммад Мир Олимнинг «Тарихи Амир Насрулло», Мулла Ибодулло ва Мулла Муҳаммад Шарифнинг «Тарихи амир Хайдар», Муҳаммад Хақимжон Тўранинг «Мунтахабут таворих» каби асарлари диққатга сазовордир.

Қўқон адабий муҳити кўплаб шоир ва шоиралар ижоди билан бойиди. Қўқон хони Умархоннинг ўзи «Амирий» таҳаллуси билан ўзбек тилида газаллар ёзган. Унинг рафиқаси Моҳларойим «Нодира» таҳаллуси билан форс-тожик тилида «Макнуна», «Комила» таҳаллуслари билан шеърлар ёзган. Эри Умархон вафот этгач, Нодира давлат ишларига ҳам аралашиб, мамлакат хўжалигини яхшилаш, маданий ҳаётни жонлантириш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширди. Қўқонда мадрасалар, карвонсаройлар, расталар, йўллар қурдирди. У ўз атрофига Увайсий, Маҳзуна каби қобилиятли ижод аҳлини тўплади. Бу даврда Фазлий Намангоний Мушриф, Мушфикий каби шоирлар ижод қилган. Мушфикий Бухоро амири Абдуллахон саройида «Маликуш-шуаро» унвонига эга бўлган бўлса, Фазлий Намангоний Қўқон шоирларига бошчилик қилган, Умархоннинг топшириги билан Фазлий ва Мушриф томонидан «Мажмуат-уш-шуаро» тўплами тузилади. Бу даврда Қўқонда Худоёрхоннинг сарой арки, Хивада турли обидалар қурилди.

Тахминан XVII асрда яшаб ижод қилган шоирлардан бири Турди Фароғий ҳақида маълумот берувчи асосий манба шоирнинг ўз асаридир. У юз уругининг оқсоқолларидан бири сифатида Абдулазизхон саройида эътиборли кишилардан бўлган, кейин саройдан четлаштирилган.

XVIII аср охирида Қўқонда тугилган шоир Маҳмур огир шароитда яшаб, саройда аскарлик қилган. У амалдорлар ва сарой шоирлари билан чиқишолмай, саройни ташлаб кетади. Маҳмур қийинчиликда ҳапалак қишлоғида 1844 йилда вафот этган. Унинг шеърлари ичида «**Капалак**» ҳажвий асари машҳурдир.

3. Мустабид тузум даврида адабиёт. Театр санъати ва Меъморчилик.

XVIII аср охири XIX аср бошларида Фарғонада Муҳаммад Шариф-Гулҳаний таҳаллуси билан танилиб, ажойиб лирик шеърлар, масаллар ёзди. Унинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари кушлар бўлиб, шоир улар орқали сарой аъёнларининг кирдикорларини фош этади. Яна бир Қўқонлик шоир **ғозий** ҳам ўз асарларида зодгонлар ва руҳонийларни фош қилади. XIX асрнинг 30 йилларида Шаҳрисабзда шоир **Ўиромий** хинд, форс адабиётида машҳур бўлган «Чор дарвеш» ва «Тўтинома» ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади халқ дostonлари «Юсуф ва Зулайҳо», «Тоҳир ва Зухро» «Бўз ўғлон», «Юсуф ва Аҳмад» ва бошқа дostonлар вужудга келди. Шаҳар майдонларида қизикчи ва кўгирчоқбозлар, ўйинчи санъаткорлар халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳаларни ўйнаб, томоша кўрсатар, бойлар ва сарой аҳлини очкўзлигини фош этиб, устидан кулар эди.

Бу даврда Марказий Осиёда икки турдаги мактаб мавжуд эди: куйиси- мактаб ва олий- мадраса. Бошлангич мактабда савод ўргатилад ва диний матнлар ёдланар эди. Мадрасада ҳам илоҳият ўқитилар, шунингдек араб тили сарфу нахви (грамматикаси), нотиклик санъати, алжабр ва хандаса асослари ўргатилган. Бундан ташқари Хофиз, Бедил, Навоий асарлари ўқитилган.

Ўша давр шоирлари, фан арбоблари мусиқани чуқур тушунганлар. Мусиқа санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшган Мавлоно Муҳаммадин Муганний, Мавлоно Кавкабий, Хўжа Муҳаммад, Ризо Самарқандийнинг номлари бизгача етиб келган.

Бу даврдаги меъморчилик ёдгорликлар ҳажми ва пардозининг жимжимадорлиги билан ажралиб туради. Самарқанддаги Регистон майдони шу даврда шаклланди. Шердор мадрасасининг олд пештоқида рангин кошинлар билан чекилган бир жуфт шер тасвирланган. Тиллакори мадрасасининг номи «тилла билан пардозланган» деган маънони беради. Деворлардаги ажойиб нақшу нигорлар ва ички деворлардаги тўкис тилла безаклар жуда нафис ишланган.

XVIII аср охирларидан Хива хонлигида таъмирлаш ва шаҳарсозлик ишлари авж олади. Оллақулихон мадрасаси, Раҳмонқули иноқ саройи ҳажм жиҳатидан анча маҳобатли қурилган. Қўқон хонлиги меъморчилигида ранг-баранглик ва ёрқинлик, пардоздаги кошинларнинг ёрқин товланиши каби хусусиятлар айниқса Ҳудоёрхон саройида яққол намоён бўлади.

XVIII аср охири - XIX аср бошларида меъморчилик ҳажм жиҳатдан ихчам бинолар, гоҳи безак- пардозлардан бутунлай ҳолилиги билан кўзга ташланади. Хонликлар ва амирликда меъморчилик қурилишида ва безакда ўзига хослик ҳам сезилади. Фарғона уйлари кенгковул ва айвонли, гулдор тоқчали, ўйма ганчли, шифтлари нақшу нигорли қилиб қурилса, Самарқанд ва Бухоро уйлари учун чиройли кўринишдаги устунли айвон, гириҳ ва ислимий нақшлар туширилган девор ва ганч ўймакорлиги хосдир. Хива ўйлари ташқи ва ички шаклда қурилиб, айвони ичкарига қараган, устунларига ўйма нақшлар чекилган, мураккаб шаклдаги гуллар билан безалган.

XIX аср бошларида меҳнаткаш халқнинг турмуш маданияти паст даражада эди. Хонликларнинг ўзаро урушлари хўжалик ва маданий ҳаётни издан чиқарди. Бу ҳол Чор Россиянинг хонликларни босиб олишини осонлаштирди. Россияда сармоядорлик саноатининг ўсиши янги бозор савдосига ва хом ашё манбаларига бўлган талабни оширди. Россия Марказий Осиёни босиб олгач, маҳаллий аҳоли рус ва Россиянинг бошқа халқлари билан алоқа ўрнатишга мажбур бўлди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги техникалари кириб кела бошлади. Ўз ўрнида Россия ва Европа маданияти элементлари кириб келди. Рус тузем мактаблари очилди. Типография ва литографиянинг пайдо бўлиши маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Аввал рус тилида, сўнгра маҳаллий тилларда газета, журнал ва китоблар чоп этила бошлади.

XIX асрнинг 80 йилларида А.С. Пушкин ва И.А. Кривов асарлари илк бор ўзбекчага таржима қилинди. 1880 йилда Тошкентда жамоат кутубхонаси очилди. 1870 йилда расадхона ва кимёгарлик тажрибахонасига асос солинди. Илмий жамиятлар тузилди, тарихий ва археология музейлари очилди.

Рус маданияти таъсирида халқ маърифатпарварлари шаклланди. Улар В.И. Герцеи, Н.Т. Чернишевский, Н.В. Добролюбовлар таъсирида халқ озодлик масаласини кўтариб чиқдилар. Ўрта аср қолоқлигини тугатиш, таълим-тарбиянинг илгор усулларини жорий қилишни ўз асарларида қуйлаган Фурқат (1858-1909)

мисол тариқасида рус мактабларини кўрсатди. У А.С. Пушкиннинг бир қанча шеърларини ўзбекчага таржима қилди. Муқимий (1850-1909) ўзининг ҳажвий шеърларида халқ оммасининг буржуазия томонидан эзилишини фош этди. Завқий (1853-1921) ўз шеърларида ижтимоий адолатсизликни қоралади.

XIX аср Туркистон адабиёти икки йўналишда ривожланди. Шоҳлик ва сарой муҳитини куйловчи адабиёт, ҳамда зўровонликка қарши норозиликни ва қолоқликни тугатишга қаратилган тараққийпарвар халқ адабиёти. Умуман, Рус ва дунё маданияти таъсирида меҳнаткаш халқ билан боғлиқ Туркистонда миллий маданиятнинг ривожланиш жараёни кучайиб борди.

У мусулмонлар ва қолаверса туркийлар дунёсининг жаҳон тараққиётидан узилиб қолганлиги, бу гоят хавфли ҳолга барҳам бериш кераклигини ҳамда умумтуркий қавмлардаги жаҳолатни йўқ қилиб, маърифат орқали тараққий топган мамлакатларга танглашиш зарурлигини биринчи бўлиб туркий қрим-татар халқининг улуг фарзанди Исмоил **Гаспарали** (1851-1914) тушуниб етди. У жадиदчилик ҳаракатининг бутун турк дунёсидаги «Ғоявий отаси»дир.

Мусулмон туркий оламини жаҳон маърифати, илми даражасига кўтариш ғоясини амалга ошириш мақсадида Россияга мустамлака бўлган барча мусулмон ҳудудлар маорифини мутлақо ислоҳ қилиш уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди. Исмоил Гаспаралининг ғояларини ёйишда «Таржимон» газетасининг хизмати жуда катта бўлди. 1888 йилда унинг «Раҳбари муаллимин» ёки «муаллимларга йўлдош» китобининг нашрдан чиқиши муҳим воқеа бўлди. У Бухоро, Туркистонга келиб жадиद мактабларини очишга уринади. Унинг шогирдлари Бухоролик Маржоний, Домла Фозил, Мўминхўжа Вобкандий, Мулла Худойберди Бойсуний Бухорода жадид мактабларини кўпайтиришга уринадилар. 1904 йилда «Музаффария» жадид мактаби очилади.

Шунга қарамай 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла иккинчи жадид мактабига асос солди. Шу йили Тўқмоқда ҳам шу типдаги мактаб очилди. 1899 йили Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон қори жадид мактабига асос солдилар. 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаблари бор эди.

Аср бошида жадидлар зиёлиларнинг бутун бир ватанпарвар авлодини тарбиялаб беришдек огир ишга фидоийлик билан киришдилар. Уларнинг бошида М. Бехбудий, А. Авлоний, С. Айний, А. Фитрат, Мунаввар Қори, Бобоохун Салимов ва бошқа кўплаб тараққиёпарвар инсонлар турар эдилар. Улар доимо қувғин, қамоқ, сургун каби хавф-ҳатарлар бошида чарх уриб турган ҳолда иш олиб боришга мажбур бўлдилар.

Шулардан Тошкент жадидларининг отаси сифатида зиёлийлар орасида катта обрў-эътибор қозонган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг хизматлари жуда катта бўлди.

XX аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Уни битирганлар орасида Туркистон маънавий-маърифий дунёсини миллий уйғонишига кучли ижобий таъсир қиладиган забардаст намоёндалар ажралиб чиқди. Унинг биринчи қалдирғочлари Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурий, Сиддиқий Ажзий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Лутфулла

Олимий, Муҳаммадшариф Сўфизада, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Ў.Ў. Ниёзий каби ўнлаб улуг зотлар. Жаидлар мактаб ва маърифатдан бошланган фаолиятини сиёсий қиёфа касб этгунча қадар давом қилдириб, Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишга уриниш билан энг юқори поғонага кўтарилидилар.

Туркистонда маърифатпарварлик ҳаракати икки босқичда кечди. Биринчи даврда феодал тузум ва тартибларини танқид қилиш, маданий янгиликларни эгаллаш, Оврупанинг турли тилларини ўрганишни тарғиб қилиш, янгича илм-фаннинг аҳамиятини кўтариш каби масалалар олга сурилди. Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Фуркат, Муқимий, Завқий сингари маърифатпарварлар етишиб чиқдилар.

Иккинчи босқичда маърифатчиликдан жаидизм ўсиб чиқдики, у эндиликда янгича таълим-тарбия, янги усул мактабларини йўлга қўйиш, дунёвий илмларни ҳар томонлама эгаллаш маориф маданиятида янги тартибларни ўрнатиш, янги ижтимоий-сиёсий масалаларни қўйиш даражасига кўтарилиди. Жаидчилик ҳаракати туркий миллатларнинг маънавий-маданий кўтарилишига туртки бўлди. Туркистонда янги усул мактаблари очилиб, маърифатпарвар, илгор педагоглар бу мактаблар учун турли дарсликлар, ўқиш китоблари, қўлланмалар ярата бошладилар. Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Ибрат, Хамза қабилар бу соҳада жонбозлик кўрсатдилар ва бу ишда фаол иштирок этдилар. Жаидлар бошқа ўлкадаги маърифатпарварлик ҳаракатлари билан ҳам алоқа ўрната бошладилар. Бу даврда Туркистонда маърифатпарварлик ва жаидчиликнинг турли, янги таълим-тарбия, ўқув-ўқитув масалаларини ўзида акс эттирувчи жуда кўп журналлар нашр этилди. «Тараққиёт», «Ойна», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Самарқанд» каби журналлар шулар жумласидандир.

Маърифатчилик ҳаракати айниқса ўзининг ривож топган босқичида Туркистонда ўзга юртлардаги ижобий ютуқлардан фойдаланган ҳолда мустақил маънавий тараққиёт йўлини қидириш ва тарғиб этиш масалаларини олга сурди. Бу ҳаракат рус подшо ҳокимиятининг мустанлакачилик сиёсатига зарар келтиришдан чўчиган чоризм амалдорлари уни чегаралаш ва букиб қўйиш чора тадбирларини кўра бошладилар.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда жуда мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан бирга унинг маданий ҳаётида ҳам тез ва шиддатли ўзгаришлар рўй берди. Маданият, адабиёт, таълим-тарбия, дин, мафкура соҳасида турли оқимлар пайдо бўлди, улар орасидаги муносабатлар мураккаб тус олди. Ёш бухороликлар, ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди.

1917 йилдаги бутун россияда юз берган феврал ва октябр инқилоблари унинг мустанлакаси бўлиши Туркистонда ҳам тўнтаришларга олиб келди.

Совет даврида жуда ҳам мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар республиканинг миллий маданиятига ҳар хил тарзда таъсир ўтказди, барча соҳадаги ўргартиришларни қарама-қарши тусга киритди ва республика тараққиётининг асосий тенденциялари ҳамда йўналишларини узоқ йилларга белгилаб берди.

30-йилларда маданий-оқартув масалалари тармоғи кенгайишда давом этиб борди. Йирик саноат корхоналарида маданият саройлари бунёд этилди, қишлоқ хўжалик артеллари қошида колхоз клублари очилди, район маданият уйлари барпо

этилди, кутубхоналар тармоги кенгайиб, уларнинг китоб фондлари бойиб борди, кинотеатрлар, клуб ва маданият уйлари қошидаги кино қурилмаларининг сони кўпайди, стадион ва спорт майдончалари жиҳозланди. Кўп миқдорда китоб, газета ва журналлар нашр этилди. Радио эшиттиришлари аҳолининг кундалик турмушида расм бўлиб қолди.

Бироқ, 30-йилларда қарор топиб борган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва шахсга сизгиниш мафкураси республиканинг ижодий ходимларини, унинг бутун маънавий ҳаётини қаттиқ исканжага олди. Ижодиётни партиявийлик тамоилларига, мафкуравий қоида-қонунларга бўйсундириш, дунёни бадиий тасвирлашни қўпол равишда социологиялаштириш учун кенг йўл очиб берди, дунёвий имкониятларни торайтириб қўйди. Партиянинг янги турмушни мадҳ этишга, халқ ўтмишига нигилистик муносабат пайдо бўлишига қаратилган сиёсати бадиий жараёндаги тарихий изчилликни унутиб юборишга олиб келди. Маданиятда мураккаб ижтимоий муаммоларни безатиб, енгил тусга киритиб кўрсатиш, ҳато ва камчиликлар тўғрисида сукут сақлаш тенденциялари пайдо бўла бошлади. Оқибатда ҳаётий ҳақиқат бузилиб, санъатнинг тарбиявий салоҳияти пасайтириб юборилди.

30-йиллардаги қатогонлар миллий маданият учун даҳшатли фожяга айланди. Қонунчиликни қўпол равишда бузилиши ва инсон кадр-қимматлари поймол этилиши туфайли миллий маданият ўрни тўлмайдиган даражада завоّل кўрди. Истеъдодли адабиёт ва санъат арбоблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулайман, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Јосим Сорокин, Муҳаммад ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Хошимов ва бошқалар миллий маданият кучогидан узиб олиниб халқ душманлари деб эълон қилинди. Қатогон қилинган ва таъқиб остига олинган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан фойдаланиш неча-неча йиллар мобайнида тақиқ бўлиб турди. Ноҳақ униттириб юборилган, кўпинча эса жисмонан ҳам йўқ қилинган жасур халқ фарзандларининг асарлари шахсга сизгиниш тугатилганидан кейин гарчи халққа қайтариб берилган бўлсада, ўлимидан кейинги ҳеч қандай шон-шухрат улар бошидан кечирган таҳқир қийноқларнинг аламини боса олмайди.

Дин ва диндорларни таъқиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада катта завоّل етказди. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий нуқтаи-назардан ёндошиш инкор этила бошланди. Дин билан атеизмнинг дунёқараш жиҳатидан бир-бирига қарама қаршилиги сиёсий қарама-қаршилик билан алмаштирилди. «Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона» деган қоида устун бўлиб қолди. Шундай қилиб унга нисбатан салбий муносабат динга қарши зўрлик кўрсатишга айланиб кетди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар миқёсдаги таъқибларни бошидан кечирмаган эдилар. Ўзбекистон руҳонийларининг асосий қисми 30-йилларда қамоқ лагерларига жўнатилди. Масжид ва мадрасаларнинг деярли ҳаммаси ўтмишда гарчи диний маросимларни ўтказиш ўчоқлари бўлибгина қолмасдан, халқнинг буюк меросини сақлаб, бойитиб келган маданият, илм, тарбия, санъат марказлари ҳам бўлганига қарамай беркитиб қўйилди.

Собиқ Совет даврида Республика маданий ҳаётида прогрессив ва регрессив тараққиётнинг бир-бирига қарама-қарши тенденциялари тобора кучайиб борди.

70-йиллар ва 80-йилларнинг биринчи ярмида, худди бошқа соҳаларда бўлганидек, Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида ҳам инқирозга хос вазият вужудга келди. Шу билан бирга ушбу йиллар давомида республика маданияти умуман муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Маданият, маориф муассасаларининг тармоги сезиларли даражада кенгайди, буларни моддий-техника базаси мустаҳкамланди, аҳолининг умумий билим даражаси ўсиб, ижодий зиёлийлар сафи кенгайиб борди. Талайгина ажойиб бадиий асарлар, театр, муסיқа асарлари яратилди. Маданият ва санъатнинг ривожига истеъдодли ёшларнинг бутун бир катта гуруҳи қўшилди, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиш жараёнлари белги бериб қолди.

Маънавий, бадиий ҳодисаларни баҳолашда синфийлик, партиявийлик сингари, мафкуранинг бадиият устидан ҳукмронлиги сингари принципларидан фойдаланиш, адабиётда социалистик реализм усулининг устуворлиги маданият ва санъатнинг ривожланишига тўғаноқ бўладиган механизмни вужудга келтирди. Бу принциплар партиянинг чекланмаган тоталитар ҳукмронлиги тазиқи остида зўрлик билан амалга ошириб борилди. Зиддиятлар, қарама-қаршиликларнинг сабаби ҳам худди ана шунда. Маънавий соҳада, бир томондан, чиндан ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бериб борган бўлса, иккинчи томондан, инқирозга хос вазият юзага келиб борди.

Туб миллий манфаатларни унутиб қўйиш, зўр бериб байналминаллаштириш маданий қурилишда салбий ролни ўйнади. Партиянинг маданият соҳасида байналминал маданиятни биринчи қўядиган сиёсати миллий маданиятни ривожлантириш режасини, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланишни орқа ўринга суриб қўйди. Маданиятни мафкуралаштириш ахлоқ-одоб, адабиёт, санъатнинг самарали миллий заминдан ажралиб қолишига сабаб бўлди, тарихий хотира, миллий анъаналар ва одатларни унутиб юборишга олиб борди. Байналминал маданиятнинг устивор тарзда ривожланиши Ўзбекистон туб халқлари тилларининг қўлланиш соҳасини торайтириб қўйди.

Маънавий соҳани бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими мустаҳкамланиб бориши билан биргаликда фикр-мулоҳазалар ва баҳоларнинг обрўйига кўр-кўрона итоат қилиш, ижодий фаолиятга қўпол равишда аралашуш, ижодиётни энг оддий эркинликлардан ҳам маҳрум қилиш расм бўлиб борди. Маънавий ҳаётга буйруқбозлик йўли билан раҳбарлик қилиш, мафкуравий чеклашлар, тўғаноқ механизми, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш жамиятнинг маънавий ҳаётида инқирозли ҳолатларни юзага келишини белгилади.

Узоқ ва яқин ўтмишни ҳаёлдан ўтказиб, моҳиятини англашда 1991 йил 31 август куни – Ўзбекистон Республикасининг Мустақил деб эълон қилиниши тарихий воқеа бўлди. У миллий ўзликни англаш, том маънодаги миллий юксалиш учун шароит яратди.

Жамият ва миллат тарихи, тақдирида янги давр – Истиклол даври бошланди.

«Истиклол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди, – деган эди И.А. Каримов, – Келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик. Ўаётимиз ва яшаётган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга

умумбашарият эътироф этган демократик мезонларга монан қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлди».

9-мавзу: Мустақиллик ва маданий тараққиёт (2 соат)

РЕЖА

1. Мустақиллик арафасида маданиятимиз аҳволи. Маданий меросга муносабат.

2. Музейлар. Уларнинг халқимиз маънавий салоҳиятини оширишдаги Аҳамияти.

3. Миллий-маданий марказлар ва уларнинг роли.

1. Мустақиллик арафасида маданиятимиз аҳволи. Маданий меросга муносабат.

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу вақт ва макондаги даражаси кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қонлирилишига боғлиқдир. Мустақиллик даврига ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ҳолатлар, жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий-мафкуравий соҳасидаги ўзгаришлар бизга шўролар мустабид тузуми ҳамда истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излашга ва унга эришишга имкон беради.

Хусусан, энг аввало, мамлакат ҳукумати, Президентнинг маънавий-маърифий омиллари нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устивор йўналиши, деб ҳисобланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ шуларнинг амалга оширилиши учун бутун маъсулиятнинг ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммаларига юклатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатнигина келажак буюк юулиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошланди. Дарҳақиқат иқтисодий-сиёсат омилларининг ҳар қандай давлат, миллат ҳаётидаги ўрни ва роли каттадир. Бироқ, маънавий омиллари жамиятда содир бўлган барча муаммоларни ҳал этишга қодир омил эканлиги энди ҳақиқатдир.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни поклантирувчи куч эканлиги эътироф этилмоқда, зеро шўролар мустабид тизими давридан қолган ярамас «маънавий» меросдан покланмасдан туриб истиқлолга химазт қиладиган, фуқаролик қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири-ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига шўро даврида таркиб топган муносабат киё «иллат» сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил асносида қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан ҳолилиги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланди. Мамлакат Перизденти Ислоҳ Каримов қайд этганидек, мустақиллик даврида бажарилиши лозим бўлган энг устивор вазифа «халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориш, миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиладиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Мустақил Ўзбекистонда истиқлол маънавият соҳасида мавжуд бўлган вазифалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик шароитида муттасил равишда бажарилиб келинмоқда. Чунончи, агар истиқлолнинг дастлабки йилларида жамият маънавий ҳаётида турган энг бош вазифа фуқароларда шўролар даврига хос тафаккурни эскича фикрлаш сарқитларини бартараф этиш эди. Мазкур масалада қатор ютуқларга эришилди. Бироқ, бу борада ҳали талай ишларни бажариш лозим.

Иккинчи, энг муҳим вазифалардан яна бири эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантиришдир, зеро «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган. Боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб ашайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир.

Инсоният тарихида ўз ижтимоий аҳамияти жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ ҳолатлар, қадриятлар мавжудки, булар у ёки бул миллат, элат, халқнинг мавжудлик белгиси, тараққиёт мезони сифатида баҳоланиши мумкин. Миллат мавжудлигининг ана шундай муҳим белгиларидан бир таълим тизими ҳамда юқори малакали мутахассис қадриятлар тайёрлаш масаласидир.

Дарҳақиқат, таълим тизими демократик тамойиллар билан уйғунлашган, унинг инсонпарвар жамият барпо этиш каби зарур ижтимоий эҳтиёж талабаларига жавоб бергандагина у ўз олдида қўйган буюк мақсаб-баркамол авлодни тарбиялаш ва шакллантириш вазифасини адо этиши мумкин.

Умуман, 1992 йилда қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилишда маълум рол ўйнади. Мазкур ҳужжат шўролар мустабид тизими давридан «мерос» бўлиб қолган, коммунистик мавкурага хизмат қилувчи мафкуравий янги шароитдаги вазифларига тўлиқ жавоб бера олмади эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати таълим тизимини тўлиқ ислоҳ этишга қодир ҳужжатларни қабул қилишга эътиборни кучайтириш ва бу бош ислохотчилик йўлини ўйнади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида тамомила янги, сифат жиҳатдан мукаммал «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий датурларини ишлаб чиқди.

Мамлакат Президенти юқорида қайд этилган ҳужжатларни қабул қилишда ундаётган омилларни эътиборга олган ҳолда қуйидаги фикрни баён этди. Биринчидан, биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали бери тўлиқ қутулганимиз йўқ. Иккинчидан, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар, асосан юзаси бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири

билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкид қилиш муаммоларини ечиб берган эсам.

Учинчидан, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги кун замонавий, тараққиёт топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда. Мазкур мулоҳазалар янги ҳужжатлар қабул қилингунгача бўлган даврдаги таълим тизимининг чекланганлигидан яққол далил беради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча миллат ва халқлар ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондиришга муҳтожлик сезади. Маънавият-инсон учун мавжудлик белгичи. Маънавий бойлик у ёки бу миллатни бошқа этник бирикмалардан ўзига хослигини билдирувчи, англатувчи муҳим омилдир. Маънавияти йўқ халқнинг ўзи йўқ. Шу билан ҳар бир халқ маънавияти ҳам бир хил даражада эмас.

Ўзбек халқи айнан шу йўлдан борди, ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлакачилик даврида йўқотилган, тепаланган маданий меросни тиклаш, ўзлигини англашга бўлган рағбатни ўйғотди.

Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти ўйғонди, жонланди ва ўзининг бугун мавжуд бўй-бастини кўрсата билди. Театр, муסיқа санъати ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий маърифий аҳамияти ошди, миллий адабиёт равнақ топди.

Айниқса, театр санъатининг ривожи гуллаб яшнади. Бу бежиз эмасди, зеро мустамлакачилик даврида театрлар коммунистик мафкуранинг хизматкорига айланган, сиёсий мақсадларнигина бажарувчи кучга айланган эди. Шу аснода асосий эътибор репертуар масаласини ҳал этиш, томошабинларни бездирадиган сахна асарлари ўрнига уларнинг маънавий-ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи спектаклларни фуқаролар ҳукмига ҳавола этишга асосий эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши танижасида маънавий маданиятнинг муҳим жабҳаси бўлган муסיқа санъати ҳам жуда ривож топа бошлади, зеро табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлига талабчан ўзбек халқининг муסיқаси кенг кўламли маънавият кўгусидир. Шурулар даврида асосан мафкуравий ҳукмронлик кўлиги айланган мазкур санъат тури эркинлик йўлига кирди. Жамият аъзолари миллий кўшиқчилик санъатидан баҳраманд бўла бошладилар.

Шундай қилиб, мустақиллик Ўзбекистон маънавий ҳаётини барқарорлаштириш учун замин яратди, маънавий-маърифий ҳодисаларга муносабатни ўзгартирди. Истиқлол туфайли маънавий турмушимздаги кўплаб муаммолар ҳал этила бошланди. Қурилаётган демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар жамият, бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти билан мафкуравий таълиқларсиз ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти Ўзбекистон маданиятини халқчил қилди. Ўзбекистон, ўзбек халқининг дунёдаги ўзига хос ва мос ўрни борлиги, унинг жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасининг эътироф этилиши туфайли маънавий ҳаётнинг гуллаб-яшнаши учун мустаҳкам замин яратилди.

2. Музейлар. Уларнинг халқимиз маънавий салоҳиятини оширишдаги Аҳамияти.

Жамият маданий-маърифий ҳаётида, аҳолида тарихий хотирани тиклаш ва мустаҳкамлашда музейларнинг аҳамияти катта. Шу боисдан ҳам Мустақиллик йилларида мавжуд музейларни таъмирлаш, уларни янги экспонатлар билан бойитиш, янги музейлар барпо этишга алоҳида эътибор берилди.

Наманганда улуг ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи, Хоразмда ҳофиз Хожихон Болтабоев номли макомчилар музейи, Урганчда Хоразм амалий санъати ва тарихи музейи, Бухорода темирчилик музейи, Самарканд вилоятининг Оқтош шаҳрида халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўглининг уй-музейи, Тошкентда ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима Ҳадича Сулаймонова музейи, ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи сингари уй музейлари ташкил этилди. Шунингдек олий таълим муассасаларида кўплаб музейлар очилди.

1996 йил 1 сентябрь куни Тошкентда Осиёда ягона бўлган Олимпия шон-шухрат музейи фаолият кўрсата бошлади. Бу музей ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро мусобакалардаги муваффақиятларини намоён этиш эътибори, мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази бўлиб қолди.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Музей темурийлар даври руҳини акс эттирувчи ўша даврга хос тарихий жихозлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбошилар ва оддий жангчиларнинг кийим-бошлари, олтиндан ясалган уй-буюм ашёлари, мусиқа асбоблари, Амир Темур, Бобур кўлёмалари, Улугбекнинг астрономик қурилмалари ва бошқа 2000 дан ортиқ тарихий, маданий ёдгорликлар билан жихозланган. Темурийлар тарихи давлат музейи Ўзбекистонда амалга оширилаётган маданий, маънавий, маърифий ишлар, илмий тафаккур марказига айланди. 2002 йилда Термизда Археология музейи бунёд этилди.

Ўзбекистон Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони ва унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган Республика ҳукуматининг 1998 йил 5 декабрда қабул қилинган "Музейлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда музей ишини ривожлантириш истикболларини белгилаб берди. Маданият ишлари вазирлиги, "Олтин мерос" жамғармаси, Бадиий Академия, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги музейлар раҳбарияти билан ҳамкорликда музейларнинг ривожланиши ва молиявий таъминоти бўйича дастур ишлаб чиқилди. Музейлар давлат муҳофазасига олинди, уларни таъмирлаш, музей экспонатларини бойитиш давлат бюджети ҳисобидан молиявий жихатдан кўллаб-қувватланди. Музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, моддий жихатдан кўллаб-қувватлаш мақсадида 1998 йилда "Ўзбекмузей" Республика жамғармаси тузилди. Аҳолининг музейшунослик маданиятини оширишга кўмаклашувчи "Мозийдан садо" журнали таъсис этилди ва у 1999 йилдан бошлаб ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этила бошланди. Фақат 1999 йилда музейларнинг асосий фонди 7544 та тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойиди.

Ўзбекистонда умумий майдони 137150 кв.м.ни ташкил этадиган 510 та музей фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1,3 миллиондан ортиқ аجدодларимиз тарихи, бетакрор маданиятини акс эттирувчи нодир буюмлар-экспонатлар сақланмоқда ва аҳолига намойиш этилмоқда. Мамлакатимизнинг меъморий ёдгорликларга бой 10 та шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. 2500 та меъморий обида, 2700 та археологик ёдгорлик, 1800 монументал санъат асари давлат мухофазасига олинган. Бухоро, Самарканд ва Хива шаҳарларидаги 3 та музей-кўрикхоналари-да бутун дунёда энг нодир тарихий ёдгорликлар, меъморий обидалар, монументал санъат асарлари сақланиб қолган, давлат мухофазасида янгидан чирой очаётган музейлар сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон музейлари аҳоли орасида ўлкамиз тарихи, халқ амалий санъати асарларидан иборат этнографик кўргазмаларни намойиш этиб, жамиятимиз маънавий камолати йўлида хизмат қилмоқда. Минглаб хорижий сайёҳлар республикамиз музей-кўрикхоналарига ташриф буюриб, аجدодларимиздан қолган тарихий ёдгорликлар, обидалар, монументал санъат асарлари олдида таъзим этмоқдалар. Франция, Туркия, Эрон, Покистон, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатларда Ўзбекистон музейларининг экспонатлари намойиш этилди.

3. Миллий-маданий марказлар ва уларнинг роли.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда яшаётган 130 га яқин турли миллат ва элат урф-одатлари ва анъаналари бирдек ривожланиб бормоқда. ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 120 та миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Миллий маданий марказлар ўз миллатдошларининг тили, маданияти, урф-одатлари, расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватани билан алоқани жонлантириш каби масалалар билан шуғулланиб келмоқдалар. Миллий маданий марказлар қошида миллий мусика, рақс, ҳунар ва бошқа йўналишлардаги тўғараклар ташкил этилган.

1992 йилда турли миллий маданий марказларга қўмаклашувчи Республика Байналмилал маркази тузилди. Унинг фаолиятида республикамизда истикомат қилувчи турли миллат ва элатларни жипслаштириш асосий ўрин тутмоқда. ҳар бир миллатга мансуб рассомлар, ёзувчилар, шоирлар, олимлар, маданият ва санъат арбобларига бағишланган йигилишлар, кўргазмалар ташкил этилмоқда. Миллий маданий марказлар ўз фаолияти билан республикада маданият раванкига муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Маънавий-маърифий ислохотлар, устувор йўналиш, маънавият ва маърифат маркази, миллий ғоя, миллий маданий марказ, истиқлол мафқураси, қомил инсон.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Мустақиллик-ўзбек халқи руҳий маънавий янгиланишининг омили
 2. Миллий мафкура-мустақилликни мустаҳкамлашнинг пойдевори ва маънавий маданиятнинг асоси
 3. Мустақиллик шароитида миллий маданиятлар ривожланишининг ижтимоий-сиёсий омилларини таҳлил этинг.
 4. Маданий қадриятлар миллийлик ва байналминаллик кўзгусида.
- Ўзбекистон ва жаҳон маданияти.